



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

1 июнь

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ!



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.06.2026 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 87. Адади 1650.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

4

ҲАЛОЛЛИК, ҚАТЪИЯТ ВА ЮКСАК ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

КУН МАВЗУСИ

6

ЗАМОНАВИЙ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ
ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

7

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

8

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФЛАРНИ АНИҚЛАШ:
МИЛЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

9

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ: ТАДРИЖИЙЛИК,
ТИЗИМЛИЛИК, МАНТИҚИЙ ДАВОМИЙЛИК

10

СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИ

11

ОДИЛ СУДЛОВДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ:
ЯНГИ БОСҚИЧ ВА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

МУТАХАССИС ФИКРИ

12

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТИЗИМИ:
ТАРИХИЙ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

14

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

16

МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРНИ

18

РАҚАМЛИ ДУНЁ

STABLECOINЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИГА ДОИР
ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

ТАҲЛИЛ

20

ЖСТ ИНҚИРОЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЪЗОЛИГИ

22

МУҲИМ МАВЗУ

“ЭКО-МАДАНИЯТ” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ: ЭКОЛОГИК
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСЪУЛИЯТИ

23
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА
КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

24 МУЛОҲАЗА
НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ:
МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ **26**
ИШ ТАШЛАШ ҲОДИСАСИНИНГ ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ
СИФАТИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

28 ТАРИХГА НАЗАР
ҚОЗИЛИК ФАОЛИЯТИДА ОШКОРАЛИК
ВА ОЧИҚЛИК МАСАЛАСИ

30
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИБ
СОДИР ЭТИЛГАН КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ
КВАЛИФИКАЦИЯЛАШ ВА ИСБОТЛАШ МУАММОЛАРИ

31 ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
МАЖБУРИЙ МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ **32**
ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАРДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ

34 СУД ОЧЕРКИ
ҚОНУН ҲАҚИҚАТНИ ЁҚЛАДИ

СУДЬЯ МИНБАРИ **35**
АЖРИМ ЕЧИМ ЭМАС, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МУҲИМ

36
“ГИЁҲВАНДЛИК: ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ”
“ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
АСОСИЙ ҚУРОЛ”

ТАДҚИҚОТ **37**
ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

38
АТРОФ-ТАБИИЙ МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ
ЖИНОЯТИНИНГ ОФИРЛАШТИРУВЧИ БЕЛГИЛАРИ

40
ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

42
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА
РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР

44
ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИК
МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БЎЙИЧА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

46
ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА ТЎҚИМАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ МУАММОЛАРИ

48 ЗЪТИРОФ
САФДОШИМ, ҲАММАСЛАК, ҲАМФИКР ДЎСТИМ

ВАЖНАЯ ТЕМА **49**
ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ ПО
ОБЕСПЕЧЕНИЮ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА В
СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ

50 МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ
ЗНАЧЕНИЕ ОСНОВНЫХ ИСТОЧНИКОВ
УГОЛОВНОГО ПРАВА ВЕЛИКОБРИТАНИИ

ТЕМА ДНЯ **52**
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ПРАВОСУДИЯ И
ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ: КОНСТИТУЦИОННО-
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
СПРАВЕДЛИВОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

54
ОТ ТРУДА К ДЕКРЕТУ: КАК РОДИЛОСЬ ПРАВО НА
ОТПУСК ПО БЕРЕМЕННОСТИ И РОДАМ

ПРОЦЕСС **56**
ФИДУЦИАРНЫЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВА В КОРПОРАТИВНОМ
ПРАВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ОТ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА БИЗНЕС-РИСК К ЗАЩИТЕ
ДОБРОСОВЕСТНОГО УПРАВЛЕНЧЕСКОГО РЕШЕНИЯ

58
ТРАНСФОРМАЦИЯ ДОГОВОРНОГО
ПРАВА В УСЛОВИЯХ ВНЕДРЕНИЯ
ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙИНФОРМАЦИОННО-ТЕХНОЛОГИЙ

АНАЛИЗ **61**
ЮРИДИЧЕСКАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА
ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ТРУДА:
ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

БАХТИЁР ШАМСУТДИНОВИЧ
МИРБОБОВ

80

ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ҲАЛОЛЛИК, ҚАТЪИЯТ ВА

ЮКСАК ТАФАККУР УЙЎУНЛИГИ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист
Бахтиёр Шамсутдинович Мирбобоев 80 ёшда!

2026 йил 5 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Судьялар олий кенгаши ҳамкорлигида таниқли ҳуқуқшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Шамсутдинович Мирбобоевнинг 80 йиллик юбилеини Тошкент давлат юридик университетида тантанали нишонланди.



Дастлаб, давлатимиз раҳбарининг Бахтиёр Мирбобоевни Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти – “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Президентимиз томонидан кўрсатилган ушбу ғамхўрлик ва эътибор Янги Ўзбекистон шароитида инсонни қадрлаш ва эъзозлаш борасидаги амалий ишларнинг ҳаётий ифодасидир.

Суд тизими ва бошқа давлат органларида кўп йиллар ҳалол хизмат қилган суд фахрийсига бўлган бундай юксак эътибор судьялар ҳамжамиятининг жуда катта қувончига сабаб бўлди.

Тантанали тадбирда табрик учун сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Х.Ёдгоров, Конституциявий суди раиси М-У.Абдусаломов, Судьялар ассоциацияси раиси У.Мингбоев, Адлия вазири А.Тошқуловлар Бахтиёр Мирбобоевнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли бугунги судьялар ва ёш авлод учун том маънодаги ибрат мактаби вазифасини ўташи, У кишининг ҳалоллиги, қатъияти ёш ҳуқуқшуносларга намуна эканлигини эътироф этдилар.

Бахтиёр Шамсутдинович ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида оддий илмий ходимликдан бошлаб, кейинчалик Тошкент юридик университетида катта ўқитувчи, декан, проректор, Адлия вазири ўринбосари, Президент давлат маслаҳатчиси, Конституциявий суд раисининг ўринбосари, Конституциявий суднинг раиси каби юксак лавозимларда самарали фаолият кўрсатган.

Инсон умрининг моҳияти унинг эл-юртга қилган хизмати билан ўлчанади. Фидоий ва куюнчак инсон, салоҳиятли ҳуқуқшунос Бахтиёр Мирбобоев халқимизнинг, давлатимизнинг содиқ фарзандларидан бири сифатида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшган.

Тадбирда йиғилганлар устознинг нафақат профессионал ҳуқуқшунослик фаолиятини, балки ҳар бир инсон ўрнатқучлик камтарлиги ва олийжаноб инсонийлик фазилатларини алоҳида эътироф этдилар.

Бахтиёр Мирбобоев кўп йиллик фаолияти давомида шогирдларига нафақат ҳуқуқ сирларини ўргатган, балки ҳалоллик ва касбга садоқат бўйича шахсий намуна кўрсатган чинакам мураббийдир.

Ушбу файзли тадбир эл-юрт учун қилинган ҳалол меҳнат доимо эъзозда эканлигини яна бир бор кўрсатди. Муҳтарам Устозимизни кутлуг 80 йиллик юбилейлари ҳамда юксак унвон – “Дўстлик” ордени билан чин қалбдан муборакбод этамиз!





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЗАМОНАВИЙ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ

ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, одил судловнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид кафолатларни мустаҳкамлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Лекин, амалиёт таҳлили суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, судьялик касби одоби қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини ошириш соҳасида янада самарали механизмларни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Президентимиз томонидан 2026 йил 8 июнда "Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Мазкур Фармон суд органларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган институционал механизмларни янада такомиллаштириш, комплаенс-назорат фаолиятининг таъсирчанлигини ошириш ва мазкур соҳадаги масъул тузилмаларнинг ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ҳужжат суд тизимида очиқлик, ҳисобдорлик ва ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш орқали одил судлов сифати ҳамда самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим ҳуқуқий асосларни яратди.

Фармоннинг биринчи бўлимида судларда комплаенс-назорат тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи учта стратегик мақсад назарда тутилган.

Биринчи стратегик мақсад – судлар фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳамда коррупциявий омилларни эрта босқичда бартараф этишга қаратилган. Мазкур ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у коррупция ҳолатлари содир этилгандан кейин уларнинг оқибатларини бартараф этиш эмас, балки коррупцияни юзага келтирувчи ташкилий, ҳуқуқий ва бошқарув омилларини олдиндан аниқлаш ва нейтраллаштиришни назарда тутди. Бу эса халқаро антикоррупция стандартларида кенг қўлланилаётган рискларга асосланган бошқарув тамойилининг суд тизимига изчил татбиқ этилаётганини кўрсатади.

Иккинчи стратегик мақсад – суд аппарати ходимларини танлаш ва ишга қабул қилиш жараёнларини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ. Фармон мазкур соҳада очиқлик ва рақобат муҳитини кучайтириш, инсон омили таъсирини камайтириш ҳамда кадрлар сиёсатида тенг имкониятлар принципини таъминлашга қаратилган. Бунда меритократия тамойилининг устувор аҳамият касб этиши назарда тутилиб, номзодларни баҳолашда уларнинг билими, касбий малакаси, амалий кўникмалари, ахлоқий фазилатлари ва ҳалоллиги асосий мезон сифатида белгиланмоқда. Бу эса суд аппаратида профессионал ва юксак масъулиятли кадрлар корпусини шакллантиришга хизмат қилади.

Учинчи стратегик мақсад – суд ҳокимиятига нисбатан жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлашни кўзда тутди. Замонавий ҳуқуқий давлатда судларга бўлган ишонч одил судлов самарадорлигининг муҳим

кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Фармон суд органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни кучайтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш ҳамда суд тизимининг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ва ҳуқуқий ислохотлардаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Натижада суд органлари нафақат қонун устуворлигини таъминловчи институт, балки давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи муҳим ислохотчи институт сифатида намоён бўлади.

Фармонда назарда тутилган энг муҳим институционал янгиликлардан яна бири суд тизимида коррупцияга қарши ички назорат механизмларини кучайтириш мақсадида Комплаенс назорат хизмати ташкил этилишидир. Мазкур тузилманинг жорий этилиши суд органларида коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва хизмат фаолиятининг ҳалоллик стандартларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган янги бошқарув механизминини шакллантиради.

Фармонга мувофиқ, Олий суд аппарати тузилмасида бевосита Олий суд раисига бўйсунувчи уч нафар ходимдан иборат Комплаенс назорат хизмати ташкил этилмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси суди, ҳарбий суд, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида жами 15 та комплаенс инспектори лавозими жорий этилади.

Фармон коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларни аниқ тақсимлаш орқали масъулият ва ҳисобдорлик механизмларини янада мустаҳкамлайди. Хусусан:

- судьялар корпусида коррупциянинг олдини олиш вазифаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Суд инспекциясига;

- суд аппарати ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олиш вазифаси эса Олий суднинг Комплаенс назорат хизматида юклатилмоқда.

Бундай ёндашув назорат объектлари ва масъул субъектларнинг аниқ белгиланишини таъминлаб, вазифалар тақдорланиши ёки ваколатлар кесишувиининг олдини олади. Натижада коррупцияга қарши чораларнинг манзиллилиги ва таъсирчанлиги ортади.

Мазкур вазифаларнинг мазмун-моҳиятидан кўринадики, Комплаенс назорат хизмати фақат текширув ўтказувчи ёки назорат қилувчи орган сифатида эмас, балки коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик институт сифатида фаолият юритади. Айниқса, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, даромадлар декларациясини юритиш, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш ва хавфсиз коммуникация каналларини жорий этиш каби механизмлар коррупцияга қарши замонавий бошқарув тизимининг муҳим элементлари ҳисобланади.

Шухрат ИСМАИЛОВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

2026 йил 8 июнда қабул қилинган “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон суд тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган бир қатор янги ҳуқуқий механизмларни жорий этди. Уларнинг энг муҳимларидан бири суд тизимида даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тартибининг татбиқ этилишидир.

Фармонга мувофиқ, судьялар, суд аппарати ходимлари, шунингдек уларнинг турмуш ўртолқлари ҳамда вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби жорий этилмоқда. Мазкур механизм давлат хизматида очиклик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, шахснинг расмий даромадлари билан унинг амалдаги мулкий ҳолати ўртасидаги мувофиқликни баҳолаш имконини яратди.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш институти коррупцияга қарши профилактиканинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати суд тизимида коррупция ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш механизмларининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Мазкур институт халқаро ҳуқуқий амалиётда “Whistleblower protection” номи билан кенг танилган бўлиб, коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Ушбу нормага кўра, коррупция ҳолатлари, пора таклиф қилиш ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Айниқса, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти яширин шаклда содир этилишини ҳисобга олганда, хабар берувчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликларни аниқлаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Шу билан бирга, мазкур институт суд тизимида ҳалоллик маданиятини қарор топтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва ички жамоатчилик назорати элементларини кучайтиришга хизмат қилади.

Фармонда суд аппарати ходимларининг касбий мустақиллиги, ҳолислиги ва ҳалоллигини таъминлашга қаратилган қатор чекловлар ҳам назарда тутилган. Мазкур чекловлар суд тизимида хизмат интизоми ва этика стандартларини мустаҳкамлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда коррупциявий хавфларни минималлаштиришга хизмат қилади.

Хусусан, Фармонга мувофиқ:

- муқаддам коррупцияга оид жиноятларни содир этган деб топилган шахсларни ишга қабул қилиш;
- педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш, тадбиркорлик субъектини таъсис этиш тақиқланади;
- нотариус, адвокат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи фаолиятида ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун лавозимдан бўшатиш билан бирга ўшбу мобайнида ишга қабул қилинмайди;
- хорижий давлатларда ҳисобварақлар ва мол-мулкка эга бўлиш чекланади;
- ўз хизмат вазифаларини сиёсий партиялар, бирлашмалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажаришларига йўл қўйилмайди.

Мазкур чекловлар давлат хизмати соҳасидаги ҳалоллик стандартларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, суд аппарати ходимларининг хизмат фаолиятини ҳар қандай ташқи таъсир ва хусусий манфаатлардан холи равишда амалга оширишини таъминлашга хизмат қилади.

Айниқса, коррупциявий жиноятлар учун судланган шахсларнинг суд тизимида ишга қабул қилинишига чек қўйилиши мазкур соҳада юқори даражадаги ишонч ва обрў талаб этилишини англайди.

Фармонда сиёсий ва бошқа манфаатлар таъсирида хизмат вазифаларини бажаришга йўл қўйилмаслигига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Суд тизими фаолиятининг асосий тамойилларидан бири ҳолислик ва бетарафлик ҳисобланади. Шу боис мазкур чеклов суд аппарати ходимларининг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида, судьялар билан бир қаторда ҳар қандай ташқи таъсирдан мустақил фаолият юритишларини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур янгиликлар кадрлар танловида инсон омилнинг салбий таъсирини камайтириш, субъектив қарорлар қабул қилиниши эҳтимолини чеклаш ҳамда таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ва бошқа норасмий таъсир механизмларига барҳам беришга қаратилган. Энг муҳими, номзодларни баҳолашнинг рақамлаштирилган тизими барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар яратиш орқали меритократия тамойилининг амалда таъминланишига хизмат қилади.

Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад судьялар корпусида нафақат юқори касбий тайёргарликни, балки коррупцияга қарши барқарор иммунитет ва юксак ахлоқий масъулиятни шакллантиришдан иборат. Айниқса, ҳалоллик даражасини баҳолаш ва коррупцияга қарши барқарорлик диагностикасини ўтказиш амалиёти судьялик касби учун зарур бўлган ахлоқий сифатларни тизимли равишда баҳолаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонда назарда тутилган комплаенс назорат хизмати, “vacancysud.uz” портали, “SudHR” платформаси, даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизими ҳамда ISO 37001 стандартини жорий этиш каби чоралар бир-биридан алоҳида механизмлар эмас. Улар ўзаро боғлиқ бўлган яхлит коррупцияга қарши бошқарув тизимининг таркибий қисмларини ташкил этади. Мазкур тизим кадрларни танлашдан тортиб, уларнинг хизмат фаолиятини баҳолаш ва назорат қилишгача бўлган барча жараёнларни қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармоннинг концептуал аҳамияти шундаки, унда коррупция фақат айрим шахсларнинг ҳуқуқбузарлиги сифатида эмас, балки муайян ташкилий ва бошқарув камчиликлари натижасида юзага келувчи тизимли муаммо сифатида баҳоланади. Шу боис ҳужжатда коррупция оқибатларини бартараф этишдан кўра, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга устувор аҳамият берилган.

Фарход ХИКМАТУЛЛАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди раиси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФЛАРНИ АНИҚЛАШ: МИЛЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Ўзбекистон Президентининг 2026 йил 8 июнда қабул қилинган “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони суд тизимида коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ҳамда очиқлик ва ҳисобдорликка асосланган янги бошқарув механизмларини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Фармонга мувофиқ, суд ишларини автоматик тақсимлаш механизмнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш назарда тутилган. Хусусан, ишларни тақсимлаш мезонларини аниқ белгилаш, ишларни қайта тақсимлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда ишларни асоссиз равишда бошқа судьяга ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар жорий этилади.

Айниқса, ишларни қайта тақсимлаш тартибининг очиқ ва асосланган механизмлар асосида амалга оширилиши суд жараёнларининг ҳолислигига нисбатан жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ишнинг қайси судья томонидан кўриб чиқилиши кўп ҳолларда одил судловнинг мустақиллиги ва ҳолислиги билан боғлиқ муҳим масала сифатида баҳоланади.

Фармонда коррупциявий хавфларни аниқлаш ва баҳолашнинг рақамли механизмларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда суд тизимида коррупциявий хавфларни бошқариш бўйича махсус электрон ахборот тизимини яратиш назарда тутилмоқда.

Мазкур тизим суд органлари фаолиятида коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган омилларни мунтазам таҳлил ва мониторинг қилиш имконини беради. Хусусан, у:

- шубҳали операцияларни аниқлайди;
- интизом бузилишлари ҳолатларини мониторинг қилади;
- коррупциявий хавфларни баҳолайди;
- профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун таҳлилий маълумотларни шакллантиради.

Ушбу электрон тизимнинг жорий этилиши коррупцияга қарши курашиш соҳасида маълумотларга асосланган бошқарув моделига ўтиш учун муҳим замин яратади. Зеро, замонавий комплаенс амалиётида хавфларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнлари рақамли таҳлил воситалари орқали амалга оширилиши самарадорлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шунингдек, тизим орқали тўпланган маълумотлар муайян йўналишларда коррупциявий хавфларнинг қай даражада юқори эканлигини баҳолаш, такрорланувчи қоидабузарликларни аниқлаш ҳамда профилактик чораларни манзилли равишда

режалаштириш имконини яратади. Натижада назорат фақат текширув ўтказиш билан чекланиб қолмай, таҳлил ва прогнозлаш элементларини ҳам қамраб олади.

Мазкур Фармон суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг янги институционал моделини шакллантирмоқда. Агар аввалги ёндашувларда асосий эътибор ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин уни аниқлаш ва жавобгарлик чораларини қўллашга қаратилган бўлса, эндиликда коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, хавф омиллари ва шарт-шароитларини бартараф этиш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Халқаро тажриба таҳлили комплаенс-назорат механизмлари давлат бошқаруви ва суд тизимида коррупциянинг олдини олишда юқори самарадорликка эга эканини кўрсатади. Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг аксариятида коррупцияга қарши курашиш сиёсати ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жазолашдан кўра, коррупциявий хавфларни барвақт бартараф этиш ҳамда профилактик чораларни кучайтириш тамойилига асосланади.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларида федерал судьялар учун молиявий шаффофлик, даромадлар ҳақида ҳисобот бериш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича қатъий талаблар амал қилади. Германия ва Францияда эса давлат хизматчилари фаолиятида коррупциявий хавфларни баҳолаш, ички назорат тизимларини такомиллаштириш ва хизмат этикаси стандартларига риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Президентининг “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган чора-тадбирлар айнан шу илғор халқаро тажрибаларнинг концептуал асосларига таянади. Айни пайтда мазкур механизмлар миллий ҳуқуқ тизими ва суд органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштирилган. Шу боис Фармон коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги алоҳида чоралар йиғиндиси эмас, балки узоқ муддатли натижага қаратилган яхлит стратегик дастур сифатида баҳолашни мумкин.

Низомжон МАҲМУДОВ,

жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди тергов судьяси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ: ТАДРИЖИЙЛИК, ТИЗИМЛИК, МАНТИҚИЙ ДАВОМИЙЛИК

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар шароитида суд органларининг муҳим вазифалари қаторида “ҳодимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоровий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш” масаласи белгиланган.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий тараққиётида илк бор “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият бошқаруви тарихида биринчи марта тўғридан-тўғри давлат раҳбарига бўйсинадиган янги мустақил орган – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қўшма қарори қабул қилиниб, унда Ўзбекистон парламенти фаолияти тарихида илк бор ҳар иккала палата (Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат)да коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга масъул бўлган кўмиталар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенеси, халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари ҳузурида коррупцияга қарши курашиш бўйича Доимий комиссиялар ташкил этилди.

Ўзбекистон Президентининг 2026 йил 8 июнда қабул қилинган “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида янги бир босқични бошлаб берди.

Фармонда суд тизимида кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш ва инсон омили таъсирини қисқартиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, 2026 йил якунига қадар суд аппарати ходимларини ишга қабул қилишнинг замонавий электрон тизимлари жорий этилиши белгиланган. Жумладан, очиқ танлов механизмнинг тўлиқ ишга туширилиши, “vacancy.sud.uz” портали ва “SudHR” электрон платформасининг яратилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, кадрларни саралаш жараёнларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш амалиёти жорий этилади.

Ўрни келганда бу борадаги халқаро тажрибага ҳам қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, Сингапур тажрибаси диққатга сазовордир. Мазкур давлат бугунги кунда коррупция даражаси энг паст мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилади. Бундай натижа қисқа муддатда эмас, балки узок йиллар давомида давлат бошқарувида ҳалоллик, ҳисобдорлик ва

комплаенс тамойилларини изчил қарор топтириш орқали қўлга киритилган.

Сингапурда давлат хизматчилари учун юқори ахлоқий стандартлар жорий этилган, даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш механизмлари самарали ишлайди, кадрлар сиёсатида меритократия тамойили қатъий таъминланади. Шунингдек, бошқарув жараёнларининг кенг қўламда рақамлаштирилгани инсон омилининг салбий таъсирини минималлаштириш имконини берган.

Жанубий Корея тажрибаси ҳам коррупцияга қарши профилактик ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Давлат хизмати соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ички аудит тизимини кучайтириш ва хавфларга асосланган назорат механизмларини татбиқ этиш натижасида давлат бошқарувининг самарадорлиги ва очиқлиги сезиларли даражада оширилган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда хорижда ҳисобварақлар ёки мол-мулкка эгалик қилиш бўйича чекловлар эса хизмат мавқеидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш эҳтимолини камайтириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва молиявий шаффофликни таъминлашга қаратилган. Бундай механизмлар халқаро антикоррупция амалиётида давлат хизматчилари фаолиятининг ҳолислигини таъминловчи муҳим ҳуқуқий воситалар сифатида қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президентининг “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган мақсадларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши натижасида суд тизимида коррупциявий хавфлар қисқаради, кадрлар сиёсатида меритократия тамойиллари мустаҳкамланади, бошқарув жараёнларининг шаффофлиги ортади, судьялар ва суд аппарати ходимларининг масъулияти кучаяди ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Энг муҳими, мазкур Фармон Янги Ўзбекистонда адолатли, очиқ ва жамоатчилик ишончига асосланган замонавий суд тизимини шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал замин яратади.

Руслан ЗАИРОВ,

Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугун мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар даври жамиятимизнинг барча жабҳаларига янги нафас ва умидбахш ўзгаришлар олиб кирмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва адолат тамойилларини таъминловчи суд-ҳуқуқ ислоҳотлари халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Суд тизимини тубдан такомиллаштириш йўлида кейинги йилларда жуда катта ва салмоқли масофа босиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тарихий фармон ва қарорлар соҳада мутлақо янги муҳитни шакллантирди. Энг қувонарлиси, суд жараёнлари шиддат билан рақамлаштирилмоқда. Суд ишларининг инсон омилиси, компьютер дастурлари орқали автоматик тақсимланиши, суд мажлисларининг очиқ ва ошқора ўтказилиши тизимга янги шаффофлик ҳавосини олиб кирди.

Албатта, ҳар қандай янги ва йирик тизимнинг ҳаётимизга тўлақонли сингиб кетиши маълум бир вақт ва тинимсиз меҳнатни талаб этади. Бугун комплаенс-назорат тизимининг ҳали ишга солинмаган ички имкониятлари ва улкан салоҳияти мавжуд. Ушбу механизм ўзининг юз фоизлик қуввати билан ишлай бошлагани сари, унинг жамият учун нафи янада яққолроқ намоён бўлади.

Агар мазкур тизимнинг барча бўғинлари тўлиқ ва изчил ҳаракатга келтирилса, биз кутган натижаларга эришяда:

Комплаенс назорат фақатгина камчиликларни аниқлаб жазолаш эмас, балки ҳалол ва содиқ судьяларни турли асоссиз тўхматлардан, ташқи босимлардан ҳимоя қилувчи энг ишончли суянчиққа айланади.

Тизимнинг тўлиқ ва очиқ ишлаши фуқароларимизда суд қарорларининг адолатли эканлигига бўлган ишончини юксалтиради. Халқ ва суд ўртасида самимий ҳамкорлик ва ишонч кўприги мустаҳкамланади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатлари босиб ўтган тарихий йўл ва уларнинг бугунги ютуқлари таҳлили шуни кўрсатадики, кучли иқтисодиёт ва барқарор ижтимоий тизим ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг ортида, биринчи навбатда, суд ҳокимиятига бўлган мутлақо юқори ишонч ва ушбу тизим ичида бенуқсон ишлайдиган комплаенс-назорат механизми туради. Ички назорат линиялари ва қонунга мувофиқлик тизими мукамал йўлга қўйилган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш, инвестициявий жозибадорлик ва ижтимоий фаровонлик бўйича дунёда энг юқори чўққиларни забт этгани сир эмас. Зеро, капитал ва инвестиция фақатгина қонун устувор бўлган, ҳалол суд тизими қафолатланган хавфсиз муҳитга оқиб келади.

Дунё тажрибасида ички назорат тизими шунчаки расмий идора эмас, балки судьянинг мақоми ва обрўсини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи энг қудратли тузилма ҳисобланади. Мазкур мамлакатларда судьялик мақоми жамиятда энг юқори шараф ва ҳавас қилинадиган касб бўлиши билан бир қаторда, ички комплаенс назорати судьялар ва уларнинг оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва харажатлари

балансини жуда қатъий ва шаффоф тарзда мониторинг қилиб боради. Бундай тизим туфайли ҳар қандай ташқи босим ёки суд мустақиллигига аралашуш ҳаракатлари барвақт аниқланади ва тизимнинг ички тозаллиги доимий равишда таъминланади. Тизим рақамли технологиялар билан шу қадар мукамал интеграция қилинганки, суд ишларини автоматик тақсимлашдан тортиб, қарорларнинг очиқлигига бўлган барча жараёнлар инсон омилдан бутунлай холи этилган. Бу ерда комплаенс хизмати жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан узвий мулоқотда ишлайди. Оқибатда, ушбу давлатларда аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишонч кўрсаткичи 90 фоиздан юқорини ташкил этади ва бу бевосита ижтимоий тотувлик ва юксак иқтисодий барқарорликнинг бош гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўлиқ шаклланган комплаенс назорати инсон омилга таянмайди. Суд тизимига интеграция қилинган махсус алгоритмлар ва рақамли дастурлар ҳар бир суд ишини, қарорларнинг қонунийлик муддатларини ҳамда судьялар фаолиятидаги эҳтимолий хавф-хатарларни автоматик тарзда таҳлил қилади. Бу эса инсон аралашуви ва бюрократияни бутунлай чеклаб, тизим ишини бир неча баробар тезлаштиради. Судьяларнинг меҳнатига баҳо беришда турли субъектив қарашлар ёки ички омилларга барҳам берилади. Комплаенс тизими томонидан ишлаб чиқилган рақамли кўрсаткичлар судьянинг қанчалик адолатли, қонуний ва ўз вақтида иш юритганини шаффоф равишда кўрсатиб беради. Натижада, ҳалол ва ўз касбига содиқ судьяларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиши фақатгина уларнинг билим ва адолатига боғлиқ бўлади. У кенг жамоатчилик, фуқаролар ва адвокатлар учун доимий очиқ бўлган, муҳожаатларни тезкор ва масофавий қабул қилувчи рақамли платформага айланади. Бу тизим ҳуқуқбузарликларни содир бўлгандан кейин жазолаш эмас, балки уларни олдиндан сезиб, барвақт бартараф этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, соҳада бошланган кенг қўламли ислоҳотлар бизни ёруғ келажак сари етакламоқда. Суд тизимидаги комплаенс назорат одил судловни янада ривожлантириш, унинг имкониятларини кенгайтириш ва фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш — мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг бош гаровидир. Мустаҳкам ирода, изчиллик ва ижобий интилишлар билан қурилаётган бу тизим яқин келажакда Ўзбекистон суд ҳокимиятини халқ хизматидаги ҳақиқий адолат ва ҳақиқат маёқиға айлантириши шубҳасиздир.

Нурбек РАХИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди раиси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ОДИЛ СУДЛОВДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ: ЯНГИ БОСҚИЧ ВА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг муваффақияти бевосита суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳамда унинг дахлсизлиги билан белгиланади. Зеро, адолат қарор топмаган жамиятда ҳеч бир соҳада ривожланиш бўлмайди. Суд тизимини коррупциядан холи қилиш, судьялар корпусининг ҳалоллигини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Фармони билан бир қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Кейинги йилларда суд тизимини тубдан соғломлаштириш ва коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган кўплаб муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Алоҳида эътироф этиш жоизки, бугун соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шаклланган, судьялар мустақиллигини таъминлашдан тортиб, жараёнларни рақамлаштиришгача бўлган барча занжир қонунан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу изчил сиёсий ироданинг мантикий давоми ўлароқ, яна бир янги Фармон қабул қилиндики, унга кўра ҳар қандай яширин коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаб, уларга нисбатан таъсирчан профилактик чора-тадбирлар назарда тутилди.

Агар ички назорат кучли бўлмаса, коррупция йўқолмайди, балки янада яширин, "интеллектуал" ва аниқлаш қийин бўлган шаклларга ўтади.

Фуқаролар тизимда ҳали ҳам адолатсизлик ёки таниш-билишчилик борлигини кўрса, уларнинг нафақат судга, балки умуман давлат олиб бораётган ислохотларга бўлган ишончи сусайишига олибди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, суд тизимида ички комплаенс-назоратни расмийлаштириш учун жорий қилган ва тизимни чала қолдирган мамлакатлар йиллар давомида тизимли инқироздан чиқа олмаяптилар. Масалан, айрим Лотин Америкаси ва баъзи ўттиш даврини бошдан кечираётган постсовет мамлакатларида коррупцияга қарши курашувчи органлар ташкил этилган бўлса-да, уларга сиёсий ва ички босимлар сабабли тўлиқ мустақиллик берилмади. Оқибатда, судхўрлик ва жиноий гуруҳларнинг суд тизимига таъсири давом этиб, бу давлатлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишдан орқада қолиб кетмоқда.

Бунинг мутлақо тескарисини ўлароқ, тизимни энг қаттиққўл ва изчил усуллар билан ишга туширган давлатлар улкан муваффақиятларга эришдилар.

Бу давлатларда коррупцияга нисбатан "ноль бағрикенглик" сиёсати амал қилади. Судьяларнинг нафақат иш фаолияти, балки уларнинг ва оила аъзоларининг даромадлари, яшаш тарзи, харажатлари комплаенс тузилмалари томонидан доимий ва қатъий назорат қилинади. Ҳар қандай шубҳали ҳаракат суриштирувга сабаб бўлади.

Шимолий Европа (Скандинавия) мамлакатларида тизим қаттиққўллик билан бирга мутлақо шаффофликка асосланган.

Судьялар Олий кенгаши ва унга ўхшаш тузилмалар ҳузуридаги комплаенс хизматлари жамоатчиликка очик. Судьянинг ҳар бир қарори, манфаатлар тўқнашуви бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат рақамлаштирилган тизим орқали автоматик тарзда блокка олинади.

Суд тизимида тўлиқ қувват билан, мустақил ва қаттиққўллик билан ишлаши келажақдаги қуйидаги ижобий натижаларни кафолатлайди:

Мутлақо ҳалол судьялар корпуси шаклланади: Судьялик лавозимига номзодларни саралашдан бошлаб, уларнинг фаолиятини баҳолашгача бўлган занжирда инсон омили минималлашади. Номзоднинг ахлоқий қиёфаси ва софлиги комплаенс "фильтри" орқали холис баҳоланади.

Ташқи ва ички босимларга чек қўйилади: Тўлиқ ишлаган комплаенс тизими судьянинг ишига аралашишга уринган ҳар қандай амалдор ёки ички раҳбариятнинг ҳаракатларини фош қилувчи ва судьяни ҳимоя қилувчи кучга айланади.

Инвесторлар ва халқаро ҳамжамият ишончи ортади: Суд тизими шаффоф ва тоза бўлган давлатга чет эл инвестициялари оқими кескин кўпаяди, чунки капитал эгалари ўз ҳуқуқлари судда адолатли ҳимоя қилинишига ишонадилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тизимли ислохотларнинг самарадорлиги уларнинг ҳаётга қай даражада тўлиқ ва изчил татбиқ этилиши билан белгиланади. Тизимдаги комплаенс-назорат хизмати шунчаки назорат қилувчи тузилма эмас, балки одил судлов ва адолат мезонларини ҳар қандай ички ва ташқи хавфлардан асровчи асосий омил бўлиши зарур.

Бунинг учун мазкур тизимнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш ҳамда халқаро тажрибада синалган тизимлилик ва очиклик принципларини изчил жорий этиш лозим. Шундагина суд ҳокимиятининг жамиятдаги нуфузи янада юксалиб, у халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳақиқий адолат кўргонига айланади.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси одил судловнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, судларга нисбатан жамият ишончини мустаҳкамлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Жасурбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси.

ҲАРБӢЙ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТИЗИМИ: ТАРИХӢЙ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ӢНДАШУВЛАР

ҲарбӢй жиноятлар учун жавобгарлик масаласи назарий-ҳуқуқӢй аҳамият билан бир қаторда бевосита амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки уруш қонунлари ва одатларини бузган шахсларни жазолаш фақат норматив декларация билан чекланиб қолса, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ҳимоя вазифаси реал натижа бермайди. Шу сабабли замонавий халқаро ҳуқуқда асосий эътибор ҳарбӢй жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, айбдор шахсларни суд қилиш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш механизмларига қаратилмоқда¹.

Нюрнберг ва Токио трибуналлари ҳарбӢй жиноятлар учун индивидуал жиноий жавобгарликни амалиётга татбиқ этган дастлабки йирик халқаро институтлар сифатида тарихий аҳамиятга эга. Кейинги даврда БМТ, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, Женева конвенциялари, ad hoc трибуналлар ва Халқаро жиноят суди ушбу механизмларни ривожлантирди. Натижада ҳарбӢй жиноятларни содир этган шахсларнинг расмий мақоми, буйруқни бажариш ҳолати ёки жиноят содир этилган ҳудуд масаласи уларни жавобгарликдан озод қилмаслиги ҳақидаги ёндашув мустаҳкамланди.

Нюрнберг ва Токио трибуналлари: индивидуал жиноий жавобгарликнинг амалий асослари. Иккинчи жаҳон уруши якунлари халқаро ҳамжамият олдига мисли кўрилмаган вазифани қўйди: оммавий қирғин, босиб олинган ҳудудларда тинч аҳолига нисбатан шафқатсизлик, ҳарбӢй асирларни қийнаш ва инсониятга қарши жиноятларни содир этган шахсларни қандай тартибда жавобгарликка тортиш керак? Нюрнберг халқаро ҳарбӢй трибунали айнан шу саволга амалий-ҳуқуқӢй жавоб берган институт бўлди.

Нюрнберг трибунали Уставининг 6-моддасида тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбӢй жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар трибунал юрисдикциясига киритилди. ҲарбӢй жиноятлар қаторига қотиллик, қийноқ, оккупация қилинган ҳудуд аҳолисини мажбурий меҳнатга олиб кетиш, ҳарбӢй асирларни ўлдириш ёки қийноққа солиш, гаровга олинганларни ўлдириш, мулкни талон-торож қилиш, шахар ва қишлоқларни ҳарбӢй заруратсиз вайрон қилиш каби қилмишлар киритилди.

Нюрнберг жараёнининг энг муҳим амалий натижаси давлат акти доктринасининг рад этилиши ва индивидуал жиноий жавобгарлик тамойилининг қарор топишидир. Трибунал шахснинг давлат номидан ҳаракат қилгани, юқори лавозим эгаллагани ёки буйруқни бажаргани уни халқаро жиноятлар учун жавобгарликдан автоматик равишда озод қилмаслигини кўрсатди. Бу тамойил кейинчалик халқаро жиноят ҳуқуқининг асосий принципларидан бирига айланди².

Токио халқаро ҳарбӢй трибунали ҳам Узоқ Шарқда содир этилган оғир жиноятлар бўйича шунга ўхшаш вазифани бажарди. Гарчи Токио трибунали айрим процессуал ва сиёсий жиҳатлар бўйича танқид қилинган бўлса-да, у Нюрнберг билан биргаликда ҳарбӢй жиноятлар учун халқаро жавобгарликнинг институционал асосларини мустаҳкамлади. Энг муҳими, бу трибуналлар миллий судлар ваколатини инкор этмади; аксинча, халқаро ва миллий жиноий юрисдикция ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг дастлабки амалий моделини яратди³.

БМТ тизими, Женева конвенциялари ва урушдан кейинги кодификация. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро ҳамжамият ҳарбӢй жиноятларни фақат алоҳида трибуналлар орқали эмас, балки барқарор норматив-ҳуқуқӢй тизим орқали тартибга солиш зарурлигини англаб етди. 1945 йилда БМТ ташкил этилиши халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлатлар ҳамкорлигини ривожлантириш учун универсал институционал платформа яратди⁴.

1949 йилги Женева конвенциялари ва уларга 1977 йилда қабул қилинган Қўшимча протоколлар ҳарбӢй жиноятлар учун жавобгарликни таъминлашнинг энг муҳим шартномавий манбаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар уруш қурбонларини ҳимоя қилиш, ярадорлар ва беморлар, ҳарбӢй асирлар, тинч аҳоли ҳамда оккупация қилинган ҳудудлардаги шахслар ҳуқуқларини кафолатлаш билан бирга, оғир бузилишлар учун айбдор

шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мажбуриятини ҳам белгилайди. Урушдан кейинги даврда БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссияси Нюрнберг тамойилларини кодификация қилиш, Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро жиноий суд яратиш масалалари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. 1950 йилда Нюрнберг тамойиллари шакллантирилди; 1991 ва 1996 йилларда Кодекс лойиҳалари янгиланди. Гарчи ушбу кодекс халқаро шартнома сифатида якуний қабул қилинмаган бўлса-да, унинг гоёлари кейинчалик Халқаро жиноят суди Статутини ўз аксини топди⁵.

Бу жараёнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳарбӢй жиноятлар эндиликда фақат урушдаги ғолиблар томонидан жазоланадиган қилмиш сифатида эмас, балки халқаро ҳамжамият томонидан умумий хавф сифатида тан олинadиган жиноятга айланди. Натижада “жазони муқаррар қилиш”, “тергов қилиш ёки экстрадиция қилиш”, “оғир бузилишларни криминаллаштириш” каби мажбуриятлар давлатларнинг халқаро-ҳуқуқӢй масъулиятига боғланди.

Халқаро жиноят суди ва комплементарлик механизми. 1998 йилда Рим статутининг қабул қилиниши ва Халқаро жиноят судининг ташкил этилиши ҳарбӢй жиноятлар учун жавобгарликни таъминлаш тарихида сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Халқаро жиноят суди геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбӢй жиноятлар ва тажовуз жинояти бўйича юрисдикцияга эга бўлган доимий халқаро суд органидир⁶.

Халқаро жиноят судининг асосий хусусияти комплементарлик принципида намоён бўлади. Мазкур принципга кўра, Суд миллий судларни алмаштирмайди, балки давлатнинг ўзи чинакам тергов ва судловни амалга оширишни хоҳламаса ёки бунга қодир бўлмаса ишга киришади. Бу ёндашув халқаро жиноят ҳуқуқининг амалий самарадорлигини миллий ҳуқуқни қўллаш тизимлари билан боғлайди.

Комплементарлик принципи давлатлар зиммасига икки томонлама вазифа юклайди. Биринчидан, миллий қонунчиликда ҳарбӢй жиноятлар таркиблари аниқ белгиланиши керак. Иккинчидан, тергов органлари ва судлар бундай жиноятларни самарали тергов қилиш ҳамда судда кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, халқаро юрисдикция аралашуви учун асос пайдо бўлади⁷.

Рим статутини ҳарбӢй жиноятларнинг кенг рўйхатини ўз ичига олади. Унда халқаро ва халқаро бўлмаган қуролли моҳароларда содир этиладиган оғир бузилишлар алоҳида тартибда баён қилинган. Бундай ёндашув замонавий моҳаролар кўпинча ички ва халқаро элементлар аралашган ҳолда кечаётган шароитда алоҳида аҳамият касб этади.

Универсал юрисдикция, экстрадиция ва миллий судларнинг роли. ҲарбӢй жиноятлар учун жавобгарликни таъминлашда универсал юрисдикция тамойили муҳим амалий восита ҳисобланади. Мазкур тамойилга кўра, айрим оғир халқаро жиноятлар бўйича давлатлар жиноят қаерда содир этилганидан ёки айбдор ва жаборланувчининг фуқаролигидан қатъи назар, жиноят ишини юритиши мумкин. Универсал юрисдикция ҳарбӢй жиноятчиларнинг бошқа давлат ҳудудида яшириниб қолиши ёки сиёсий бошпана орқали жавобгарликдан қочишининг олдини олишга хизмат қилади⁸.

Экстрадиция ва халқаро ҳуқуқӢй ёрдам механизмлари ҳам бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Женева конвенциялари доирасидаги “тергов қилиш ёки ушлаб бериш” ёндашуви давлатлардан оғир бузилишларда

гумон қилинаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларни тегишли юрисдикцияга топширишни талаб қилади. Бундай механизм жиноят содир этилган ҳудуд, айбдор шахс фуқаролиги ёки сиёсий вазиятдан қатъи назар жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган.

Миллий судлар халқаро жиноят ҳуқуқи нормаларининг энг муҳим ижрочиларидир. Чунки, халқаро судлар чекланган ресурс ва юрисдикция доирасига эга. Ҳарбий жиноятлар бўйича кўплаб ишлар айнан миллий судлар томонидан кўрилиши лозим. Шу сабабли халқаро судлар қарорларидан миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётида манба сифатида эмас, балки халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини талқин қилишда ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ⁹.

Бу борада Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими учун ҳам илмий-амалий аҳамиятли хулоса шундан иборатки, ҳарбий жиноятлар бўйича миллий механизм фақат Жиноят кодексидagi моддалар билан чекланмаслиги лозим. Тергов методикаси, далилларни йиғиш, халқаро ҳуқуқий ёрдам сўровлари, жабрланувчилар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш, рақамли далилларни текшириш каби процессуал механизмлар ҳам ривожлантирилиши зарур.

Ўзбекистон қонунчилигига имплементация ва замонавий моjarолар шароитидаги вазифалар. Ўзбекистон Республикаси халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида муайян ҳуқуқий асосга эга. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидa тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар алоҳида боб сифатида тартибга солинган. Хусусан, Жиноят кодексининг 152-моддасида урушнинг қонун ва удумларини бузиш, жумладан тинч аҳоли ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шахарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш ҳамда бундай ҳаракатларга буйруқ бериш учун жавобгарлик назарда тутилган. Жиноят кодексидa тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатлари қўлланилмаслиги ҳақидаги қонда ҳам мавжуд. Бу ёндашув халқаро ҳуқуқда шаклланган ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан эскириш муддатларини қўлламазлик принциpigа мос келади. Бироқ, мазкур нормаларнинг амалий самардорлиги уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш бўйича процессуал механизмларнинг аниқлигига ҳам боғлиқ.

Замонавий қуролли моjarолар табиати ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик механизмларини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Дронлар, автоном қурол тизимлари, сунъий интеллект алгоритмлари, киберхужумлар, фуқаролик инфратузилмасига масофавий зарба бериш ва ахборот операциялари ҳарбий зарурат, мутаносиблик, фарқлаш ва эҳтиёт чораларига риоя этиш тамойилларини янгича талқин қилишни тақозо этади.

Шу сабабли миллий жиноят қонунчилигидa замонавий технологиялар воситасидa содир этиладиган ҳарбий жиноятларни баҳолаш бўйича аниқроқ мезонлар ишлаб чиқилиши лозим. Хусусан, тинч аҳоли объектларига киберхужумлар, автоном тизимлар ёрдамида нишон танлаш, ҳарбий қарор қабул қилишда алгоритмик хатоликлар ва қўмондонлик жавобгарлиги ўртасидaги боғлиқлик алоҳида илмий ва қонунчилик ёндашувини талаб этади.

Амалий таклиф ва тавсиялар

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидaги уруш қонунлари ва одатларини бузишга оид нормаларни халқаро гуманитар ҳуқуқдаги замонавий стандартлар билан тизимли солиштириш асосидa такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда Рим статутини ва Женева конвенцияларидаги таркиблар миллий ҳуқуқ тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта таҳлил қилиниши лозим.

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексидa универсал юрисдикция, халқаро ҳуқуқий ёрдам, экстрадиция, халқаро суд органлари билан

ҳамкорлик ва ҳарбий жиноятларга оид рақамли далилларни расмийлаштириш бўйича махсус қондаларни аниқлаштириш зарур.

Учинчидан, қўмондонлик жавобгарлиги институтини миллий жиноят қонунчилигидa аниқ ифодалаш лозим. Қўл остидаги шахслар томонидан ҳарбий жиноятлар содир этилаётганини билган ёки билиши керак бўлган, бироқ олдини олиш ёки жазолаш чораларини кўрмаган қўмондон ва бош-лиқларнинг жавобгарлиги алоҳида норматив асосга эга бўлиши керак.

Тўртинчидан, суд ва тергов органлари учун халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини қўллашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилиши, Олий суд Пленуми томонидан тегишли тушунтиришлар берилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳужжат халқаро судлар амалиётидан фойдаланиш, Женева конвенцияларини талқин қилиш ва миллий жиноят таркибларини халқаро стандартларга мувофиқ қўллашда ягона амалиётни шакллантиради.

Бешинчидан, замонавий технологиялар билан боғлиқ ҳарбий жиноятлар бўйича илмий-тадқиқот ва экспертиза базасини кенгайтириш керак. Киберхужумлар, сунъий интеллект, дронлар ва рақамли далиллар бўйича махсус экспертлар тайёрлаш ҳарбий жиноятларни исботлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлиқни таъминлаш механизмлари Нюрнберг ва Токио трибуналларидан бошлаб БМТ тизими, Женева конвенциялари, ad hoc трибуналлар ва Халқаро жиноят суди орқали изчил ривожланди. Ушбу механизмларнинг умумий моҳияти шундан иборатки, халқаро ҳуқуқни қўпол бузган шахсларнинг жавобгарлиги уларнинг лавозими, фуқаролиги, жиноят содир этилган ҳудуд ёки буйруқни бажариш ҳолатига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Замонавий даврда ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлиқни таъминлашнинг асосий оғирлиги миллий ҳуқуқни қўллаш тизимларига тушмоқда. Халқаро судлар муҳим, бироқ чекланган институтлардир; шу сабабли давлатларнинг миллий қонунчилиги, тергов ва суд амалиёти халқаро гуманитар ҳуқуқ талабларига мос бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидa ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлиқнинг муайян асослари мавжуд. Эндиги вазифа — ушбу асосларни замонавий қуролли моjarолар, универсал юрисдикция, қўмондонлик жавобгарлиги, киберхужумлар ва автоном қурол тизимлари билан боғлиқ янги хавфларни ҳисобга олган ҳолда амалий жиҳатдан қучайтиришдан иборат.

Саидакбар АКБАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лобанов С.А. Международное уголовное право. Уголовная ответственность за военные преступления. – 2-е изд. – М.: Юрайт, 2026. – С. 373; Верле Г. Принципы международного уголовного права / пер. с англ. С.В. Саяпина. – М., 2011. – С. 115.
2. Батърь В.А. Нюрнбергский приговор пересмотру не подлежит // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011. – № 2. – С. 24–30; Белый И.Ю. Нюрнбергский процесс и формирование принципов международного уголовного судопроизводства // – 2011. – № 2. – С. 14–18.
3. Епифанов А.Е. Ответственность за военные преступления: историко-правовой аспект. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2001. – С. 18.
4. Котляров И.И., Пузырева Ю.В. Международное право и его роль в деятельности органов внутренних дел // Вестник академии экономической безопасности. – 2015. – № 7. – С. 52–61.
5. Доклад Комиссии международного права о работе ее сорок третьей сессии (29 апреля – 19 июля 1991 г.) // A/46/10. – Нью-Йорк, 1991; Доклад Комиссии международного права о работе ее сорок восьмой сессии (6 мая – 26 июля 1996 г.) // A/51/10.
6. Rome Statute of the International Criminal Court, adopted 17 July 1998, arts. 5 and 8.
7. Лобанов С.А. Международное уголовное право. Уголовная ответственность за военные преступления. – 2-е изд. – М.: Юрайт, 2026. – С. 373; Umarxanova D.Sh., Ochilov X.R. Xalqaro jinoyat huquqi. – T.: TDUU, 2019. – B. 104.
8. Верле Г. Принципы международного уголовного права / пер. с англ. С.В. Саяпина. – М., 2011. – С. 115; Трикоз Е.Н. Преступления против мира и безопасности человечества. – М., 2007. – С. 37–38.
9. Miruktamova F.L. BMT Xalqaro sudi. O'quv qo'llanma. – T.: TDYU nashriyoti, 2024. – B. 28; Oblakulov D., Mustanov I. Xalqaro jinoyat huquqi. – Toshkent: Adolat, 2013. – B. 41–57.

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда рақамлаштириш ва технологияларнинг илдамлашуви, сунъий интеллект ва блокчейн соҳаларида юз бераётган модернизация жараёнлари мамлакатимизда мавжуд бўлган илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш тартибларини янада такомиллаштириш, соҳани ортқча бюрократия ва оврагарчиликлардан ҳалос этишни тақозо этаётган бир пайтда тарихий янгиликларни ўзида муҳрлаган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, 2026-йилнинг 26-май санасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари учун илғор ечимларни ярата оладиган янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, илмий кенгашлар фаолиятида замонавий ёндашувларни татбиқ этиш, изланувчиларни тайёрлашда устуворлик механизмларини жорий этиш, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-98-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди.

Айтиш жоизки, ушбу Фармоннинг асосий мақсади олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш, докторантлар тайёрлаш жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш, диссертация тадқиқотларининг сифати, илмий ва амалий аҳамиятини оширишга қаратилган бўлиб, турли ихтисосликларда тадқиқотлар олиб бориш, илмий ишни ҳимояга олиб чиқишга оид бир қатор муҳим ўзгаришларни ўзида мужассам этади. Мазкур Фармон моҳиятини англаш учун унда келтирилган янги қоидаларни тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мумкин. Жумладан:

биринчиси, устувор йўналишларда илмий кадрлар тайёрлаш;

иккинчиси, илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш;

учинчиси, тадқиқот жараёнларида тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш;

тўртинчиси, Олий аттестация комиссияси фаолиятини такомиллаштириш.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бир бўлаги сифатида устувор йўналишларда илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида урғу берилиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида келтирилган мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, еттига тоифада устувор йўналишлар белгиланди:

■ рақамли ва ахборот технологиялари, жумладан, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, маълумотлар таҳлили ва рақамли ечимларни ишлаб чиқиш;

■ атом ва қайта тикланувчи энергия манбалари, шу жумладан, водород технологиялари, энергия тежамкорлиги ва энергияни сақлаш тизимлари;

■ агроинновациялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги, уруғчилик, селекция, ген технологиялари;

■ тиббиёт ва биотехнологиялар, жумладан, биомедицина, генетика, фармацевтика, телемедицина ва юқумли касалликларнинг олдини олиш;

■ сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва иқлимга барқарорликни таъминлаш, жумладан, чўлланишнинг олдини олиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш;

■ янги материаллар ва илғор ишлаб чиқариш технологиялари, шу жумладан, нанотехнологиялар, аддитив ишлаб чиқариш, робототехника ва автоматлаштирилган тизимлар;

■ сейсмик хавфсизликни таъминлаш.

Шунингдек, 2026-йилнинг сентябридан докторантурага умумий қабул квотасининг 60 фоизи дастлаб юқорида келтирилган устувор илмий ихтисосликларга ажратилиши ва ўқишга қабул қилиш илмий тадқиқот иши тақдироти асосида амалга оширилиши белгиланди. Дифференциал стипендия тизимида кўра эндиликда, устувор ихтисосликлар докторантларига базавий стипендиянинг 1,7 баравари миқдорида оширилган суммадаги стипендиялар тўланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида зарур бўлган асбоб-ускуналар хариди учун ҳам стипендиянинг 30 фоизи миқдорида ҳар ойлик қўшимча маблағ докторант таҳсил олаётган илмий ташкилотга йўналтирилади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида олишни назарда тутувчи “Лойиҳа доирасида илмий даража” дастури йўлга қўйилиши ҳам мазкур Фармонда белгиланди. Унга мувофиқ, Инно-

вацион ривожланиш агентлиги устувор илмий ихтисосликлар бўйича ҳар йили бир маротаба тадқиқот лойиҳалари танловини эълон қилади. Унда докторантлар ўз илмий раҳбарлари билан иштирок этишлари мумкин.

Шунинг билан бирга, илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2027-йилнинг 1-январидан:

- Чет тили фанидан малакавий имтиҳон топшириш;

- Диссертация мавзуларини Олий аттестация комиссияси (ОАК)да рўйхатдан ўтказиш ва унинг ҳимояси тўғрисида эълон бериш;

- Диссертацияни етакчи ташкилотда муҳокамадан ўтказиш;

- Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси учун тайёрланган диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилиш;

- Диссертация авторефератини чоп этиш;

- Диссертация илмий натижасининг амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида хулоса олиш;

- Диссертацияни ОАК илмий экспертизасидан ўтказиш;

- Ҳимоя қилинган диссертация бўйича илмий кенгаш қарорини ОАК томонидан тасдиқлаш;

- Таълим ва илмий-тадқиқот фаолияти учун жалб этилган чет эллик фуқаронинг хорижда олган илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациядан ўтказиш каби тартиблар бекор қилинмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса илмий ишларни ҳимоя қилишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ёшларнинг фаннинг турли соҳаларида илмий иш олиб боришига бўлган қизиқишларини янада ошириш ва қулай шароитларни яратишдан иборат.

Айтиш жоизки, 2027-йил 1-январга қадар ОАК томонидан диссертация ҳимояси тўғрисида эълон берилган ва диссертация ҳимоясини ўтказган изланувчилар учун илмий даражалар бугунги кунга қадар амалда бўлган тартиб асосида берилади. Шунингдек, чет тили фани малака имтиҳонини топширмаслик мустақил изланувчиларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Чет эллик фуқаронинг илмий даражасига оид ҳужжатлар унинг Ўзбекистондаги фаолияти давомида тўғридан-тўғри тан олинади.

Шунингдек, Илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга хизмат қилувчи ОАКнинг ягона автоматлаштирилган электрон ахборот порталида барча учун очиқ бўлган рейтинг тизими жорий этилиши белгиланган бўлиб, паст рейтинг натижалари Олий аттестация комиссиясига илмий кенгашларнинг келгусидаги фаолиятини тугатишгача бўлган қатъий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқот жараёнларида илк бор тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш бўйича янги босқичдаги изланишларни ўз ичига оладиган "Амалий докторантура (PhD)" дастури йўлга қўйилиши ҳам эълон қилинди. "Амалий докторантура (PhD)" илмий даражали кадрларни саноат ҳамкорлари билан тайёрлашни назарда тутди ҳамда илмий иш мавзулари саноат ҳамкорининг талабига кўра белгиланади. Тадқиқот лойиҳаси ҳам саноат ҳамкори билан биргаликда молиялаштирилади. Бундай тадқиқотлар натижасида яратилган товарлар, ишлар ёки хизматлар реализациясидан олинган фойда уч йил давомида фойда солиғидан озод этилади.

Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимидаги сўнги муҳим ўзгартиришлар Олий аттестация комиссияси фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда аввало, Олий аттестация комиссиясининг Фанлар академияси тизимига ўтказилиши билан бошланади. Эндиликда, Олий аттестация комиссияси илмий даража ва унвонларга қўйиладиган малака талабларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаб, Фанлар академиясига ташкилий-бошқарув жиҳатдан бўйсунган ҳолда, ўзига юкланган вазифаларни коллегиаллик асосида мустақил амалга оширади. Олий аттестация комиссиясининг раиси Фанлар академияси президенти тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 5 йил муддатга тайинланади. Олий аттестация комиссияси раисига билдирилаётган ишонч ва масъулиятнинг ўзига хослиги шундаки, айтиб бериш шартки билан бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ раислик лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

Шунингдек, Олий аттестация комиссияси Раёсати таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши, бунда Раёсат аъзолари таркибининг учдан бир қисми ҳар икки йилда, тўлиқ таркиби эса ҳар олти йилда янгиланиши белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур Фармон олий таълимдан кейинги таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга, докторантлар тайёрлаш жараёнларини халқаро стандартларга мослаштиришга, диссертация тадқиқотларининг сифати, илмий ва амалий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Дилшод АРИПОВ,

Одил судлов академияси Ўқув-услубий ишлар бўйича проректори, ю.ф.д., профессор,

Қамол Миршаева,

Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, ю.ф.ф.д.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикасида мажбурий ижро тизимини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлашда рақамли технологияларнинг ўрни, инсон омилини камайтириш ва ижро ҳаракатлари самарадорлигини ошириш имкониятлари ёритилган. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, Мажбурий ижро бюроси фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган. Хусусан, сунъий интеллект асосида фаолият юритувчи Прогнозлаш марказини ташкил этиш, “Ягона рақамли ижро профили” институтини жорий қилиш, “Рақамли ижрочи” платформаси ва “Электрон рейтинг тизими”ни амалиётга татбиқ этиш таклиф этилган.

Калит сўзлар: ижро иши юритиш, рақамлаштириш, сунъий интеллект, мажбурий ижро, суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари, Мажбурий ижро бюроси, электрон тартибда ижро ишини юритиш.

Ўзбекистонда кейинги йилларда суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш тизимини модернизация қилиш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва мажбурий ижро органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўлланми ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат раҳбари томонидан соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, ижро ҳаракатларининг муайян қисмини инсон омилисиз амалга ошириш ва ижро механизмларини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминламай туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмаслиги қайд этилди. Шу боис, мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмлар киритилиши, натижада соҳага сунъий интеллект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилисиз амалга оширилиши таъкидланди. Мазкур мурожаатнома моҳиятига эътибор қаратсак, суд қарорлари чиқиши ўз-ўзидан етарли эмас, уларнинг амалда ижроси таъминланиши энг муҳим масала ҳисобланади. Адолат фақат қарор чиқарилиши билан эмас, унинг амалий бажарилиши билан таъминланиши лозим. Агар суд қарорлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмайди, тадбиркорлар ўз ҳақларини ололмайди, натижада уларнинг суд тизимига бўлган ишончи пасайиши эҳтимоли юзага келади. Шу боис суд қарорларининг сўзсиз ва тўлиқ ижросини таъминлашда инсон омилини минималлаштириш, мажбурий ижрода янги механизмлар ҳамда самарали усулларни жорий қилиш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини амалиётга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнлар ижро тизимини автоматлаштириш, маълумотларни тезкор ва аниқ таҳлил қилиш ҳамда қарорларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Сунъий интеллект ижро тизимининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириб, инсон омилини камайтиради, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ушбу технологияларни ижро иш юритуви жараёнларига интеграция қилиш қарздор тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда йиғиш, уни аниқлаш ва кидириш, даромад манбаларини тизимли таҳлил қилиш, пул маблағларини мажбурий тарзда ушлаб қолиш, қарздорни рақамли воситалар орқали тезкор огоҳлантириш ҳамда унга нисбатан чеклов чораларини қўллаш каби жараёнларни оптималлаштириш имконини беради.

Мазкур ёндашув ижро ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш, инсон омили таъсирини минималлаштириш ва шу орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5059-сон фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида суд

ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Мазкур фармон ва қарорларнинг умумий моҳияти суд қарорлари ва бошқа ваколатли органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлайдиган замонавий, самарали ҳамда рақамлаштирилган ижро тизимини шакллантириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек давлат ижрочилари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу ҳужжатлар Ўзбекистонда мажбурий ижро тизимини ислох қилишнинг ҳуқуқий асосини яратди ва соҳани янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Яқин кунларгача ҳуқуқ назариясида ижро иши юритувига фуқаролик процессининг, фуқаролик суд ишлари юритишнинг яқиний bosқичи сифатида қараб келинган эди. Ижро иши юритиш бу – ҳуқуқ соҳасининг мустақил тармоғи бўлиб, ҳуқуқ тизими бу тармоқсиз тўғри ишлай олмайди. Ижро ҳуқуқи ижро иши юритиш давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ва давлатнинг мажбурулов кучи билан субъектив-моддий ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларни махсус норматив акт орқали ҳимоя қилади.

Ижро иши юритиш соҳаси – республикаимиз ҳуқуқ тизимидаги ривожланиб келаётган ва бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга соҳалардан ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг қонунчилик асоси конституциявий нормаларда ўз аксини топан бўлиб, давлат ва суд томонидан фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини кафолатлайди. Айни пайтда давлат ижро ҳокимияти органлари тизимида мустақил орган сифатида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари зиммасига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш ваколати юклатилган. Мажбурулов чоралари бу ижро ҳужжатида кўрсатилган ҳаракатлар ёки суд ижрочиси томонидан қарздордан мол-мулк, шу жумладан ижро ҳужжати бўйича ундириб олиниши лозим бўлган пул маблағларни олиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлардир. Мажбурий ижро давлатда чора бўлиб, у қарздорларга нисбатан анча қўшимча моддий санкциялар қўллаш билан боғлиқ.

Давлат ижрочилари давлат хизматчиси, ҳокимият вакили ҳисобланади ва қонун билан уларга кенг ҳуқуқлар берилди. Айнан давлат ижрочилари жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг охириги bosқичида туриб, уни ҳал этиш ваколатига эга бўладилар. Давлат ижрочисининг рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиб суд ва бошқа орган ҳужжатларининг ўз вақтида ижросини таъминлаши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу ўз навбатида фуқароларнинг давлатга, одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, суд ҳокимиятининг нуфузи ошишига хизмат қилади. Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган шахслар бузилган ҳуқуқлари фақат назарий тан олинишини эмас, балки амалий, реал ҳимоя қилинишини ҳам кутадилар.

Дарҳақиқат, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ривожланиб бораётган даврда мажбурий ижро тизимига сунъий интеллект асосида қарздорнинг мол-мулки, банк ҳисоблари ва даромад манбаларини автоматик аниклаб, ижро ҳаракатларининг бир қисmini давлат ижроси иштирокисиз амалга оширадиган ягона рақамли платформа яратиш зарурати пайдо бўлмоқда. Шунингдек, ижро жараёнлари учун "Электрон рейтинг тизими"ни жорий этиш орқали қарздорларнинг ижро интизоми бўйича рақамли рейтингини шакллантириб, мазкур рейтинг кредит олиш, давлат харидларида иштирок этиш ёки айрим давлат хизматларидан фойдаланишда ҳисобга олиниши орқали ихтиёрий ижрони рағбатлантириш механизмини яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси рақамлаштиришнинг ижро самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Эстонияда давлат ахборот тизимлари ягона рақамли платформа орқали интеграция қилинган бўлиб, давлат ижрочилари қарздорларга оид маълумотларни реал вақт режимда олиш имкониятига эга. Сингапурда электрон суд ва рақамли ижро тизимлари орқали айрим ижро ҳаракатлари автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади. Қозғоғистонда эса ҳусусий суд ижрочилари институти ва рақамли мониторинг механизмлари жорий этилган бўлиб, бу ижро ҳужжатлари бажарилишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Янги институт сифатида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилди ҳамда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилди. Айнан соддалаштирилган тартибда мажбурий ижро этиш ундирув қарздорнинг мол-мулкига (бундан пул маблағлари мустасно) қаратилмасдан ҳамда қарздорга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмаган ҳолда амалга оширилади. Бунда қарздорга нисбатан ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кўп бўлмаган миқдордаги суммани ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақи, стипендиясига, пенсиясига ва бошқа турлардаги даромадларига қаратилганда қўлланилиши мумкин.

Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби қарздор жисмоний шахслардан маъмурий жарималарни, солиқ қарзини ва давлат божини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан татбиқ этилади. Давлат ижроси ижро ишини соддалаштирилган тартибда юритишда ундирувни қарздорнинг яшаш жойига ёки мол-мулки турган жойга бормаган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан масофадан туриб амалга ошириш тартиби жорий қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Президентимизнинг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2024 йил 3 январдаги ПФ-1-сон фармони билан "Ўзбекистон — 2030" Стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш орқали одил судлов самарадорлигини таъминлаш мақсадида суд ҳужжатлари асосида ижро ҳужжатларини электрон шаклда бериш (юбориш, тақдим этиш) тартиби жорий этилди. Жисмоний шахслар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки интерактив хизматларни кўрсатадиган терминаллар орқали суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ва ижро иши юритиши доирасида қабул қилинган қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатларни олиш ва тақдим этиш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи "Мажбуриятлар реестри" институти ҳамда суд ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга ошириш ва мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш бўйича савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни Интернет-дўконлар

орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устунлик бериш тартиби жорий қилинди.

Мажбурий ижро бюроси тизимида ижро ишини юритишни илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Бу йўналишда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишни таъминлаш самарадорлигини оширишда етук замонавий кадрларга бўлган талабни албатта ҳисобга олиш керак. Давлат ижроси лавозимига олий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Амалдаги қонунчиликка кўра ҳозирда ўрта махсус маълумотга эга давлат ижрочилари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Мажбурий ижро бюроси тизимидаги ўрта махсус маълумотга эга давлат ижрочиларини Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида мақсадли қайта тайёрлаш, туман (шаҳар) давлат ижрочиларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси тизими учун юридик кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш зарурати борлигини таъкидлаш жоиз. Бунда айнан давлат ижрочилари кадрларини тайёрлайдиган таълим муассасаси ҳақида гап боради. Тизимга малакали кадрлар тайёрлашда ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Мажбурий ижро тизими учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган таълим даргоҳи мавжуд эмас эди. Бугунги кунда юридик кадрлар Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ, Самарқанд, Наманган, Термиз давлат университетларининг юридик факультетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида тайёрланмоқда. Шунингдек, Мажбурий ижро бюроси тизими учун давлат ижроси мутахассисларини тайёрлаш сифатига ҳам жиддий эътибор қаратиш керак. Чунки, юриспруденция бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режаларига эътибор қаратсак, асосан "Ижро иши юритиш" фани "танлов фанлар" блокига киритилган. Айрим юридик факультетларда эса бу фан талабаларга умуман ўтилмайди.

Тизимда замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба эга, юқори малакали, ижодий фикрлайдиган суд ҳамда бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва аниқ ижро этадиган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган кадрларга эҳтиёж мавжуд.

Шу тариқа, ижро жараёнларига сунъий интеллект технологиясини жорий этиш давлат ижрочиларига вақтни тежаш, самарадорлигини ошириш, адолатни таъминлаш ва суд тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, мажбурий ижро тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади. Бу давлат ижрочилари фаолиятининг тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, инсон омилини камайтириш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мурод ҲАРАЛИЕВ,

Тошкент давлат юридик университети профессори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/12/26/address/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизоми янада мустаҳкамлаш, шунингдек ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017-йил 29-майдаги ПФ-5059-сон фармони. "Халқ сўзи". 2017. 30 май. № 106.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2017-йил 30-майдаги ПК-3016 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. № 22. 425-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).
5. Юков М.К. Теоретические проблемы системы гражданского процессуального права. – Свердловск, 1995. – Б. 155.
6. Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2018. – Б. 70.
7. Тухташева У.А. Ижро иши юритиш: дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 12 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2024-йил 3-январдаги ПФ-1-сон фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.01.2024 й., 06/24/1/0001-сон).

STABLECOINЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИГА ДОИР ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

АННОТАЦИЯ: *мазкур тадқиқот stablecoinларнинг ҳуқуқий табиатиغا доир мавжуд илмий қарашларни комплекс таҳлил қилишга бағишланган. Унда stablecoinларнинг ягона универсал ҳуқуқий ёндашуви шаклланмаганлиги, бу эса уларнинг хилма-хил турлари, иқтисодий моҳияти ва турли юрисдикцияларда турлича талқин қилиниши билан изоҳланиши асослаб берилади. Тадқиқотда stablecoinларнинг кўп функцияли хусусияти, яъни қийматни сақлаш, ҳисоб бирлиги ва тўлов воситаси сифатида амал қилиши уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашни мураккаблаштириши кўрсатиб ўтилади.*

Калит сўзлар: *stablecoin, виртуал активлар, объектлар, электрон ва рақамли тўлов воситалари, рақамли валюта*

Stablecoinларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш масаласида ҳозирги кунда ягона, универсал ёндашув шаклланмаган бўлиб, бу ҳолат бир қатор омиллар билан изоҳланади. Аввало, stablecoinларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг иқтисодий моҳияти ҳамда ҳафв даражаси ўзаро сезиларли фарқларга эга. Шу сабабли уларни ягона ҳуқуқий тоифага киритиш мураккаб ҳисобланади. Бундан ташқари, турли юрисдикциялар stablecoinларни турлича талқин қилади, бу эса умумий ёндашуви шакллантиришни қийинлаштиради. Шунингдек, улар бир вақтнинг ўзида бир нечта функцияларни хусусан, қийматни сақлаш, ҳисоб бирлиги ва тўлов воситаси вазифаларини бажариши билан ажралиб туради.

Фуқаролик ҳуқуқи доктринасида stablecoinларнинг ҳуқуқий табиати турли назарий ёндашувлар асосида изоҳланади. Замонавий илмий ёндашувларда эса stablecoinлар юқоридаги элементларни ўзида мужассам этган мураккаб, гибрид ҳуқуқий объект сифатида баҳоланмоқда. Мазкур ёндашув stablecoinларнинг кўп қиррали табиати ва уларнинг турли ҳуқуқий режимлар билан ўзаро кесишишини ҳисобга олган ҳолда, энг мақбул концептуал асослардан бири сифатида сўнгги йилларда рақамли валюталарнинг молия тизимидаги роли кескин ошиб бормоқда. Шу билан бирга, криптовалюталарнинг юқори ўзгарувчанлиги уларни стандарт тўлов воситаси сифатида чеклаб қўяди. Шу сабабли stablecoinлар пайдо бўлди — улар қийматини барқарорлаштириш механизмлари орқали тўлов воситаси ва қиймат сақловчи актив сифатида ишлаш имкониятини беради.

Илмий тадқиқотлар stablecoinларнинг ҳуқуқий табиатини бир нечта ёндашувлар орқали таҳлил қилади. Биринчи ёндашув, stablecoinларни фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида кўришдир. Бу ёндашувга кўра, stablecoinлар рақамли мулк сифатида талқин қилинади, эгаллик, тасарруф ва ўтказиш ҳуқуқи мавжуд, шунингдек, уларга шартномавий муносабатлар билан боғлиқ актив сифатида ҳам қаралади.

Фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи объектлари одатда ашёлар, пул, қимматли қоғозлар каби тоифаларга бўлинади. Stablecoinлар рақамли мулк сифатида ушбу аъёнавий таснифга тўлиқ мос келмаслиги боис, унинг ҳуқуқий табиати борасида илмий мунозаралар давом этмоқда. Ҳозирда амалдаги қонунчиликда “виртуал мулк” атамасининг расмий таърифи мавжуд эмас, шунингдек “рақамли ҳуқуқлар (рақамли активлар)”, “рақамли объект” ва “виртуал ўйин мулки” тушунчалари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан чегараланмаган. Айрим олимларнинг фикрича, рақамли ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг янги объекти сифатида кўрилиб, улар утилитар токенлар (эгасига муайян талабларга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи токенлар), интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлак ҳуқуқлар ёки улар учун лицензиялар билан ўхшаш маънога эга деб баҳоланади. Виртуал мулк тушунчаси эса “рақамли объект” категорияси орқали изоҳланиши мақсадга мувофиқ, чунки фақат рақамли шаклда мавжуд бўлган объектлар – рақамли объектлар бўлиб, Stablecoinларни ана шу тоифага киритиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, ҳар бир рақамли объект виртуал мулк дейилвермайди. Чунки, мулкни бошқа рақамли объектлардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд¹.

Жумладан, виртуал мулкдан фойдаланиш фақат тегишли платформа ёки муҳит доирасида амалга оширилади. Виртуал мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий объект сифатидаги табиати тўғрисида илмий адабиётда бир қатор таклиф ва ёндашувлар илгари сурилган. Айрим тадқиқотчилар виртуал мулкни фуқаролик ҳуқуқий “бошқа мол-мулк” тоифасига киритиш тарафдори бўлса, бошқалар уни алоҳида янги объект сифатида тан олиш лозим, деб ҳисоблайди². Виртуал мулкка нималар кириши ҳақида ҳам турли қарашлар бор: масалан, М.А.Рузакова виртуал мулкни “фақат виртуал маконда фойдали бўлган ёки қўлланиши мумкин бўлган, иқтисодий қийматга эга номоддий объектлар” деб таърифлайди. Виртуал мулкнинг таркибига утилитар токенлар, криптовалюталар, домен номлари, стикерлар, ижтимоий тармоқ akkaунтлари ва он-лайн ўйинлардаги виртуал мулк объектлари кириши мумкинлигини айтди³.

А.Н.Якубовнинг фикрича эса рақамли валюталар асосан фиат (муқим) валютага боғланган бўлиб, уларнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, улар фақат электрон шаклда, моддий дунёдан ажралган ҳолда мавжуд бўлади. Бундай активлар ўз моҳиятини очиб берувчи криптографик рақамли код кўринишида ифодаланади. Шунингдек, рақамли активларнинг тақсимланган *reestr* (distributed ledger) орқали айланиши уларнинг ноёблиги ва ишончилигини таъминлайди. Бу уларнинг қиймат таркибини белгилловчи муҳим омил ҳисобланади.

А.И.Савелиев эса судлар томонидан виртуал объектларнинг муомалага киритилиши билан боғлиқ ишларни ҳал қилишда бир нечта ёндашувларни қўллаш зарурлигини таъкидлайди. Биринчидан, қонун компьютер ўйинлари соҳасидаги муносабатларга ҳаддан ташқари аралашмаслиги лозим. Иккинчидан, виртуал объектларга нисбатан ашёвий ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи қондаларини қўллаш мумкин. Учинчидан, бундай муносабатлар фойдаланувчи ва муаллифлик ҳуқуқи эгаси ўртасидаги лицензия ҳамда бошқа шартномавий муносабатлар орқали тартибга солиниши керак. Бундан ташқари, муаллиф виртуал объектларни таснифлашнинг ўзига хос шаклини ҳам таклиф этади. Савелиевнинг ушбу ёндашуви виртуал объектларни классик фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган аъёнавий мулкдан фарқли ўлароқ, алоҳида турдаги мулк сифатида кўриб чиқишни таклиф қилади ва бу уларни юридик маънода мулк сифатида тан олиш имконини беради.

Юқоридаги доктринал қарашларнинг таҳлилига асосланадиган бўлсак, виртуал мулк билан боғлиқ жараёнлар ҳуқуқий жиҳатдан реал мулк сифатида тан олинган тақдирда, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқининг мулк ҳуқуқи институтлари тўлиқ таътиқ этилади. Бу эса уларнинг муомаладаги мақомини мустаҳкамлаб, суд ҳимоясини кенгайтиради, шунингдек, бундай объектларнинг олди-сотди, мерос, гаров ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимларда тўлиқ иштирок этишини таъминлайди. Виртуал объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи институтининг тўлиқ таътиқ этилиши юз беради. Бу шуни англатадики, рақамли активлар, бошқа виртуал объектлар фақат техник маълумот сифатида эмас, балки эгаллик қилинадиган, фойдаланиладиган ва тасарруф этиладиган ҳуқуқий мулк сифатида эътироф этилади. Натижада, уларни сотиш, ҳада қилиш ёки мерос қилиб

қолдириш каби ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий битимлар доирасида тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 95-моддасида валюта қимматликлари сифатида этироф этиладиган мол-мулк турлари ва улар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш тартиби қонунчилик асосида белгиланиши қайд этилган. Шу билан бирга, валюта қимматликларига нисбатан мулк ҳуқуқи умумий қоидаларга мувофиқ ҳимоя қилиниши ҳам назарда тутилади. Ушбу норма "рақамли валюта"ни валюта қимматликлари қаторига киритиш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан асослашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, рақамли валюталар иқтисодий муомалада муайян қийматга эга бўлган, тўлов ва алмашув воситаси сифатида қўлланиладиган ҳамда айрим ҳолатларда анъанавий пул бирликлари тенг функцияни бажарувчи активлар сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, уларни валюта қимматликлари сифатида баҳолаш мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг умумий тартибини таъбиқ этишга имкон беради ва уларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳуқуқий мақомини янада аниқроқ белгилашга хизмат қилади.

Бунда, рақамли активлар тушунчаси ўз мазмуни ва ҳуқуқий табиатига кўра пуллик талаблар ҳамда эмиссия қоғозлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, рақамли активлар ахборот тизими иштирокчилари ўртасидаги айирбошлаш муносабатларида ҳам кенг қўлланилади. Бунда рақамли активларнинг айланиши тегишли ахборот тизими доирасида амалга оширилиб, унинг функционалиги ва ҳуқуқий аҳамияти таъминланади.

Иккинчи ёндашув stablecoinларни электрон пул (e-money) сифатида баҳолайди. Айниқса, фиат валютага боғланган stablecoinлар эмитентга нисбатан талаб ҳуқуқини ифодалайди ва қиймати анъанавий пул бирлигига боғланган. Шу билан бирга, улар тўлов тизимлари ҳуқуқи доирасида тартибга солинади. Маълумки stablecoinлар юқори нарх ўзгарувчанлиги муаммосини ҳал қилишга қаратилган ёндашув бўлиб у, масалан, олтин каби барқарор активга ёки евро, фунт стерлинг ёки АҚШ доллари каби йирик фиат валюталарга боғланган рақамли валюта сифатида таърифланади⁴.

Халқаро ташкилотлар доирасида stablecoinlar — муайян бир актив, активлар тўплами ёки активлар саватига нисбатан барқарор қийматни сақлашга йўналтирилган криптоактивлар сифатида таърифланади. Ушбу кенг таърифга кўра, stablecoinлар АҚШ доллари ёки евро каби фиат валюталарга, олтин каби товарларга ёхуд турли валюталардан иборат саватларга боғланган бўлиши мумкин. Stablecoinнинг қиймати у боғланган активга нисбатан доимий барқарорлиқни таъминлаши зарур бўлиб, бу унинг исталган вақтда номинал қийматда қайтариб олиниши имконини беради. Бунда стабилизация механизмларининг самарадорлиги ҳамда эмитентнинг қайтариш мажбуриятларини бажариш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, амалиётда айрим stablecoinлар тўлиқ барқарорлик талабларига жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот 2023 йил 31 майда қабул қилинган Европа Парламенти ва Кенгашининг 2023/1114-сонли "Криптоактивлар бозорлари тўғрисида"ги Низоми (MiCA) доирасида тартибга солинадиган stablecoinларнинг асосий ҳуқуқий ва институционал хусусиятларини таҳлил қилади. MiCA Европа Иттифоқининг мавжуд молиявий хизматлар тўғрисидаги қонунчилик доирасига кирмайдиган криптоактивлар учун ягона ҳуқуқий тартибни белгилловчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Stablecoinларни тартибга солиш эса уларнинг потенциал хавфлари, жумладан глобал миқёсдаги тизимли хавфларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган махсус ҳуқуқий режимга асосланади ҳамда Электрон пул ди-рективаси қоидалари билан уйғунлаштирилган.

MiCA криптоактивларни уч асосий тоифага ажратади: электрон пул токенлари (ЭМТ), активларга асосланган токенлар (ART) ҳамда ЕМТ ва ART тоифаларига кирмайдиган, бироқ MiCA доирасидан чиқариб ташланмаган бошқа криптоактивлар.

Учинчи ёндашувда stablecoinларга криптоактивлар сифатида қаралади. Улар блокчейн асосида яратилади, марказлашмаган ёки ярим марказлашган бўлиши мумкин ва қиймати алгоритмик ёки таъминланган активга боғлиқ. Бу ёндашув stablecoinларни молиявий инструмент, инвестиция объекти ва рақамли иқтисодиёт элементи сифатида кўрсатади.

Тўртинчи ёндашув stablecoinларни тўлов воситаси сифатида талқин қилади. Улар қийматни сақлаш ва ҳисоб-китоб бирлиги сифатида ишлатилиши мумкин, лекин ҳуқуқий мажбурий тўлов воситаси эмас, яъни давлат томонидан мажбурий қабул қилинмайди.

Шунингдек, замонавий илмий қарашлар stablecoinларни молиявий инфратузилма элементи ва платформа иқтисодиёти субъекти сифатида баҳолайди. Ушбу ёндашув "too big to fail" хавфи, маълумотлар хавфсизлиги ва тизимли молиявий хавфларни ҳисобга олади.

Энг кенг тарқалган ёндашув — гибрид ҳуқуқий табиат назарияси. Stablecoinлар бир вақтнинг ўзida мулк (asset), мажбурият (claim), тўлов воситаси ва технологик маҳсулот сифатида хусусиятларга эга бўлиб, уларни фақат фуқаролик ҳуқуқи ёки молиявий ҳуқуқ доирасида тушунтириш етарли эмас. Шу сабабли, stablecoinларни тартибга солиш ва ҳуқуқий мақомини аниқлаш учун янги ҳуқуқий институтларни жорий этиш зарурати мавжуд.

Stablecoinларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш замонавий рақамли иқтисодиёт ва молия ҳуқуқининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, stablecoinлар ягона ҳуқуқий тоифага киритилиши мумкин бўлмаган мураккаб ва кўп қиррали рақамли активлардир. Уларнинг ҳуқуқий моҳияти stablecoinнинг тури, таъминот механизми, иқтисодий функцияси ҳамда муайян давлатнинг ҳуқуқий тизимига қараб турлича талқин қилинади.

Илмий адабиётларда stablecoinлар мулккий актив, виртуал мулк, эмитентга нисбатан талаб ҳуқуқини ифодаловчи восита, электрон пул, криптоактив ёки тўлов воситаси сифатида баҳоланади. Бироқ, мазкур ёндашувларнинг ҳар бири stablecoinларнинг фақат айрим жиҳатларини ёритиб беради. Шу сабабли сўнгги йилларда stablecoinларни бир вақтнинг ўзida мулк, мажбурият, молиявий инструмент ва технологик маҳсулот хусусиятларини ўзida мужассам этган гибрид ҳуқуқий объект сифатида талқин қилувчи концепция тобора кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, stablecoinлар анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий объектлар таснифига тўлиқ мос келмайди. Улар рақамли муҳитда муомалада бўладиган, иқтисодий қийматга эга бўлган ва турли молиявий ҳамда технологик муносабатларни бирлаштирувчи янги турдаги актив ҳисобланади. Шу билан бирга, уларнинг қийматни сақлаш, ҳисоб бирлиги ва тўлов воситаси функцияларини бажариши ҳуқуқий мақомини аниқлашни янада мураккаблаштиради.

Халқаро тажриба, хусусан Европа Иттифоқининг MiCA регламенти stablecoinларни махсус ҳуқуқий режим асосида тартибга солиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса stablecoinларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи алоҳида ҳуқуқий механизмлар ва назорат институтларини шакллантириш муҳимлигини тасдиқлайди.

Жалолиддин РАХИМОВ,

*Тезкор-қидирув хизмати терроризмга қарши курашиш бўлинимаси
тезкор вақили, катта лейтенант*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Савельев А. И. Правовая природа виртуальных объектов, приобретаемых за реальные деньги в много пользовательских играх // Вестник гражданского права. — 2014. — № 1. — С. 127–150.
2. Сорока Э.Ю. Гражданско-правовое регулирование цифровых финансовых активов // Образование и право. — 2023. — №6. — С. 252–256.
3. Рузакова О. А., Гринь Е. С. Вопросы защиты интеллектуальной собственности в области технологий виртуальной и дополненной реальности (VR, AR) // Вестник Пермского университета. Юридические науки. — 2020. — № 3. — С. 502–523.
4. 15Applications developed on Ethereum are often referred to as Decentralized Applications (DApps) [51].

ЖСТ ИНҚИРОЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЪЗОЛИГИ

Дунёнинг 166 та давлати аъзо бўлган ЖСТ умумий савдонинг 98 фоизини қамраб олади. Лекин, Жаҳон савдо ташкилоти сўнгги бир неча йил ичида энг оғир инқирозни бошдан кечирмоқда. 2019 йилдан бошланиб, 2024–2025 йилларда янада чуқурлашган бу инқироз ташкилотнинг келажагига жиддий таҳдид солмоқда.

ЖСТдаги энг чуқур тизимли муаммо — бу ташкилотнинг Низоларни ҳал этувчи Апелляция органи (Appellate Body) фаолиятининг “музлаб” қолишидир. Америка Қўшма Штатлари йиллар давомида ушбу органга янги аъзолар тайинланишига тўсқинлик қилиб келмоқда. Оқибатда, 2019 йил декабрь ойида Апелляция органида зарурий кворум, яъни уч аъзонинг муддати тугади ва у тўлиқ ишини тўхтатди.

Бунинг оқибатида панел қарорларидан норози кўплаб давлатлар Апелляция органига мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум бўлди, бу эса ўз навбатида амалда панел қарори ижросини чўзиб юбормоқда. 2024 йил ноябрь ойидаги маълумотларга кўра, 31 та апелляция кўриб чиқилмай тўпланиб қолган. Бу эса савдо низоларини ҳал этишнинг имкони йўқлигини англатади. Бундан ташқари, ЖСТга янги низолар билан мурожаат қилиш сони 2018 йилдаги 38 тадан 2024 йилга келиб атиги 10 тага тушиб кетди. Бу кўрсаткич ташкилотнинг ижрочилик қобилиятига бўлган ишонч кескин пасайганидан далолат беради.

Бу борада халқаро савдонинг таниқли мутахассислари, жумладан, Кристен Ҳоупвелл “либерал савдо тартиботи инқирозга учради”, деб хулоса қилган бўлса, собиқ АҚШ Савдо вакили Майкл Фроман эса “глобал савдо тизими биз билиб келган шаклида ўлиб бўлди”, деган фикрни билдирди.

2022 йилдаги 12-Вазирлар конференциясида (MC12) ЖСТ аъзолари 2024 йил охирига қадар “тўлиқ ва самарали ишлаётган низоларни ҳал этиш тизимини” қайта тиклаш мажбуриятини олди. 2024 йил февраль ойида Абу-Дабида бўлиб ўтган 13-Вазирлар конференциясида (MC13) эса бу муддат тасдиқланди ва муҳокамаларни тезлаштириш кўрсатмаси берилди.

Бироқ, 2024 йил 16–17 декабрь кунлари бўлиб ўтган Бош кенгаш мажлисида Норвегия элчиси Петтер Олберг аъзолар белгиланган муддат тугашига қарамасдан мақсадга эриша олмаганини тан олди. 55 саҳифали якуний баёнотда муайян тармоқларда эришилган ютуқлар қайд этилса-да, асосий масалалар,

жумладан, апелляция механизми фаолиятини тиклаш ҳал этилмасдан қолди. Бу муваффақиятсизлик ташкилотда тизимли шаклланган муаммонинг асосий кўриниши бўлди: АҚШнинг конструктив таклиф киритишдаги иштиёқсизлиги ҳамда йирик савдо кучларининг қарама-қарши манфаатлари муҳокамаларни барбод қилмоқда.

Дональд Трампнинг 2025 йил январь ойида иккинчи марта президентликка келиши ЖСТнинг энг оғир инқирозини бошлаб берди. 2025 йил 2 апрелда у “Озодлик куни” деб атаган дастур доирасида барча АҚШ импортига қўшимча божлар эълон қилди: барча мамлакатлардан келадиган товарларга 10 фоизлик бож, қатор давлатларга эса янада юқори “ўзаро бож” (reciprocal tariff) жорий этилди.

Бу тарифлар ЖСТ қоидаларига тўғридан-тўғри зид эканлиги кўплаб мутахассислар томонидан тан олинмоқда. Хитой, Европа Иттифоқи ва Канада жавоб тариқасида ўз тарифларини жорий этди. 2025 йил 9 апрелда Трамп 90 кунлик муҳлат эълон қилиб, 10 фоиздан юқори тарифларни вақтинча тўхтатди, ammo АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо уруши давом этмоқда: икки томон бир-бирига 100 фоиздан ортиқ тарифлар қўлламоқда.

Бир нечта аъзо давлатлар расман эътироз билдирди. Хитой ИЕЕРА (Халқаро фавқулодда иқтисодий ваколатлар тўғрисидаги қонун) асосида киритилган икки тарифга қарши ЖСТда янги музокаралар бошлади, лекин бу жараёнлар ҳам қачон якунланиши номаълум. Бундан ташқари, Трамп маъмурияти томонидан ЖСТга тўланиши керак бўлган молиявий бадалларни тўлаш доимий равишда кечиктирилмоқда. АҚШ ташкилотнинг энг йирик молиявий ҳомийси бўлганлиги сабабли, бу ташкилот тузилмасига ўта оғир зарба бермоқда. Экспертлар бу ҳаракатни ЖСТнинг “тизимлаштирилган таназзулга” олиб борилишининг бир қисми сифатида таърифлайди. Бир тарафдан режимни молиявий бўғиб қўйиш, иккинчи тарафдан Апелляция органини ишлатмай қўйиш орқали АҚШ ЖСТни фалажлантиришга қаратилган икки томонлама стратегияни амалга оширмоқда.

ЖСТ инқирози энг оғир зарба берган тоифа кичик ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётларидир. Низоларни ҳал этиш тизимининг ишламай қолиши уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини деярли йўққа чиқармоқда. АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой каби кучли давлатлар тизимнинг заифлашувидан ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланаётган бир пайтда, кичик иқтисодиётлар уларга нисбатан асоссиз тариф ва савдо тўсиқларидан ҳимояланиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда.



Бу инқирозли ҳолатнинг Ўзбекистон учун таъсири-ни баҳолаб эканмиз, унинг мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга бўлажак аъзолигига икки векторли таъсири (ЖСТ тизимидаги ҳозирги турғунлик, парадоксал равишда, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам янги имкониятлар ойнасини, ҳам жиддий хавф-хатарлар занжирини юзага келтириши)ни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон ўтмишда ГАТТ/ЖСТ қоидаларининг фундаментал пойдеворини яратишда қатнашмаган бўлса-да, бугунги кунда трансформация жараёнларига анча мослашувчан ва модернизациялашган позициядан киришиш устунлигига эга. Бу республикага рақамли иқтисодиёт, “яшил” савдо ва глобал таъминот занжирларини тартибга солувчи энг сўнгги кўп томонлама битимларга бевосита бошланғич босқичда интеграциялашиш имконини беради.

Иккинчидан, аъзолик жараёни мамлакат ичидаги таркибий ислохотларни ортга қайтмас қилиш ва тизимлаштириш вазифасини ўтайди. Осиё тараққиёт банки прогнозларига кўра, ЖСТ мезонлари иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, экспорт портфелини диверсификация қилиш ва хорижий капитал учун жозибадор муҳит яратишда бош омил бўлади.

Учинчидан, ЖСТнинг асосий Апелляция органи фаолияти тўхтаб қолган шароитда дунёнинг 50 дан ортиқ етакчи давлатлари томонидан шакллантирилган МРІА (Кўп томонлама вақтинчалик апелляция битими) механизми Ўзбекистон учун самарали ҳуқуқий восита бўла олади. Ташкилотга кириш билан бир вақтда ушбу муваққат битимга қўшилиш келажақда юзага келиши мумкин бўлган халқаро савдо низоларида миллий манфаатларни тезкор ҳимоя қилиш имконини беради.

Бошқа томондан, бу инқирозли ҳолат Ўзбекистон учун ҳуқуқий ҳимоясизлик, геосиёсий босим, вақт танқислиги ва шошилинч қарорлар қабул қилиш хавфи каби хатарларни юзага келтиради. Жумладан, ЖСТ аъзолигини қўлга киритиш тизим ичида тўлақонли ҳуқуқий ҳимояга эга бўлишни англабмайди. Ташкилотнинг низоларни ҳал қилиш тизими фалажланган бир даврда Ўзбекистон йирик иқтисодий субъектлар томонидан жорий этилиши мумкин бўлган асосиз чекловлар қаршисида ўз савдо манфаатларини халқаро миқёсда қонуний ҳимоя қила олмай, “заиф аъзо” мақомида қолиб кетиш хавфи мавжуд.

Агар музокаралар давомида миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмай, тариф ставкаларини пасайтириш, маҳаллий саноатни субсидиялашни тўхтатиш ва давлат корхоналари монополиясини тугатиш бўйича ҳаддан ташқари радикал мажбуриятлар олинса, бу ички бозор учун оғир бир томонлама иқтисодий юкка айланиши мумкин. Блумсбери разведка ва хавфсизлик институти экспертларининг хулосасига кўра, энергетика, металлургия ва агросаноат соҳаларида тезкорлик билан ўтказилган таркибий ўзгаришлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни тенгсиз ташқи рақобат қаршисида қолдириб, қисқа муддатли иқтисодий инқирозга етаклаши мумкин.



Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи савдо стратегиясида Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва ЖСТ ўртасидаги нозик мувозанатни сақлаш муаммосига дуч келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз учун халқаро савдодан кўра минтақавий савдо механизмларига кўпроқ устуворлик бериш мумкинлиги, яъни глобал геосиёсий кескинлик даврида ЖСТда тўлиқ аъзоликдан кўра кузатувчи мақомини сақлаб туриш мамлакат манфаатлари учун хавфсизроқ стратегия бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Мазкур мувозанатнинг бузилиши республиканинг ҳар икки савдо блоки томонидан геосиёсий босимларга учрашига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Жаҳон савдо ташкилоти бугун ўз тарихи давомидаги энг чуқур тизимий инқирозни бошдан кечирмоқда. Апелляция органининг ишламай қолиши, АҚШнинг бир томонлама тарифлар сиёсати, ислохот муддатларининг ўтказиб юборилиши ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг тўхтатилиши — буларнинг барчаси кўп томонлама савдо тартиботига жиддий таҳдид солмоқда. Аммо, ушбу глобал инқироз Ўзбекистонни ўз аъзолик стратегиясини қайта кўриб чиқишга мажбур этмаслиги керак. Аксинча, у жараёни янада прагматик ва мослашувчан тарзда амалга оширишни талаб этади. Кўп томонлама тизим инқирозда бўлса-да, глобал иқтисодиётда ЖСТ қоидаларига муқобил бўлган бошқа универсал тизим мавжуд эмас.

Ўзбекистон ҳукумати учун инқироз даврида ЖСТ аъзолигидан максимал фойда олиш бўйича стратегик йўналишларни белгилаб олиш, ЖСТ қоидалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилувчи савдо механизмларидан унумли фойдаланиш, бож тарифлари пасайган шароитда ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш учун ЖСТ рухсат берган техник регламентлар, санитария ва фитосанитария каби нотариф чоралар инструментларини ривожлантириш, шунингдек, ЖСТга аъзоликни Марказий Осиё ички савдо шартномалари ҳамда транспорт йўлақларини ривожлантириш стратегияси билан уйғунлаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Шаҳноза АЛМОСОВА,

ТДЮУ Халқаро ҳуқуқ ва
инсон ҳуқуқлари шўъбаси доценти в.б.



“Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси: экологик ҳуқуқбузарлик ва коррупцияга қарши кураш масъулияти

Бугунги глобал ўзгаришлар даврида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи бутун дунёда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши, табиий бойликларнинг камайиб бориши инсон ҳаёти ҳамда келажагига жиддий хавф тугдирмоқда.

Бундай шароитда экологик маданиятни юксалтириш, табиатга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш ҳар бир давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 25 март куни имзоланган “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 110-сон қарор мамлакатимизда экологик маданиятни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда.

“Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси аҳолининг экологик онги, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган муҳим ташаббусдир. Зеро, экологик маданияти юксак бўлган жамиятда табиатга зарар етказиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш, сув ва ер ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, экологик ҳуқуқбузарликлар ҳамда коррупция каби салбий ҳолатлар сезиларли даражада камаяди.

Лойиҳа фуқароларнинг экологик саводхонлигини ошириш, ёшларда табиатга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш ва жамиятда экологик масъулиятни кучайтиришни кўзлайди. Бу борада мактаблар, олий таълим муассасалари, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида экологик тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, экологик ҳуқуқбузарликлар табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ва атроф-муҳитга зарар етказиш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар ҳисобланади. Бундай ҳуқуқбузарликларга дарахтларни ноқонуний кесиш, сув ҳавзаларини ифлослантириш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш ҳамда атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш каби ҳолатлар киради.

Бу каби қонунбузарликлар нафақат табиатга, балки инсон саломатлигига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин. Жумладан, ҳавонинг ифлосланиши турли касалликларни келтириб чиқарса, сув ресурсларининг ифлосланиши аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни мураккаблаштиради.

Экология соҳасидаги коррупция ҳам жамият учун жиддий муаммо ҳисобланади. Айрим ҳолларда мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги ёки шахсий манфаатдорлиги туфайли экологик талаблар бузилишига кўз юмилиши мумкин. Хусусан, ноқонуний қурилишларга рухсат бериш, чиқиндиларни назоратсиз жойлаштириш ёки табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш коррупциянинг салбий кўринишларидан саналади.

Коррупция экологик назорат самарадорлигини пасайтиради, қонун устуворлигига путур етказиши ва аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради. Шу боис соҳада шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва коррупцияга қарши муросасиз курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, коррупцион ҳолатларнинг учраб тураётгани профилактика ва тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат экологик экспертизаси тизимида ҳам коррупциявий хавфларнинг олдини олиш, давлат хизматлари сифатини ошириш ва шаффофликни таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши соҳада замонавий ва очиқ ҳуқуқий механизмларни жорий этиш имконини бериши.

Янгиланган қонун нормалари асосида давлат экологик экспертизаси жараёнлари босқичма-босқич рақамлаштирилди. Бугунги кунда лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш ва экологик экспертиза хулосаларини бериш электрон ахборот тизимлари орқали амалга оширилмоқда. Бу эса инсон омилини камайитириш, хизматлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 30 декабрдаги Фармони билан тасдиқланган “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар режаси”да белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва улардаги коррупциявий хавфларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Марказда ички назорат тизими доирасида коррупцияга қарши профилактик ва тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Ходимлар ва эколог-экспертларга коррупция учун белгиланган маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари ҳақида тушунтиришлар берилиб, қонунчилик талабларига қатъий риоя этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси жамиятда экологик онг ва масъулиятни шакллантиришга хизмат қиладиган муҳим ташаббусдир. Экологик ҳуқуқбузарликлар ва коррупциянинг олдини олиш эса табиатни асраш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу йўлда давлат органлари, жамоатчилик ва ҳар бир фуқаро бирдек масъулдир. Фақат умумий саъй-ҳаракатлар орқалигина соғлом экологик муҳит ва фаровон келажакни барпо этиш мумкин.

Рахимжон ТАШПУЛАТОВ,

*“Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ
Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат
ва комплаенс бўлими бош мутахассиси.*

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш барча давлат органлари, ташкилотлар ва жамият аъзоларининг ҳамкорлигида амалга ошириладиган узлуксиз жараёндир. Бу – коррупциявий омиллари бартараф этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, шунингдек, коррупциянинг оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд тизимида коррупциявий хавфларни аниқлаш, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда. Судьялар ва суд аппарати ходимлари ўртасида профилактик тадбирлар, семинарлар ҳамда тушунтириш ишлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш фақат ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланмаслиги лозим. Муаммонинг илдизини бартараф этиш учун коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, хавфи юқори бўлган соҳаларни белгилаш ва улардаги тизимли муаммоларни ҳал этиш зарур. Асосий мақсад коррупция ҳолатларини жазолаш эмас, балки жамиятда унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборат.

Бу борада фуқароларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Коррупция ҳолатларига дуч келган шахсларнинг амалий тажрибаси соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва самарали ечимлар ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиши мумкин. Шу сабабли аҳолини коррупцияга қарши курашиш жараёнларига кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашишда халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий шароитга мослаштирган ҳолда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Коррупция даражаси паст бўлган давлатларнинг самарали механизмларини татбиқ этиш ушбу соҳадаги ислохотлар натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш, аввало, ёш авлод тарбиясидан бошланиши лозим. Оилада ҳалоллик, адолат ва ватанпарварлик қадриятларини сингдириш, таълим муассасаларида эса коррупциянинг мазмуни, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва жамият тараққиётига салбий таъсири ҳақида тизимли билим бериш муҳимдир. Бу мақсадда таълим дастурларига махсус мавзулар, ўқув қўлланмалари ва амалий машғулотларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда хизмат этикасига оид малака ошириш курсларини мунтазам ташкил этиш зарур. Бундай ёндашув коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш ва унинг олдини олишнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади.

Чет эл давлатларининг коррупцияга қарши курашиш тажрибасини таҳлил қилганда, Хитой Халқ Республикасида мазкур йўналишдаги тарбия ишлари ёшлиқдан

бошланишига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

Мазкур давлатда коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида фан мавжуд эмас. Бироқ, ахлоқий тарбия, фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий таълим дарслари орқали ҳалоллик, адолат, жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш каби қадриятлар сингдирилади. Бошланғич ва ўрта таълим босқичларида коррупция ва фирибгарликнинг жамият учун салбий оқибатлари муҳокама қилиниб, ёшларда унга нисбатан муросасиз муносабат шакллантирилади.

Олий таълим муассасаларида эса сиёсий таълим мажбурий фан сифатида ўқитилади. Унда давлат хизматчиларининг ҳалоллик тамойиллари, коррупцияга қарши давлат сиёсати ҳамда ҳуқуқий механизмлар ҳақида билим берилади. Демак, Хитойда коррупцияга қарши таълим мустақил фан сифатида эмас, балки ахлоқий ва сиёсий тарбия тизимининг таркибий қисми сифатида йўлга қўйилган.

Сингапур тажрибаси ҳам коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали моделларидан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур моделнинг асосий устунликлари қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши мустақил ва самарали идора фаолиятининг йўлга қўйилганлиги;
- коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун муқаррар жавобгарликнинг таъминланганлиги;
- давлат хизматчилари учун муносиб ва шаффоф меҳнат ҳақи тизимининг мавжудлиги;
- таълим муассасаларида ҳалоллик ва ахлоқий қадриятларнинг мунтазам тарғиб қилиниши;
- амалга оширилган чора-тадбирлар натижадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши.

Сингапурда коррупцияга қарши сиёсатнинг асосий мақсади давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ҳамда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция инсон ҳуқуқларини чеклайдиган, давлат тараққиётини секинлаштирадиган ва жамиятнинг давлат институтларига бўлган ишончини пасайтирадиган хавfli ижтимоий иллатдир. Шу боис коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат органларининг, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. Айниқса, пора бериш ёки ноқонуний йўллар билан муаммоларни ҳал қилишга интилиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Козимбек ХАСАНОВ,

Зомин туманлараро иқтисодий суди девонхона мудир.

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Анъанавий мусиқа, рақс, маросимлар, ҳунармандчилик, оғзаки ижодиёт ва бошқа тирик анъаналар шаклида ифодаланган номоддий маданий мерос бугунги кунда жаҳон маданий сиёсатининг асосий мавзусига айланиб бормоқда. 2003 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжат дастлаб кенг тарқалган ёдгорликлар ва объектлардан иборат “маданий мерос” тушунчасини кенгайтириб, жонли анъаналар, ижрочилик санъати ва маҳаллий маданий амалиётларни ҳам унга киритди.

Ушбу Конвенцияга кўра, “номоддий маданий мерос” деганда жамоалар, гуруҳлар ва айрим шахслар ўз маданий меросининг бир қисми сифатида тан оладиган амалиётлар, тасвирлар, ифодалар, билимлар, кўникмалар, шунингдек улар билан боғлиқ асбоб-ускуналар, буюмлар, артефактлар ва маданий жойлар тушунилади. Мазкур Конвенция номоддий маданий меросни беш асосий соҳага бўлади: оғзаки анъаналар ва ифодалар (тил ҳам); ижрочилик санъати; ижтимоий амалиётлар, маросимлар ва байрам тадбирлари; табиат ва коинот ҳақидаги билим ва амалиётлар; анъанавий ҳунармандчилик.

Ўзбекистон 2006 йилда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 2003 йилги Конвенциясини ратификация қилди.

Конвенция мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон мавжуд маданий мерос тўғрисидаги қонунини ўзгартирди ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга бағишланган янги қонун (2009) қабул қилди. Шунингдек, “2010–2020 йилларда Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш, сақлаш ва оммалаштириш” бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур ушбу соҳадаги миллий савъ-ҳаракатларнинг стратегик йўл харитасини белгилади.

Ўзбекистонда номоддий маданий меросни динамик инвентаризация қилишнинг тўрт рўйхатдан иборат тизими шакллантирилган.

Биринчиси – Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига тавсия этиш учун номоддий маданий мерос рўйхати.

Иккинчиси – Шошилич муҳофазага муҳтож номоддий маданий мерос рўйхати.

Учинчиси – Номоддий маданий мероснинг миллий рўйхати, ҳозирги кунда 74 та ёзувли элементни ўз ичига олади.

Тўртинчиси — 14 та маъмурий ҳудуддаги 705 га яқин элементни ўз ичига олган ҳудудий рўйхатлар.

Ушбу рўйхатлар 2003 йилги Конвенциянинг бешта соҳасига асосланган. Рўйхатга киритиш бўйича тавсияларни ҳар қандай жисмоний шахс, давлат ёки нодавлат ташкилоти тақдим этиши мумкин ва улар Илмий-услубий марказ томонидан баҳоланади. Инвентаризация рўйхатлари камида ҳар беш йилда бир марта, хавф остидаги мерос рўйхати эса тез-тез янгиланиб туради. К.Куутманинг таъкидлашича, инвентаризация жараёни нафақат маданий элементларни аниқлайди, балки уларга нисбатан жамоат эътиборини шакллантиради ва маданий ўзликини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистондан ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига бир қанча элемент киритилган. Жумладан, Бойсун туманининг маданий макони (2008, дастлаб 2001 йилда инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси шедеври деб эълон қилинган); Шашмақом – Тожикистон билан бирга трансмиллий асосда (2008); Катта ашула (2009); Наврўз – Озарбайжон, Ҳиндистон, Эрон, Қирғизистон, Покистон ва Туркия билан биргаликда (2009); ва Аския – ҳазил-мutoйиба санъати (2014).

2019 йилда Ўзбек миллий рақси “Лазги” ҳам ЮНЕСКО Номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Ушбу эътирофлар Ўзбекистоннинг жонли мерос элементларини халқаро майдонда кўрсатиш ва кенг жамоатчиликда уларга қизиқишни оширишда катта аҳамият касб этди. Шунингдек, Усмон Муҳаффи ва Шарқшунослик институтининг қўлғизмалар тўплами ЮНЕСКО “Жаҳон хотираси” реестрига киритилган.

Шошилич муҳофазага муҳтож номоддий мерос элементлари учун алоҳида механизмлар ишлаб чиқилган. ЮНЕСКО 2023 йилда Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистондаги кўбиз (анъанавий торли чолғу асбоби) ва жиров ижрочилиги анъаналарини шошилич муҳофаза қилиш бўйича беш кунлик тренинг дастурини ўтказди.

Мазкур анъаналарнинг яшовчанлиги охириги ўн йилларда жиддий хавф остига тушди: малакали ҳунармандларнинг камайиши, ёш авлод орасида хабардорликнинг пастлиги ва ушбу билимларни кейинги авлодга ўтказишнинг мураккаблиги асосий таҳдид манбалари сифатида аниқланди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистондаги шошилич муҳофаза ишларини кучайтириш ва жонли мерос учун амалий механизмларни ривожлантириш борасида муҳим тажриба ҳисобланади.

Шошмақом – Марказий Осиёнинг шеър-мусиқий мероси бўлиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида умумий маданий мерос сифатида эътироф этилган. Шошмақом олти катта мусиқий цикл – шўъбадан иборат, ҳар бири оғзаки поэзия, ижрочилик санъати ва мусиқий анъаналарнинг нозик синтезини ўз ичига олади. Ушбу мерос элементи ЮНЕСКО Репрезентатив рўйхатига 2008 йилда киритилди ва “Устоз-шогирд” анъанаси орқали узатилиши таъминланади.

Шошмақом мисолида номоддий маданий меросни муҳофаза қилишда икки давлат ўртасидаги трансмиллий ҳамкорликнинг самарали намунасини кўриш мумкин. Бироқ, шошмақом анъанасини сақлаб қолишда баъзи жиддий муаммолар мавжуд: тайёрланган мутахассис ижрочилар сонининг кам бўлиши, ёшлар орасида мусиқий таълимни кенгайтириш зарурати, шунингдек замонавий мусиқа тамойилларининг рақобати. Ушбу муаммоларни ҳал этишда давлат дастурлари ва халқаро ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди.

Номоддий маданий меросни авлоддан авлодга узатишнинг энг самарали ва анъанавий усули — устоз-шогирд тизими Ўзбекистонда ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилади. Ушбу тизим таъсирида ёш ижрочилар ва ҳунармандлар бевосита тажрибали мутахассислардан амалий кўникмаларни эгаллайди. Давлат томонидан устоз-шогирд тизимини қўллаб-қувватлаш учун маблағ ажратиш ва мураббийларга мукофотлар бериш каби чоралар кўрилмақда.

Оммавий маданий дам олишга йўналтирилган муассасалар тармоғи (истироҳат боғлари, маданият, ёшлар ва болалар ижодиёти марказлари) анъанавий билим ва амалиётни узатиш учун устодоналарни таклиф қилади. Тахминан 894 та марказда 5000 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик гуруҳлари фаолият юритади.

Халқ мусиқаси, кўшиқ, рақс ва анъанавий ҳунармандчилик бўйича болалар мусиқа ва санъат мактаблари номоддий маданий меросни узатишнинг институционаллашган тизимини ташкил этади. Тахминан 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва улардаги аксарият ўқитувчилар анъана ташувчилари сифатида эътироф этилади. Давлат томонидан молиялаштирилаётган 211 га яқин “Баркамол авлод” марказларидаги 2 919 та бадий тўғаракларда 70 000 дан ортиқ ўқувчилар номоддий маданий мерос бўйича ўқитилади.

Ушбу рақамлар Ўзбекистонда номоддий маданий меросни узатишнинг кенг тармоқланган институционал инфратузилмасини кўрсатади. Аммо, мазкур тизимнинг самарадорлиги, яъни чиндан ҳам анъаналарнинг аутентик тарзда узатилаётганлиги таълим сифатини таъминлаш ва мутахассис ўқитувчиларни жалб этиш масаласини ҳал этишга боғлиқ. L.Smith таъкидлашича, жонли меросни сақлаб қолишда жамоа иштироки ва

маҳаллий жамоаларнинг хабардорлиги институционал дастурлардан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга.

Номоддий маданий меросни нишонлаш ва тарғиб қилиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан мунтазам равишда фестиваллар, танловлар ва кўргазмалар ташкил этилади. ЮНЕСКО ҳомийлигида Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган “Шарқ тароналари” (“Melodies of the East”) халқаро фестивали жаҳон маданий хилма-хиллигини улуғлаш ва Ўзбекистон мусиқий аъёнalarини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишнинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, 2018 йилда Шаҳрисабзда биринчи “Халқаро мақом санъати форуми” ўтказилди, 2019 йилда эса ЮНЕСКО ҳомийлигида биринчи “Халқаро бахшичилик санъати фестивали” бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда номоддий маданий меросни ўрганиш олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Миллий консерваторияси, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа муассасаларда маданий мерос, этномузикология, фольклоршунослик ва санъатшунослик соҳасидаги дастурлар амалга оширилмоқда.

Бироқ юртимизда номоддий маданий мерос бўйича тадқиқотлар ҳали ривожланиш босқичида бўлиб, халқаро илмий жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва тадқиқот методологиясини янгилаш зарурати мавжуд. Соҳалараро ёндашув — маданиятшунослик, этнология, социология ва ахборот технологиялари уйғунлиги — жонли мерос тадқиқотларини янада чуқурлаштириш учун муҳим.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик Ўзбекистоннинг минтақавий маданий дипломатиясидаги муҳим йўналишига айланиб бормоқда. Наврўз ва Шошмақом каби умумий мерос элементлари ушбу минтақавий ҳамкорлиkning конкрет намуналари сифатида кўзга ташланади. Бир нечта мерос элементлари учун биргаликда ЮНЕСКО номзодини тайёрлаш тажрибаси минтақавий ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч океани минтақаси учун тузилган ICHCAP тармоғида фаол иштирок этади. Бу тармоқ орқали тажриба алмашиш, ҳужжатлаштириш стандартларини уйғунлаштириш ва ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари кенгаймоқда. Минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш Ўзбекистоннинг трансмиллий мерос элементларини янада самарали муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Глобаллашув, шахарлашув ва рақамлашув замонавий жонли мерос учун ҳам янги имкониятлар, ҳам жиддий хавфлар яратади. Бир томондан, рақамли технологиялар мерос элементларини кенг аудиторияга тарқатишга ёрдам беради ва сақлаш учун янги усулларни таклиф этади. Иккинчи томондан, оммавий маданият ва глобал маданий истеъмол шаклларининг кенг тарқалиши аъёнавий маданий амалиётларга йўналтирилган ижтимоий эътиборни пасайтириши мумкин.

Ўзбекистонда ёшлар орасида аъёнавий мусиқа, рақс ва хунармандчиликка нисбатан қизиқишнинг баъзан сусайиши ушбу тенденциянинг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда рақамли медиа платформалари орқали жонли меросни тарғиб қилиш, ёшлар иштирокини рағбатлантирувчи мустаҳкам дастурлар яратиш ва меросни замонавий ижодкорлик билан уйғунлаштириш каби инновацион ёндашувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Номоддий маданий меросни узоқ муддатли муҳофаза қилиш учун барқарор молиявий асос зарур. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар кўпинча чекланган бўлиб, йирик лойиҳалар учун халқаро молиявий ёрдамга таянади. D.Throsby таъкидлашича, Давлат-хусусий шерикликлар ва маданий мерос асосидаги туризм даромадларини мерос муҳофазасига йўналтириш моделини кенгайтириш ушбу соҳадаги молиявий барқарорликни таъминлашнинг самарали йўли ҳисобланади.

Шунингдек, маданий мероснинг ижтимоий-иқтисодий қиймати – жумладан унинг ижтимоий барқарорликка, маданий туризмга ва маҳаллий иқтисодиётга қўшган ҳиссасини – аниқ рақамлар асосида кўрсатиш лозим.

Бу эса мерос муҳофазасига кўпроқ бюджет ресурслари ажратишни ҳимоя қилиш учун муҳим аргументга айланади. Мерос иқтисодиёти ва маданий хизматлар бозорини ривожлантириш ушбу йўналишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

2003 йилги Конвенция жамоаларни, гуруҳларни ва айрим шахсларни, яъни жонли мерос ташувчиларини мерос муҳофазасига фаол жалб этишни алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистонда ушбу принциплар амалда тўлиқ татбиқ этиш ҳали ривожланиш босқичида. Жамоа кенгашлари, маҳаллий ташаббус гуруҳлари ва нодавлат ташкилотлар орқали мерос ташувчиларини инвентаризация, ҳужжатлаштириш ва тарғибот жараёнига жалб этиш механизмларини кенгайтириш зарур.

B.Kirshenblatt-Gimblett таъкидлашича, мерос “жамоанинг ўзи томонидан ёки уларнинг иштирокида” белгиланганда ва сақланганда унинг аутентиклиги ва яшовчанлиги юқори бўлади. Ушбу назарий кўрсатма Ўзбекистонда жамоа иштирокини кучайтириш бўйича амалий сиёсат учун муҳим асос вазифасини ўтади.

Ўзбекистонда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг миллий механизмлари, ҳуқуқий-ташқилий асослари ва халқаро ҳамкорлик тизими 2006 йилда ЮНЕСКО Конвенциясини ратификация қилгандан бери изчил ривожланиб бормоқда. Тўрт қатламли инвентаризация тизими, махсус ҳужжатлаштириш бўлими, мактабча ва мактаб ўқув дастурлари ва устоз-шогирд аъёнасини институционал қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг жонли меросни сақлаш ва узатишга нисбатан яхлит ёндашувини намойён этади.

Шошмақом, Наврўз, Лазги, Аския ва Бойсун маданий макони каби мерос элементларини ЮНЕСКО рўйхатларига қиритиш орқали Ўзбекистон ўз маданий меросини халқаро майдонда янада кучли даражада тарғиб қила олди. Қорақалпоғистондаги Қўбиз ва Жиров аъёнalarини шошилинч муҳофаза қилиш лойиҳаси эса хавф остидаги жонли меросга тезкор жавоб бериш тизимининг самарали намунасидир.

Шу билан бирга, глобаллашув, мерос туризмнинг тезлашуви ва молиявий барқарорлик масалалари ҳамон устувор муаммо бўлиб қолмоқда. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда жонли меросни тарғиб қилиш, жамоалар иштирокини кенгайтириш ва мерос муҳофазасининг барқарор молиявий моделларини яратиш кейинги йилларнинг асосий вазибалари ҳисобланади. Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва амалий ишларни мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерос соҳасидаги халқаро мавқеини янада юксалтиради.

Нигорахон ФАЙЗУЛЛАЕВА,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Convention for the safeguarding of the intangible cultural heritage. UNESCO. <https://ich.unesco.org/en/convention>
2. Kirshenblatt-Gimblett, B. (2004). Intangible heritage as metacultural production. Museum International, 56(1–2), 52–65. <https://doi.org/10.1111/j.1350-0775.2004.00458.x>
3. UNESCO Intangible Cultural Heritage. (2024). Uzbekistan — Periodic reporting. <https://ich.unesco.org/en-state/uzbekistan-UZ?info=periodic-reporting>
4. Hafstein, V. T. (2009). Intangible heritage as a list: From masterpieces to representation. In L. Smith & N. Akagawa (Eds.), Intangible heritage (pp. 93–111). Routledge.
5. Kuutma, K. (2012). Between arbitration and administration: Dynamics of negotiating heritage UNESCO. Journal of Ethnology and Folkloristics, 6(2), 5–28.
6. UNESCO. (2023, September 29). UNESCO launches a program for safeguarding of the intangible cultural heritage of Karakalpakstan. // <https://www.unesco.org/en/articles/unesco-launches-program-safeguarding-intangible-cultural-heritage-karakalpakstan>
7. Djumaev, A. (2002). Shashmaqam and its role in the cultural heritage of Uzbekistan. Asian Music, 33(2), 51–73. <https://doi.org/10.2307/834299>
8. Smith, L. (2006). Uses of heritage. Routledge.
9. UNESCO. (2024). Supporting State Party for the protection of the World Heritage in Uzbekistan. Core Data Portal. <https://core.unesco.org/en/project/3210514101>
10. UNESCO. (2025, September 26). Sub-Regional Meeting on Safeguarding Intangible Cultural Heritage in Central Asia kicks off in Uzbekistan. <https://www.unesco.org/en/articles/sub-regional-meeting-safeguarding-intangible-cultural-heritage-central-asia-kicks-uzbekistan>
11. Throsby, D. (2012). Heritage economics: A conceptual framework. In G. Licciardi & R. Amirtahmasebi (Eds.), The economics of uniqueness (pp. 45–74). World Bank.

ИШ ТАШЛАШ ҲОДИСАСИНИНГ ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ СИФАТИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур илмий мақолада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низолар натижасида меҳнат жамоаси томонидан содир этиладиган иш ташлаш ҳодисаси форс-мажор ҳолати сифатида таҳлил қилинган. Меҳнат жамоасининг иш ташлаш оқибатида иш берувчи корхонанинг тадбиркорлик (хўжалик) шартномаси мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги етказилган зарар учун жавобгарликни истисно этиш асоси сифатида форс-мажор ҳолатини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иш ташлаш, иш берувчи, меҳнат жамоаси, шартнома мажбурияти, етказилган зарар, форс-мажор ҳолати, жавобгарликни истисно этиш асоси.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб тез-тез содир бўлиб турган турли-туман ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий ҳодисалар оқибатлари нафақат инсонлар ҳаёти, соғлиги ва турмуш тарзига, балки ҳуқуқий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Одатда, бундай ҳодисалар натижасида юзага келган вазиятларнинг салбий таъсири ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг мажбуриятлари бажарилишини қийинлаштириши ёки бузилиши оқибатида зарар етказилишида намоён бўлади. Жумладан, кейинги даврларда содир этилаётган урушлар ёки ҳарбий ҳаракатлар ёхуд террористик ҳужумларни, шунингдек иш ташлашларни ана шундай ҳодисалар сифатида кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш керак, халқаро амалиётда ишлаб чиқилган форс-мажор ҳолатлари ва вазиятларнинг жиддий ўзгариши бўйича ҳозирги замон ёндашувларига кўра, форс-мажор ҳолатига умумий тартибда қуйидагилар, жумладан: эълон қилинган ёки қилинмаган урушлар, фуқаролик урушлари, тартибсизликлар ва инқилоблар, қароқчилик ҳаракатлари ва турли саботажлар, табиий офатлар, ураган, торнадо, сунами, ёнгинлар, сув тошқинлари, зилзилалар ва ҳоказолар, қўпуровчилик, портлашлар, бойкотлар, иш ташлашлар, локаутлар, корхоналарда ишни тўхтатиш ва ҳокимиятларнинг қонуний ёки ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари кабилар киритилган.

Маълумки, тадбиркорлик (хўжалик) шартномаларини тузишда тарафлар форс-мажор ҳолатига оид барча шартларни мустақил ва ўзаро келишув асосида аниқ белгилаб олишлари мумкин. Жумладан, тарафлар юзага келадиган қандай вазиятлар форс-мажор ҳолати сифатида тан олиниши мумкинлиги, шунингдек форс-мажор ҳолатига тааллуқли бўлмаган таваккалчилик (хавф-хатар) вазиятларини ҳам шартномада кўрсатишлари мумкин. Шу сабабли, тарафлар шартнома шартларига қатъий равишда риоя этишлари ва шартномада кўрсатилган форс-мажор ҳолатларига оид шартларга тўлиқ жавоб берадиган вазиятлар юзага келган тақдирда, улар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этилишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва айни бир пайтда иш берувчи ҳисобланган корхона (юридик шахс) билан унинг ишчи-ҳодимлари ўртасида меҳнат муносабатларидан келиб чиққан низо туфайли меҳнат жамоаси томонидан иш ташлаш ҳодисаси содир этилади. Бу эса, қўпчилик ҳолларда корхона фаолиятининг маълум бир муддатга мажбурий тўхтаб қолишига олиб келади ва корхонанинг шартнома мажбуриятларини бажара олмаслиги оқибатида контрагентларга зарар етказилади. Бундай вазиятларда корхона томонидан контрагентларга етказилган зарар учун жавобгарликни белгилашда иш ташлаш ҳодисаси натижасида форс-мажор ҳолати юзага келган ёки келмаганлигини тўғри ва адолатли баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Зеро, ҳар қандай иш ташлаш ҳодисасининг бошланиши ёки содир бўлишининг ўзи ҳали форс-мажор ҳолати вужудга келганини аниқлаш ҳам, бундай ҳодисаларнинг вужудга келиши энгил бўлмайдиган куч сифатида намоён бўлиши ва улар номаълум муддатгача давом этиши мумкинлигини ҳисобга олганда, муайян даврда сақланиб турадиган бу каби вазиятлар мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатишини эсдан чиқармаслик керак. Бундай вазиятларда бевосита таъсирнинг моҳияти шундан иборатки, шартнома тарафи муайян шароитда унинг оқибатларини бартараф этишга замонавий техник ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда инсофли асосда қарши туришига қарамасдан, мажбуриятни

бажаришга имкон топа олмайди ва натижада айбсиз зарар етказилишига олиб келади. Шу сабабли, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида иш ташлашлар оқибатида юзага келган вазиятларнинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларини таҳлил этиш ва объектив баҳолаш орқали юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тўғри ва адолатли ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Яъни, фавқуллода содир бўлган иш ташлаш ҳодисаси туфайли корхона мажбуриятларининг бузилишига қарамасдан, бундай вазиятни ҳар доим ҳам форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилиб бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли, қўйлаётган иш ташлаш тўғрисида шартнома тарафлари хабардор этилган ҳолларда улар томонидан иш ташлашлар натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга қаратилган тегишли чораларнинг етарли даражада кўрилмаслиги шартнома тарафларини мажбуриятларни бутунлай ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида форс-мажор ҳолатини қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин. Бироқ, шартнома тарафлари иш ташлашлар натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширган бўлишларига қарамасдан, юзага келган ҳолат мажбуриятнинг бажарилишига имкон бермаган бўлса, ушбу ҳолатни юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилишлари ва қонунда белгиланган тартибда далилларни тақдим этиш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар.

Иш ташлаш ҳодисасини мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита ёки тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайдиган ҳолатларга киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бундай воқеа-ҳодисалар меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, фавқуллода ва тўсатдан вужудга келгани мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаган ҳолда, уларни бажаришнинг қийинлаштириши ёки бузилиши натижасида зарар етказилишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида иш ташлашларга оид ҳуқуқий нормалар ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Масалан, Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни 9-моддаси, Россия Федерацияси Конституцияси 31-моддаси ва Меҳнат кодекси 409-417-моддалари, Қозғоғистон Республикаси Меҳнат кодекси 164-166-моддаларида фуқароларнинг иш ташлашни ўтказишга оид ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Дунё давлатлари қонунчилигида иш ташлаш, деганда корхона, соҳа ёки ҳукумат даражасида ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва касбий талабларини иш берувчи томонидан бажарилмаслиги юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этиш усули сифатида ишчи-ҳодимларнинг оммавий равишда ўз меҳнат мажбуриятларини ихтиёрий ва вақтинчалик (тўлиқ ёки қисман) бажаришни тўхтатиб қўйилиши тушунилади. Меҳнат ҳуқуқи бўйича XIII Бутунжаҳон конгрессида (Афина, 1991 йил, сентябрь) таъкидланганидек, “жамоавий манфаатларнинг тан олиниши XX асрда юридик фани ва демократик жамиятлар эришган энг муҳим ютуқлардан бири” сифатида эътироф этилади. Хусусан, Франция ҳуқуқиди иш ташлаш (забастовка)лар ижтимоий ҳодиса эканлиги ва улар тартибга солиниши лозимлиги, яъни “ижтимоий реалликни тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий реаллик”, дея таъкидланади. Албатта, иш ташлаш ҳуқуқи тўғрисида кенгроқ фикр юритганда, нафақат шахснинг меҳнат жамоаси билан биргаликда иш ташлашга бўлган субъектив ҳуқуқини, балки объектив (позитив) ҳуқуқ сифатида меҳнат ҳуқуқининг алоҳида институтини

тушуниш ва айна бир пайтда уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Шу нуқтаи назардан олганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида иш ташлашни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги, қонунчиликдаги ушбу бўшлиқни тўлдириш зарурати борлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатларида иш ташлашлар турли шаклларда, жумладан корхонанинг бир қисмида ёки тўлиқ корхонада, бутун соҳа ёки шаҳар ҳудудида иш ташлаш, соҳалараро ёки миллий иш ташлаш каби бир қанча шаклларда ташкил этилмоқда. Шу сабабли, иш ташлашларни маълум бир мезонлар асосида гуруҳларга ажратиш мумкин. Фикримизча, иш ташлашларни вужудга келиш асослари ва ташкил этилиши миқёсига кўра гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, уларни тўрт гуруҳга, жумладан корхонада иш ташлаш, соҳавий иш ташлаш миллий иш ташлаш ва локал иш ташлашларга ажратиш мумкин.

Корхонада иш ташлаш деганда, маълум бир корхона миқёсида ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва касбий талабларини иш берувчи томонидан бажарилмаслиги юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этиш мақсадида ходимларнинг оммавий равишда ўз меҳнат мажбуриятларини ихтиёрий ва вақтинчалик (тўлиқ ёки қисман) бажаришни тўхтатиб қўйиш ҳодисаси тушунилади.

Бундай иш ташлашни форс-мажор ҳолати сифатида баҳолашда унинг муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, қарздорнинг корхонасида ташкил этилган иш ташлаш билан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек иш ташловчи ходимларнинг талабларини иш берувчи томонидан рад этишнинг қонуний асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳам аниқлаш талаб этилади. Масалан, Франция Фуқаролик кодекси 1147-моддаси талабларига зид бўлса ҳам, яъни айрим ҳолларда корхонада ички иш ташлаш ишчилар жамоасининг корхонани бошқаришдаги ижтимоий ролига мос равишда иш берувчи томонидан оқилона имтиёз бериш рад этилмаганлиги сабабли форс-мажор ҳолати сифатида тан олинади. Дарҳақиқат, агар корхона ишчилари талабларининг қонунийлиги ва уларни бажариш чораларининг иш берувчи томонидан ўз вақтида кўрилмаслиги ёки уларнинг асосли равишда рад этилмаслиги натижасида корхонада иш ташлаш ҳодисаси юз берган бўлса, шунингдек иш ташлаш оқибатлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатиб, мажбуриятларни бажаришнинг қийинлашиши ёки бузилиши натижасида тарафларнинг айби бўлмаган ҳолда зарар етказилишига олиб келган бўлса, форс-мажор ҳолати, деб тан олинади. Албатта, бундай ҳодисалар билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда асосий эътибор юзага келган ҳолатни юридик факт сифатида форс-мажор эканлигини тасдиқлаш учун етарлича далиллар тўплаш ва уларга лозим даражада ҳуқуқий баҳо берилиши керак.

Қўпчилик хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим соҳаларда бошланган иш ташлашлар ўз миқёси жиҳатидан катталашиб, мамлакат даражасида миллий иш ташлашларга айланиб кетиши кузатилади. Бутун соҳада ёки мамлакат даражасида кенг миқёсда ташкил этиладиган иш ташлашлар шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бевосита ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаса ҳам, лекин улар мажбуриятларни бажаришнинг қийинлашиши ёки бузилиши ҳолатини юзага келтиради ва бунинг натижасида тарафларнинг айбисиз зарар етказилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, айрим назариячи олимлар, фақатгина кенг миқёсда вужудга келадиган соҳавий ва миллий иш ташлашларга форс-мажор ҳолати ҳуқуқий мақомини бериш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Масалан, В.Томсиновнинг таъкидлашича, "енгил бўлмайдиган куч сифатида фақат соҳавий ва миллий иш ташлашларни тан олиш мумкин". Олимнинг ушбу фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, соҳавий ва миллий иш ташлашлар энг аввало ўзининг келиб чиқиш хусусиятларига кўра, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, фавқулодда ва тўсатдан, муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган форс-мажор ҳолатига хос белгиларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда эса, бундай иш ташлашларга форс-мажор ҳолати ҳуқуқий мақомини бериб бўлмайди. Масалан, 2021 йил 6 март

куни Асака шаҳрида "UzAuto Motors" компанияси ходимлари, шунингдек 2021 йил 15 апрель куни Жиззахдаги "Jizzakh Petroleum" Халқаро компаниясининг 100 га яқин ишчи ходимлари иш ҳақи камлигидан норозиликларини ифодалаш мақсадида жамоавий иш ташлаш қилган. Бу каби иш ташлашларнинг корхонада ташкил этилганлиги, иш берувчи билан ходимлар ўртасида жамоавий меҳнат низоси кўринишида вужудга келганлиги ва у соҳанинг бошқа корхоналарини қамраб олмаганлигини ҳисобга олганда, уни соҳавий иш ташлаш, деб бўлмайди. Бироқ, бундай иш ташлаш корхона миқёсида юзага келганлиги ва ишчилар талабларининг бажариш чоралари иш берувчи томонидан ўз вақтида кўрилмаганлиги ёки уларни асосли равишда рад этилмаганлиги туфайли келиб чиққанлигини ҳисобга олганда, уни корхонада иш ташлаш сифатида қабул қилиш мумкин. Яъни, соҳавий ва миллий иш ташлашлар кенг қамровли бўлиши билан бирга, уларни форс-мажор ҳолати деб тан олиш учун, соҳадаги қарздор корхоналарнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ходимларнинг иш ташлашлари натижасида келиб чиққан ва улар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши талаб этилади. Ёки бошқача айтганда, иш ташлаган ишчи ходимлар ёрдамсиз қарздор корхона ўзининг шартнома мажбуриятларини бажара олмаган бўлса, юзага келган бундай ҳолат форс-мажор ҳолати сифатида тан олинади мумкин. Судлар бундай соҳавий ва миллий иш ташлашлар билан боғлиқ ишларни кўришда юзага келган ҳолатни юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати эканлигини тасдиқлаш учун асосий эътиборни ишончли далиллар тўплаш ва уларга етарли даражада ҳуқуқий баҳо беришга қаратишлари лозим. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида айрим ҳолларда корхона жамоаларида юзага келган меҳнат низоларини иш ташлашлар йўли билан ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар мавжудлиги кузатилади ва бундай ҳаракатлар ходимларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига иш ташлаш тушунчасини киритиш ва уни иш ташлашларни ташкил этишга оид нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддасида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлиқнинг белгилаб қўйилганлиги, ўз навбатида иш ташлашларнинг тақиқланмаган қонуний тартибини ҳам белгилаб беришни тақозо этади. Бу эса, корхона иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги тузиладиган меҳнатта оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи жамоа шартномалари, шунингдек муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий қоғалатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи жамоа келишувларига иш ташлашларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги шартларни киритиш имкониятини яратди.

Холмурод ИСАНОВ,

*Тошкент давлат аграр университети
профессори в.б., юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Новые оговорки ИСС о форс-мажоре и существенном изменении обстоятельств – 2020. <https://journal.arbitration.ru/news/mezhdunarodnaya-torgovaya-palata-icc-obnovila-ogovorki-o-fors-mazhore-i-sushchestvennom-izmenenii-ob/>
2. Основной закон Федеративной Республики Германии. <https://legalns.com/download/books/cons/germany.pdf>.
3. Конституция Российской Федерации. <http://duma.gov.ru/news/55446/>
4. Трудовой кодекс Российской Федерации. <https://ruls.ru/tk/>
5. Трудовой кодекс Республики Казахстан. <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1500000414>
6. Иванов С.А. Всемирный конгресс по трудовому праву: обсуждение актуальных для нас проблем // Советское государство и право. 1992. N 2. С.60.
7. Общая характеристика французского права. М.: Французская организация технического сотрудничества, 1994. С.15.
8. Иванова С.Н. Обстоятельства непреодолимой силы в современном гражданском праве: дис.канд. юрид. наук / С.Н. Иванова. - М., 2009. С.140.
9. Французский Гражданский кодекс. <http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/Фр.Кодекс-123.pdf>
10. Томсинов В.Внешнеторговый договор купли-продажи: освобождениесторон от ответственности // Российская юстиция. 1994. № 4. С.14.
11. Ish tashlash huquqi O'zbekiston uchun taqiqdmi? <https://kun.uz/news/2021/03/10/ish-tashlash-huquqi-ozbekiston-uchun-tabumi>.
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.lex.uz/ru/docs/111453.

ҚОЗИЛИК ФАОЛИЯТИДА ОШКОРАЛИК ВА ОЧИҚЛИК МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ислом ҳуқуқида қозилик фаолиятида ошкоралик ва очиқлик масаласининг назарий-ҳуқуқий асослари, классик фикр манбаларидаги қарашлар, тарихий амалиёт ҳамда замонавий миллий қонунчилик билан уйғунлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи, қози, фикр, ошкоралик, очиқлик, адолат, гувоҳ, ҳадис, манба, низо.

Ислом ҳуқуқида (фикрда) ҳам адолат, ҳалоллик ва масъулият тамойиллари марказий ўрин тутган. Қозилик фаолияти эса ушбу тамойилларни амалда рўёбга чиқарадиган муҳим институт ҳисобланади. Қозининг мустақиллиги, адолатли қарор чиқариши билан бир қаторда, унинг фаолиятида ошкоралик ва очиқликни таъминлаш ҳам жамият ишончи ва қонун устуворлигининг қафолати сифатида қаралган.

Қозилик институтининг маънавий-ҳуқуқий асослари сифатида Қуръони карим ва ҳадислар Исломда адолатни олий қадрият сифатида белгилайди. Адолатни қарор топтириш эса, аввало, қози (ҳоким) фаолияти орқали амалга оширилади. Қуръонда шундай дейилади: “Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни эгаларига топшириши ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишни амр этади.”¹

Бу оят қози учун икки асосий талабни белгилайди: омонатдорлик ва ҳукмда адолат. Ҳадисларда ҳам адолатли қози юқори мақтовга, золим қози эса қаттиқ танқидга сазовор этилган².

Қозининг адолатли бўлиши фақат ички тақво ва билим билан чекланиб қолмай, процессуал адолат – яъни ишларни кўриш тартибида ошкоралик, тарафлар тенглиги, далилларни холис кўриб чиқиш каби мезонлар билан мустаҳкамланади.

Ислом ҳуқуқига кўра, қозилик фаолиятида ошкоралик ишларни умумий тарзда жамоатчилик олдида, жоме масжид ёки қозилик фаолияти амалга ошириладиган махсус биноларда оммага очиқ ўтказишда, тарафлар ва гувоҳларнинг сўзларини бир-биридан яширмасдан омма олдида эшитишда, ҳукмни очиқ эълон қилишда ифодаланган. Бу жиҳатлар қозилик фаолияти жараёнининг яширин эмас, балки жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлаган ва тарбиявий таъсир кучига ҳам эга бўлган.

Манбаларда қози “одамлар учун очиқ” бўлиши, эшикларини ёпиб, фақат маълум гуруҳга хизмат қилмаслиги қатъий таъкидланган³.

Хусусан, Қудурий раҳимахуллоҳ айтади: Қози ҳукм чиқариш учун масжиддаги кўзга кўринадиган бир жойда ўтиради, токи унинг ўтирган жойи мусофирлар ва айрим муқим кишиларга ноаниқ бўлиб қолмасин. Жоме масжид (қозилик ишини олиб бориш учун) энг афзал жойдир. Чунки жоме масжиди энг машҳур жойдир⁴.

Қуръони каримда қозига бевосита мурожаат қилинган ёки бир қатор оятлар қозилик фаолиятида ошкораликнинг шаръий асослари сифатида келтирилган. Хусусан, “Эй мўминлар! Аллоҳ учун адолатни собит тутадиган, гувоҳликда қатъий турадиган кимсалар бўлинг... Адолатли бўлинг, у тақвога яқинроқдир.”⁵

Бу оятдан гувоҳликда қатъий туриш талаб қилинганлиги ва адолат тақвога яқинлик мезони сифатида қабул қилинганлиги ҳақидаги хулосалар келиб чиқади.

Ошкоралик – гувоҳликни яширмаслик, ишни сир тутмаслик, суд жараёнини маълум доирадагина эмас, балки имкони борица жамоатчилик учун очиқ ўтказиш орқали таъминланган.

Ҳадисларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг низоларни ҳал этиш мезонлари баён қилинган. Масалан, бир ҳадисда: “Мен фақат эшитган нарсам асосида ҳукм қиламан. Бирортангиз гапини гўзалроқ ифода этиб, ўз биродарининг ҳаққини олиб қўйишимга сабаб бўлмасин.”⁶

Бу ҳадиснинг мазмунидан қози ҳолатни очиқ-ойдин текшириши, ҳар икки томонни тўлиқ эшитиши кераклиги, бир томоннинг гўзал нутқи ёки обрўси сабабли яширин тарафкашлик қилиш тақиқланиши, қарор очиқ далиллар ва адолат мезонига суянган ҳолда чиқарилиши шартлиги ҳақида хулоса келиб чиқади.

Агар қози ўзининг ҳовлисида ўтириб қозилик фаолияти билан шуғулланса зарари йўқдир ва одамларга ўзининг ҳовлисига киришларига изн беради. (Ҳукм чиқаришдан) олдин у билан бирга ўтирган киши (ҳукм чиқараётган пайтда) ҳам ўтиради. Чунки қозининг ёлғиз ўтириши айбловга сабаб бўлиши мумкин⁷.

Пайғамбар алайҳиссалом даврида низолар аксар ҳолда масжидда, жамоат ҳузурида кўрилгани ҳам тарихий манбаларда қайд этилган⁸. Бу эса қозилик фаолиятида ошкораликнинг амалий намунасидир.

Фикр манбаларида суд мажлиси очиқлиги ҳақида бир қатор фикрлар келтирилган. Хусусан, Мовароуннаҳр ҳанафий улаомларининг асарларида қозига қуйидагича кўрсатмалар берилган:

- қози масжидда ёки жамоат кириши мумкин бўлган жойда ўтирсин;

- эшикларини ёпиб, фақат амир ёки бойлар шикоятини эшитиб, камбағалларни қабул қилмай қўймасин;

- тарафлар бир-бирини кўриб, далилларини ошкора ҳолда баён этсин;

- ҳукм очиқ эълон қилинсин ва тарафларга тушунтирилсин⁹.

Мазкур қоидаларнинг мазмун-моҳияти қозилик даврида суд жараёни махфий ва ёпиқ эмас, балки жамоатчилик учун масъул ҳамда очиқ институт сифатида шаклланганлигини ифода этади.

Қози улардан (даъволашувчилардан) бири билан пинҳона гаплашмайди, улардан бирига (ҳеч бир шаклда) ишора қилмайди ва (шунингдек) унга бирор ҳужжатни айтиб ҳам бермайди. Чунки қозининг бундай қилиши унинг тухматга қолишига сабаб бўлади. Шунингдек, қозининг бундай қилиши иккинчи даъволашувчининг кўнглини синдириб қўяди ва натижада у (қўл силтаб) ўзининг ҳаққини талаб қилмай қўяди¹⁰.

Қозилик ва ошкораликнинг илк ислом давридаги амалиёти кўринишлари таҳлил қилинса, Пайғамбар алайҳиссалом

ва Хулофаи Рошидин даврида низолар кўпчилик ҳолатларда масжидда, омма ҳузурида кўрилган. Масалан, Умар ибн Хаттоб розияллоху анху халифалик даврида бозордаги айрим низоларни ўша ерда, савдогарлар ва халқ ҳузурида ҳал этгани ривоят қилинади¹¹.

Бундай ривоятлар қози (ёки халифа) фаолияти халқдан узилмаганлигини, қозининг фаолияти омма олдида олиб борилганлигини, тарафларнинг суд жараёни жамоатчилик гувоҳлигида ўтказилганлигини, мазкур омиллар халқнинг суд қарорларига нисбатан ишончни кучайтиришга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Мовароуннаҳрда қозилик институти илк ислом давридан бошлаб шаклланган. Самарқанд, Бухоро, Ҳирот каби илм марказларида қози ва мударрислар фаолияти кўп ҳолатларда жоме масжидлар, мадрасалар ҳовлиларида амалга оширилган¹².

Темурийлар даври манбаларидан маълумки, қозиюл-қузотлар (олий қози) томонидан ўтказилган айрим муҳокамалар катта жамоат иштирокида, ҳатто ҳокимлар ҳузурида бўлган. Бу эса ўша даврларда ҳам қозилик фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилганлигини англатади.

Қозилик фаолиятида ошкораликнинг ҳуқуқий ва ахлоқий аҳамияти алоҳида аҳамият касб этган. Жамоатчилик ишончини таъминлаш қозилик ишининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланган.

Ислом ҳуқуқида суд ҳукмининг қонунийлиги билан бирга ишончилиги ҳам муҳим сифатлардан саналиб, қозилик фаолиятида ошкоралик тарафлар ва жамоатчиликда "ҳукм адолатли бўлди", деган ишончни мустаҳкамлаган.

Бу жиҳат коррупция, пора олиш, мансаб суистеъмолининг олдини олишга хизмат қилган ва давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлашга қулай шароит яратган.

Ошкораликнинг таъминланиши қози фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга имкон беради. Қози ўз ҳукмлари, қарорлари жамоат муҳокамасидан ўтишини билиб ўзини эҳтиёт қилади, далил ва қонунларга таянган ҳолда қарор чиқаради.

Замонавий миллий қонунчилик ва Ислом ҳуқуқи тамойилларининг уйғунлиги бир қатор умумий хусусиятларни ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа кўплаб мусулмон мамлакатларининг Конституция ҳамда процессуал қонунларида суд мажлислари ва суд қарорларини эълон қилишнинг очиклиги, ОАВ ва жамоатчилик вакилларининг суд жараёнида иштирок этиши каби қоидалар мустаҳкамланган.

Фақат алоҳида ҳолатларда, яъни болалар, оилавий сир, давлат сири билан боғлиқ ишларда суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтказилиши мумкин. Бу тамойиллар Ислом ҳуқуқидаги юқорида тилга олинган қоидалар – адолат, гувоҳликни яширмаслик, қози фаолиятининг жамоат назоратида бўлиши билан мутаносибдир.

Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида ҳанафий мазҳаби асосидаги қозилик анъаналари мавжуд бўлган. Совет даврида қозилик институти расмий тизимдан чиқарилган бўлса-да, мустақилликдан кейин исломий ҳуқуқий-ахлоқий меросни ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Замонавий суд тизими исломий қозилик эмас, аммо ҳалоллик, адолат, қонун устуворлиги, суд мажлисларининг очиклиги, судьянинг ҳолислиги ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймас-

лик каби тамойиллар Ислом ҳуқуқидаги қозилик фалсафаси билан уйғунлашади.

Замонавий ҳуқуқда суд фаолияти ҳақида ахборот олиш фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам қози берган ҳукмлар қандай тарзда қабул қилинганини жамоат билиши, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушуниши, одил судлов борасидаги исломий мезонлар билан танишиши жамиятнинг маърифий ва маънавий ўсишига хизмат қилган.

Классик фикҳ асарларида қози ҳукмини шунчаки эълон қилибгина қолмай, унинг асосларини ҳам тушунтириши лозимлиги қайд этилади¹³.

Ислом ҳуқуқи доирасида ҳам суд қарорлари Қуръон ва сунна, ижмоъ (кўпчилик уламолар фикри), қиёс (ҳуқуқий қиёс) каби манбаларга таянган ҳолда асосланган.

Қозининг мазкур манбаларга таянаётгани ва уларни қандай талқин қилаётгани тарафларга маълум бўлиши, мумкин қадар очик бўлиши зарур бўлган. Шу тарзда шубҳалар камайиб, норозилик ҳолатларини баҳолаш осонлашган ва юқори турувчи суд (ёки муфти, фатво органи) назорати самарали бўлган.

Ислом ҳуқуқида қозилик фаолияти фақат "ҳукм чиқариш" билан чекланмайди, балки жамиятда адолат, ишонч ва барқарорликни таъминлашга қаратилган мураккаб ҳуқуқий-ахлоқий тизимни ўз ичига олади. Ушбу тизимнинг муҳим унсурларидан бири – ошкоралик ва очикликдир.

Қуръон ва сунна, классик фикҳ манбалари ва тарихий амалиёт таҳлили қуйидаги асосий йўналишларни кўрсатади:

Қозилик фаолиятида ошкоралик – адолатни таъминлашнинг шаръий талаби. Суд мажлисларининг омма учун очик ўтказилиши, ҳукм матни ва асосларининг тушунтирилиши жамоат ишончини мустаҳкамлайди.

Қози ўз фаолияти учун Аллоҳ, жамият ва давлат олдида жавобгар бўлиб, ошкоралик унинг ҳисобдорлигини кучайтиради.

Замонавий миллий қонунчиликдаги суд ошкоралиги тамойиллари Ислом ҳуқуқи қадриятлари билан уйғун бўлиб, уларни бойитиш учун исломий манбалардан фойдаланиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Шунинг учун Ислом ҳуқуқи ва замонавий ҳуқуқ тизимлари ўртасида мулоқотни чуқурлаштириш, хусусан қозилик фаолиятида ошкоралик ва очиклик масалаларини қиёсий ўрганиш муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Эркинжон САБИРОВ,

Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуръони карим, Нисо сураси, 58-оят.
2. Имом Термизий. Сунан, "Аҳком" китоби, одил қози ҳақидаги ҳадислар. Шунингдек: Ибн Моча. Сунан, "Аҳком" боби.
3. Ибн Қудам а-Макдисий ал-Мугни. Қоҳира: Дарул фикр, қозилик китоби.
4. Бурхониддин Марғинович. Ҳидоя, тўртинчи китоб, қозининг одоби китоби.
5. Қуръони карим, Моид сураси, 8-оят.
6. Имом Бухорий. Саҳих, "Шаҳодат" китоби; Имом Муслим. Саҳих, "Ақзия" (қозилик) боби. Матнда келган маънога яқин ривоятлар.
7. Ибн Ҳишом. Сийратун-набавийя. Қозилик билан боғлиқ воқеалар қисмлари.
8. Ас-Сарахсий. ал-Мабсут. Қозилик ва даъво-исбот боблари.
9. Ибн Касир. ал-Бидоя ван-ниҳоя. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ҳикоятлари.
10. Аз-Замашарий, ан-Насафий ва бошқаларнинг Мовароуннаҳр фақиҳларига тегишли фикҳий манбалари; шу жумладан: Бурхониддин Марғинович. ал-Ҳидоя.
11. Ибн Абидин. Рабдул мухтор ала-ддуррир мухтор. Қозилик ва фатво боблари.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯЛАШ ВА ИСБОТЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада сунъий интеллектдан фойдаланиб содир этилган жиноятларни квалификациялаш ва исботлаш муаммолари таҳлил қилинади. Сунъий интеллект жиноятнинг мустақил субъекти эмас, балки жиноят содир этиш усули, воситаси ёки уни яшириш механизми сифатида баҳоланиши асосланади. Ўзбекистон қонунчилиги доирасида нормалар рақобати, айб, сабабий боғланиш, deepfake ва рақамли далилларнинг мақбуллиги кўриб чиқилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, жиноий жавобгарлик, кибержиноятчилик, квалификация, рақамли далиллар, deepfake, сабабий боғланиш.

Сунъий интеллект синтетик контент яратиш, жабрланувчиларни автоматлаштирилган тарзда танлаш, шахсга тақлид қилиш ва идентификациядан четлаб ўтиш имкониятларини кенгайтди. Бу жиноят ҳуқуқи учун янги субъект пайдо бўлганини эмас, балки қилмиш, усул, оқибат, айб ва далиллар базаси мураккаб-лашганини англатади.

Ўзбекистон Жиноят кодекси антропоцентрик модельга асосланади: жавобгарлик фақат қонунда белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни айбли содир этган жисмоний шахсга нисбатан келиб чиқади. Шу сабабли AI ёрдамидаги жиноятда алгоритм эмас, технологиядан онли равишда фойдаланган шахснинг ҳаракати баҳоланади.

AI юридик ирода, ақли расолик, жавобгарлик ёши ва жазони ўташ қобилиятига эга эмас. У жиноят содир этиш усули (масалан, сохта овоз яратиш), воситаси (маълумотни қайта ишлаш ёки зарарли контент тайёрлаш), изларни яшириш механизми ёхуд тажовуз қўламини оширувчи омил бўлиши мумкин. Жавобгарлик эса жиноий мақсадни шакллантирган ва натижадан фойдаланган ишлаб қилувчи, оператор, буюртмачи ёки бошқа шахсга нисбатан белгиланади.

Айдан фойдаланиш факти қонунда назарда тутилмаган янги квалификацияловчи белгини автоматик равишда ҳосил қилмайди. Бироқ бу усул, зарар миқдори, иштирокчилар роли, қасд ёки эҳтиётсизликни аниқлашда юридик аҳамият касб этиши мумкин. Қасд учун шахс технологиянинг хавфли хусусиятини англагани ва оқибатни истагани ёки унга онли йўл қўйгани; эҳтиётсизлик учун эса лозим назорат чораларини кўрмагани исботланиши шарт.

Жиноят кодексининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга бағишланган XX¹ боби компьютер ахборотидан қонунга хилоф фойдаланиш, уни модификациялаш, компьютер саботаж, зарарли дастурлар ва бошқа қилмишларни қамраб олади. Аммо AI орқали яратилган контент фибрибгарлик, товламачилик, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ёки шахсга доир маълумотлардан ғайриқонуний фойдаланиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун квалификация технология номига эмас, тажовуз объекти ва муайян жиноят таркиби белгиларига асосланиши лозим.

Бир қилмишда фибрибгарлик, ахборот тизимига қонунга хилоф кириш ва шахсга доир маълумотларни бузиш белгилари бирлашганда нормалар рақобати юзага келади. Ҳуқуқни қўлловчи ахборот-технологик ҳаракат мустақил тажовузми ёки бошқа жиноятни амалга ошириш усулими, деган масалани ҳал қилиши керак. Сабабий боғланиш ҳам аниқ кўрсатилиши шарт: инсон берган вазифа, алгоритм натижаси, уни қўллаш ва зарар ўртасидаги занжир умумий "Айдан фойдаланилган" деган ҳавола билан алмаштирилмайди.

Синтетик тасвир, аудио, видео ёки матннинг ҳуқуқий баҳоси унинг қандай технологияда яратилганига эмас, қандай мақсадда ишлатилганига боғлиқ. Deepfake жабрланувчини алдаш ва мулкни эгаллашда фибрибгарлик усули, шахсий ҳаётга тажовузда номоддий неъматларга зарар етказиш механизми, ахборот тизимига таъсирда эса компьютер жинояти воситаси бўлиши мумкин.

Генератив AI аудио ва видеонинг ишончлилиги ҳақидаги одатий тасаввурни заифлаштиради. Шунинг учун файл манбаси, метамалумотлар, сақлаш занжир, монтаж белгилари ва бошқа далилларга мувофиқлик текширилади. Бироқ рақамли материални фақат уни сунъий яратиш мумкинлиги сабабли рад этиш ҳам нотўғри. Аккаунт ёки қурилмани аниқлашнинг ўзи етарли эмас; муҳитни ким назорат қилгани, сўровни ким бергани ва натижани ким жиноий схемада ишлатгани белгиланиши зарур.

2024 йилги қонунчилик ўзгаришлари электрон маълумот ва процессуал баён-номаларга илова қилинган айрим аудио-видеоеъзувларни рақамли далил сифатида мустаҳкамлади. AI билан боғлиқ ишлар бўйича электрон ёзишмалар, логлар, мета-

маълумотлар, моделга юборилган сўровлар тарихи, аккаунт ва тўлов излари, экспертиза ҳамда мутахассис хулосалари аҳамиятли бўлиши мумкин. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилиги ва етарлилиги нуктаи назаридан баҳоланади.

Рақамли маълумотни қайд этиш, олиб қўйиш, нусхалаш, сақлаш ва текшириш узлуксизлиги (chain of custody) ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Баённомада объект топилган жой, ҳолат ва индивидуал белгилари акс эттирилиши, яхлитлик эса техник воситалар билан тасдиқланиши лозим. Тартиб бузилиши файлнинг ўзинигина эмас, унинг келиб чиқиши ва муайян шахсга тегишлилиги ҳақидаги хулосани ҳам шубҳа остига қўяди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар объектни таниш ёки катта маълумотларни таҳлил қилиш учун Айдан фойдаланса, унинг натижаси мустақил суд далили эмас, йўналтирувчи ахборот бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда тушунарсиз техник натижани ҳақиқат деб қабул қилишга олиб келувчи "алгоритмик обрў" хавфи юзага келади.

Бектурди Матмуратов,

Одил судлов академияси магистратура факультети
котиб-иш юритувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сон қонуни (рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ-153-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 мартдаги ПФ-38-сон фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йилги янги тахрир. Lex.uz.
8. 16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонуни.
9. 17. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сон "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон далилларга оид қарори.
12. United Nations Convention against Cybercrime. UN General Assembly Resolution 79/243, 24 December 2024.
13. Council of Europe Framework Convention on Artificial Intelligence and Human Rights, Democracy and the Rule of Law, 2024.
14. Regulation (EU) 2024/1689 (Artificial Intelligence Act).
15. ISO/IEC 27037:2012. Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence.
16. Hallevy G. Liability for Crimes Involving Artificial Intelligence Systems. Springer, 2015.
17. Gless S., Silverman E., Weigend T. If Robots Cause Harm, Who Is to Blame? New Criminal Law Review. 2016. Vol. 19. No. 3.
18. Chesney R., Citron D.K. Deep Fakes: A Looming Challenge for Privacy, Democracy, and National Security. California Law Review. 2019. Vol. 107.
19. Casey E. Digital Evidence and Computer Crime. 3rd ed. Academic Press, 2011.
20. Council of Europe. Convention on Cybercrime (Budapest Convention), ETS No. 185, 2001.
21. UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence, 2021.
22. OECD. Recommendation of the Council on Artificial Intelligence, OECD/LEGAL/0449, updated 2024.
23. NIST. Artificial Intelligence Risk Management Framework (AI RMF 1.0), 2023.
24. Europol Innovation Lab. AI and Policing: The Benefits and Challenges of Artificial Intelligence for Law Enforcement, 2024.
25. Brundage M. et al. The Malicious Use of Artificial Intelligence: Forecasting, Prevention, and Mitigation, 2018.
26. Kerr O.S. Computer Crime Law. 4th ed. West Academic Publishing, 2018.
27. Hildebrandt M. Smart Technologies and the End(s) of Law. Edward Elgar, 2015.
28. Floridi L. The Ethics of Artificial Intelligence. Oxford University Press, 2023.
29. Citron D.K. The Fight for Privacy. W.W. Norton, 2022.
30. Brenner S.W. Cybercrime and the Law. Northeastern University Press, 2012.

МАЖБУРИЙ МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бориши натижасида иқтисодий судлардаги иш юкласи кескин ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий низоларни аънавий суд тартибида кўриб чиқиш муддатларининг чўзилишига, ишларни кўриш сифатини пасайишига, тадбиркорларнинг вақт ва молиявий ресурслари йўқотилишига олиб келмоқда.

Жаҳон тажрибаси, хусусан, Туркия, Германия, Жанубий Корея ва Сингапур каби ривожланган давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, инвестициявий муҳит жозибдорлигини оширишни, шу билан бирга суд тизимидаги юкламани камайтиришнинг энг самарали воситаси — бу судгача мажбурий медиация институтидир.

“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигига бир неча йиллар бўлса-да, амалдаги ихтиёрий медиация модели тижорат низоларини ҳал этишда қўлланган натижани бермапти. Судларда иқтисодий низолар камайиш ўрнига йилдан-йилга ошиб бормоқда. Судгача медиация тартиби ишламаётганлиги боис 2025 йилда республика иқтисодий судларида кўрилган ишларнинг 3755 таси медиатив келишув битими тузилганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган бўлса, 840 таси келишув битими тузилганлиги сабабли иш юритиш тугатилган.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларда бир тараф ғолиб ва иккинчи томон мағлуб таъминлиги асосланган судлашайдан “ҳар икки тараф ғолиб” (Win-Win) таъминлиги устувор бўлган мурося маданиятига ўтиш давр талабига айланади.

Бу борада хорижий давлатлар амалиётига назар ташлайдиган бўлсак Туркияда мажбурий медиация тизими судлар юкласини камайтириш ва низоларни тезкор ҳал этишда дунёдаги энг муваффақиятли тажрибалардан бири ҳисобланади. Мамлакатда медиация шунчаки ихтиёрий тартиб-таомил эмас, балки муайян тоифадаги низолар учун судгача бўлган мажбурий шарт этиб белгиланган.

Туркия ушбу тизимни соҳалар кесимида босқичма-босқич амалиётга киритди. Масалан, 2019 йилда тижорат ва пул ундируви билан боғлиқ барча иқтисодий низолар бўйича, 2020 йилда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, 2023 йилда кўчмас мулк ижараси, мулкни тақсимлаш ва бошқа мулк ҳуқуқи низолари бўйича медиация судгача низоларни ҳал этишда мажбурий этиб белгиланган.

Ҳўш, ушбу тартиб қандай амалга оширилади?

Даъвогар жавобгар яшайдиган ёки шартнома бажариладиган ҳудуддаги суд биносига жойлашган Медиация бюросига бепул ариза топширади. Тарафлар ўзлари келишган ҳолда расмий рўйхатдаги медиаторни танлашлари мумкин. Агар танловда келиша олишмаса, тизим (электрон дастур) автоматик равишда рўйхатдаги медиаторлардан бирини тайинлайди.

Медиация жараёни жуда тез якунланиши шарт бўлиб, тижорат низоларида кўпи билан 6 ҳафта (зарурат туғилганда медиатор яна 2 ҳафтага узайтириши мумкин), меҳнат низоларида эса 3 ҳафта (1 ҳафта узайтириш имконияти билан) давом этиши мумкин.

Агар тарафлардан бири сабабсиз биринчи медиация учрашувига келмаса ва шу сабабли бу жараён барбод бўлса, келмаган тараф кейинчалик судда ҳақ бўлиб чиқса ҳам, барча суд харажатларини (давлат божи, адвокатлик тўловлари ва ҳ.к.) тўлайди. Шу орқали медиация институтининг мажбурийлиги таъминланади.

Беларусь Республикаси иқтисодий судлари тизимида медиация ва яраштирув жараёнларининг жорий этилиши бўйича МДХ давлатлари орасида ўзига хос ва жуда муваффақиятли модель бўлиб ҳисобланади.

Бу ерда “мажбурийлик” тушунчаси “суд томонидан тайинланган мажбурий яраштирув процесси” шаклида ишлайди. Ўйин, низо судга келиб тушганидан кейин судьянинг ташаббуси билан томонлар мурося столига ўтиришга “мажбур қилинади”.

Беларусь Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексига кўра, иш судга келиб тушганидан сўнг, судья ўз ташаббуси билан (томонларнинг розилигини сўрамасдан) яраштирув тартиб-таомилни очиш ҳақида ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Бунда суд ишни кўришни тўхтатиб туради ва иш юзасидан алоҳида медиаторни тайинлайди. Медиатор одатда, давлат томонидан маош оладиган, махсус тайёргарликдан ўтган суд ходими ёки реестрдаги профессионал медиатор бўлади. Суд ходими хизмат кўрсатганда бу жараён тадбиркорлар учун мутлақо бепул ҳисобланади. Томонлар ушбу яраштирувчи ҳузурига боришдан ва музокара босқичида қатнашишдан бош торта олишмайди. Медиатор аслида суд ичиндаги медиатор бўлиб, у судья каби қим ҳақ, қим айбдорлигини аниқламайди, далилларни баҳоламайди. Унинг вазифаси — тадбиркорларга судлашнинг салбий молиявий оқибатларини ва вақт йўқотилишини тушунтиришдир.

Медиация натижасида томонлар келишиб олишса, “яраштирув келишуви” имзоланади. Бу ҳужжат юридик табиатига кўра медиатив келишув ҳисобланади ва суд томонидан тасдиқланади.

Статистикага кўра, суд ташаббуси билан яраштирув процессига киритилган ишларнинг қарийб 75-80 фоизи якунда судлашмай, мурося билан келишиб кетишади. Бу рақамлар низоларни тинч ўзаро мурося йўли билан ҳал этишда медиацияни мажбурийлигини белгилашни аҳамияти қанчалик юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Жанубий Корея тажрибаси бўйича “Суд ҳузуридаги конциляция” тижорат низо-ларини судга муқобил йўллари суд тизими ичига интеграция қилиш бўйича етакчи ҳисобланади. Суд ҳузуридаги мажбурий яраштирув судья ёки махсус ташкил этилган яраштирув қўмитаси суд жараёни бошланишидан олдин мажбурий тартибда томонларни келиштириш чораларини кўради. Бу жараёнда эришилган келишув қонуний қучга кирган суд қарори мақомига эга бўлади.

Низоларни судгача ҳал этишда Сингапур тажрибаси дунёдаги энг илғор ва самарали тизимлардан бири ҳисобланади. Бу тизим давлатнинг қатъий қўллаб-қувватла-ши, қулай инфратузилма ва низоларни муқобил ҳал этиш (ADR) маданиятининг юқо-рилигига асосланган. Сингапур давлат судлари қошида Низоларни ҳал этиш маркази (SCCDD) ишлайди. Даъво аризаси киритилгач, судьялар иш суд муҳокамасида кўриб чиқиш бошлангунга қадар тарафларга медиацияни мажбурий тарзда таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фақатгина битта ҳолатда медиация тар-тиби мажбурийлиги мавжуд бўлиб, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғри-сида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасида чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзга келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилиши, агар унинг тарафлари музокара-лар ўтказиш йўли билан низоли келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўл-маса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши кераклиги, музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солинмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Лекин ушбу норма процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги боис суд амалиётида деярли учрамайди.

Миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга кўра, медиатив келишув тузилганлиги сабабли, даъво кўрмасдан қолдирилганда, давлат божи ундирилмасли-ги, тўланган давлат божи қайтариб берилиши, медиатив келишув ихтиёрий ижро этил-маганда, суд томонидан медиатив келишув асосида ижро варақаси берилиши тартиби белгиланган бўлиб, ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида иқтисодий судга мурожаат этишдан олдин медиация тартиб-таъминлигига риоя этиш мажбурийлиги тўғрисидаги қондаларни белгилашни давр тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Иқтисодий процессуал кодексга “медиация тартиб-таъминлини амалга оширганлик тўғрисидаги баённома даъво аризасига илова қилиниши шарт” де-ган мажбурий бандни киритиш, агар бу баённома илова қилинмаса, суд даъво аризасини қайтариши, агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, кўрмасдан қолди-рилиши, “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “судгача мажбурий медиация” тушунчаси ва унинг қўлланиш соҳалари (масалан, шартномавий низолар, корпоратив низолар, банк-кредит низолари ва ҳ.)ни белгилаб қўйилиши, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мажбурув чораси сифатида тарафнинг айби туфайли медиация жараёни самарасиз якунланганда, кейинчалик судда ишни кўриш натижасидан қатъий назар барча суд харажатлари (давлат божи, адвокатлик тўловлари ва ҳ.к.) шу тараф зиммасига юкланиши тўғрисидаги қондалар киритилиши таклиф этилади.

Бундай илғор хорижий давлатлар тажрибасини миллий қонунчилигимизга жорий этилишининг иқтисодий жиҳатдан фойдалари ҳам бир қанча. Масалан, бугунги кунда ҳар бир суд мажлисини ўтказиш учун судья ва суд ходимларининг иш ҳақи, бино таъминоти, коммунал тўловлар, мажлислар зали ускуналари, қоғоз ва почта харажатлари (хабарно-малар юбориш) учун давлат бюджетидан анча маблағ сарфланади. Агар ушбу ишларнинг камида 50 фоизи медиация натижасида судгача ҳал этилишига эришилса, суд тизимида ажратиладиган бюджет маблағларининг камида 20-25 фоизини тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, бу янгиланган иқтисодий судларда иш юкласини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ортқича суд, адвокатлик харажатларини олдини олиш, низолар ўзаро музокара йўли билан ҳал этилганлиги боис тадбиркорлар ўртасида ўза-ро дўстона муносабатларни сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади.

Салимжон Абдурасулов,

Бухоро вилоят суди раиси ўринбосари,

Дилафруз Султонова,

Бухоро давлат университети доценти.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги — Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси нормалари асосида хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ва хизматлар билан боғлиқ жиноятлар натижасида етказилган зарарларни қоплашнинг ҳуқуқий механизмлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар, моддий зарар, маънавий зарар, зарарни қоплаш механизми, фуқаровий даъво, жиноий жавобгарлик, бой берилган фойда, маънавий зарар, исботлаш.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ва хизматлар билан боғлиқ жиноятлар бир қатор соҳаларда алоҳида кенг тарқалган. Озиқ-овқат саноатида санитария меъёрларига мос келмайдиган ёки муддати ўтган маҳсулотларни сотиш истеъмолчиларнинг заҳарланишига, сурункали касалликларга ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Фармацевтика соҳасида сохта ёки сифатсиз дори-дармонларни муомалага чиқариш даволашнининг самарасизлигига ва оғир оқибатларига сабаб бўлади.

Қурилиш ва кўчмас мулк соҳасида техник хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилган ишлар бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар ва ўлимга олиб келиши мумкин. Тиббий хизматлар соҳасида малакисиз тиббий амалиёт ёки санитария талабларининг бузилиши истеъмолчининг соғлиғига сезиларли зарар етказиши, ҳаттоки ногиронликка ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Транспорт хизматларида техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларидан фойдаланиш йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлади. Электр ва газ ускуналари соҳасида хавфсизлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотлар ёнғин, портлаш ёки электр токи уриши хавфини туғдиради. Болалар маҳсулотларида хавфли материаллардан фойдаланилиши заҳарланиш ва механик шикастланишларга олиб келиши мумкин.

Санаб ўтилган соҳаларнинг барчаси истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид соладиган соҳаларга айланган бўлиб, уларни қонуний назорат остида тутиш ва ЖКнинг 186-моддаси талабларини самарали қўллаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатларда, албатта, юридик шахслар иштирок этади, яъни етказилган зарарга сабабчи бўлган товар ёки хизматлар асосан тадбиркорлар ва шу каби корхоналарнинг истеъмолчилар билан муносабатлари натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам ФКнинг 989-моддасида: “Юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди. Ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ, меҳнат шартномаси асосида, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида иш бажарётган фуқаролар, агар бунда ишларни бехатар олиб бориш юзасидан тегишли юридик шахснинг ёки фуқаронинг топшириғи бўйича ёки назорати остида ҳаракат қилган бўлсалар ёки ҳаракат қилишлари лозим бўлган бўлса, ходимлар деб эътироф этиладилар.

Ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар”, — деб белгиланган.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ёки хизматлар натижасида фуқарога етказилган зарар икки асосий кўринишда — моддий ва маънавий шаклда намоён бўлади. Уларни тўғри фарқлаш нафақат назарий, балки даъво миқдорини аниқлаш ва исботлаш жараёнида ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Моддий зарар ФКнинг 985-моддасида белгиланган умумий қоидага кўра тўлиқ қопланиши лозим бўлиб, у ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани ўз ичига олади. Ҳақиқий зарар қаторига даволаниш, дори-дармон, протезлаш, реабилитация ва парваришlash харажатлари, шикастланган ёки йўқолган мол-мулк қиймати ҳамда қўшимча овқатланиш харажатлари кириди. Бой берилган фойда сифатида эса вақтинча меҳнат қобилияти йўқолиши натижасида олинмаган иш ҳақи, доимий ногиронлик сабабли йўқотилган даромадлар ва тадбиркор бўлган жабрланувчининг бизнес даромадлари эътироф этилади.

ФКнинг 1005-моддасига мувофиқ, агар жиноят натижасида фуқаронинг вафот этиши юз берган бўлса, марҳумнинг қарамоғидаги шахслар ҳам зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда марҳумнинг қарамоғида бўлган кичик ёшдаги болаларга, меҳнат қобилиятини йўқотган турмуш ўртоғига ёки ота-онасига нафақа тўланади, шунингдек дафн маросими ва вафот этгунга қадар қилинган даволаниш харажатлари ҳам ундирилади.

Бундан ташқари, худди шу вазиятда зарар етказган ва уни қоплаш мажбуриятини олган шахс вафот этган бўлса, ФКнинг 1011-моддасига асосан фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларга ўтади. Меросхўрлар жабрланувчи олдида ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Вориссиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.

Маънавий зарар институти Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида ФКнинг 1021-1022-моддаларида мустаҳкамланган. ФКнинг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар — бу фуқаронинг жисмоний ва руҳий азоб-укубатларида ифодаланади. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ёки хизматлар натижасида ҳаётга ва соғлиққа зарар етказилган фуқаро жисмоний оғриқ ва ноқулайликлар билан бирга руҳий азоб-укубатлар — кўркүв, стресс, депрессия, келажакка ишончсизлик каби ҳолатларга ҳам дуч келади. Мазкур ҳолатларда маънавий зарарни пул билан қоплаш талаби қўйилиши мумкин.

Маънавий зарарни пул билан қоплаш ҳуқуқи “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси ва ФКнинг 1021-моддасига асосланган ҳолда фуқаро томонидан илгари сурилади. Муҳим жиҳат шундаки, ФКга кўра, маънавий зарар учун жавобгарлик айбдорликнинг — қасд ёки эҳтиётсизликнинг — мавжудлигини талаб этади. Бундан ташқари, маънавий зарар моддий зарардан тўлиқ мустақил равишда ундирилиши мумкин: иккаласи бир вақтда ҳам, алоҳида-алоҳида ҳам талаб қилиниши амалиётда кенг қўлланилади.

ФКнинг 1022-моддасига кўра, маънавий зарар миқдорини белгилашда суд бир қатор мезонларни инобатга олади. Биринчи мезон — айбдорлик даражаси: қасддан содир этилган жиноятларда компенсация миқдори эҳтиётсизлик натижасида етказилган зарарга нисбатан юқорироқ белгиланади. Иккинчи мезон — азоб-укубатларнинг характери: жисмо-

ний азоб (оғриқ, жароҳатланиш, операция оғриғи) ва руҳий азоб (қўрқув, депрессия, ижтимоий изоляция) алоҳида-алоҳида баҳоланади. Учинчи мезон — соғлиққа етказилган зарар даражаси, яъни енгил, ўртача ёки оғир тан жароҳати табақаланиши. Тўртинчи мезон — жабрланувчининг шахсий ҳолатлари: ёши, соғлиғи, оиладаги мавқеи ва ижтимоий аҳоли. Бешинчи мезон — айбдорнинг мулкӣ ҳолати, чунки компенсация адолат ва мутаносиблик талабларига жавоб бериши лозим. Олтинчи мезон — белгиланган миқдор иқтисодий жиҳатдан оқилона бўлиши зарур.

Миқдорни асослаш жараёни амалда бир неча босқичдан иборат бўлади. Дастлаб тиббий ҳужжатлар асосида соғлиққа етказилган зарар оғирлиги аниқланади. Сўнгра психологик экспертиза ҳулосаси билан руҳий азоб-укубатлар ҳолати тасдиқланади. Даволаниш муддати ва реабилитация зарурати ҳисобга олинади. Ниҳоят, даъвогар томонидан таклиф этилган миқдор судда асосланади ва суд ички ишончи асосида якуний қарорни қабул қилади. Ўзбекистон суд амалиётида маънавий зарар компенсацияси одатда базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорда белгиланиб, оғир тан жароҳати ёки ногиронлик ҳолатларида юқори чегарага яқинлашиш тенденцияси кузатилмоқда.

ЖКнинг 186-моддаси бўйича жиноят натижасида зарар кўрган истеъмолчи бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун икки ҳуқуқий йўлдан бирини танлаши мумкин: жиноят иши доирасида фуқаровий даъво киритиш ёки алоҳида фуқаролик суди тартибиде даъво кўзғатиш.

Биринчи йўл ФПКнинг 44-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, жиноят иши кўрилатган пайтда жабрланувчи терговчи, прокурор ёки судга ёзма даъво аризаси топширади. Ушбу ҳолда даъвони кўриш жиноят ишига бирлаштирилади, жабрланувчи давлат божидан тўлиқ озод этилади ва суд жиноятни исботлаш билан бирга зарар миқдорини ҳам белгилайди. Жиноий жавобгарликнинг исбот этилиши фуқаровий талабни қондириш учун мустақил асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи йўл — алоҳида фуқаролик даъвоси — жиноят иши тугагандан кейин ёки жиноят иши юритилмаган ҳолларда қўлланилади. Бу ҳолда ФКнинг 985, 1003–1005 ва 1021–1022-моддалари исботлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида кўрсатилади. Алоҳида даъвонинг афзаллиги шундаки, жабрланувчи зарарни батафсил ва чуқурроқ исботлаш имкониятига эга бўлади, экспертизалар, гувоҳлар кўрсатувлари ва ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилиши мумкин.

Исботлаш масаласида ФПК қоидаларига кўра, исботлаш юки даъвогар (жабрланувчи) зиммасида бўлади: у зарар етказилганини, айбдор томонидан хавфсизлик талаблари бузилганини ва зарур сабаб-оқибат боғлиқлигини исботлаши лозим. Бироқ, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, маҳсулот камчиликлари бўйича исботлаш юки ишлаб чиқарувчига ўтказилади — бу истеъмолчи учун муҳим ҳимоя механизми ҳисобланади.

ФПКнинг 73–83-моддаларига асосан зарур исботлаш воситалари қуйидагилардан иборат: тиббий экспертиза ҳулосаси — соғлиққа етказилган зарар даражасини белгилаш учун; суд-кимёвий ёки суд-техник экспертиза — маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида; психологик экспертиза — маънавий зарарни исботлаш учун; товар экспертизаси — маҳсулот камчиликларини аниқлаш учун; гувоҳлар кўрсатувлари; тиббий карточка, дори-дармон чеклари ва даволаниш ҳисоб-фактуралари каби ҳужжатлар.

Даъво киритиш билан бирга жабрланувчи ФПКнинг 140-моддасига асосан суд орқали даъво таъминоти чораларини кўришни талаб қилиши мумкин: айбдорнинг мол-мулкига хатлов қўйиш ва банк ҳисобварақларини музлатиш. Бу чоралар айбдорнинг мол-мулкни яшириши ёки бошқа шахсларга ўтказиб юборишининг олдини олади ҳамда кейинчалик ундириш самарадорлигини таъминлайди.

Суд томонидан зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг қуйидаги ижро тартиби амалга оширилади: суд қарорига ижро варақаси берилади, ижро варақаси Мажбурий ижро бюросига топширилади, ижрочи айбдорнинг мол-мулки ва даромадлари бўйича мажбурий ижро чораларини қўллади, банк ҳисобварақларидаги маблағлар ундириш учун тўсиб қўйилади ва ўз ихтиёри билан ижро этилмаган ҳолларда мол-мулкни мажбурий сотиш амалга оширилади.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ва хизматлар билан боғлиқ жиноятларда жавобгарлик субъектлари доираси анча кенг бўлиб, нафақат бевосита ишлаб чиқарувчини, балки етказиб берувчи, сотувчи ва хизмат кўрсатувчи барча субъектларни қамраб олади. ФКнинг 1001–1002-моддаларига кўра, зарар етказган ҳар қандай шахс — юридик ёки жисмоний шахс — тўлиқ мулкӣ жавобгарликни зиммасига олади. Жабрланувчи зарар айнан қайси босқичда юзага келганлигини аниқ билмаган ҳолларда ҳам барча занжир иштирокчиларига биргаликда даъво қўйиши мумкин.

Юридик шахс жавобгар бўлган ҳолларда ФКнинг 39-моддасига кўра ташкилот ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради. Ходим томонидан етказилган зарар учун эса иш берувчи ташкилот биринчи навбатда жавоб беради ва у кейинчалик ходимдан регресс тартибиде ушбу миқдорни ундириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай тартиб жабрланувчининг мулкӣ талабларини қондириш эҳтимолини сезиларли даражада оширади.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар, ишлар ва хизматлар билан боғлиқ жиноятлар натижасида етказилган зарарларни қоплаш институти Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида истеъмолчиларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Жиноят кодексининг 186-моддаси жиноий жавобгарликни белгилаб берса, Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси эса етказилган зарарни тўлиқ ундириш учун фуқаровий-ҳуқуқий воситаларни таъминлайди. Ушбу уч норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг узвий бирликда фаолият юритиши жабрланувчи истеъмолчи манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш имконини яратади.

Маънавий зарар институти — ФКнинг 1021–1022-моддаларига асосланган ҳолда — хавфсизлик талаблари бузилиши натижасида фуқаронинг жисмоний ва руҳий азоб-укубатлари учун мустақил компенсация талаб қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Бу институтнинг тўлақонли қўлланилиши истеъмолчилар манфаатларини реал ҳимоя қилишдан ташқари, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида масъулият маданиятини ҳам шакллантиради. Профилактик таъсири нуқтаи назаридан қаралганда, жиддий фуқаровий ва жиноий жавобгарлик таҳдиди ишлаб чиқарувчиларни хавфсизлик талабларига риоя этишга ундайди ва бозорда сифатли маҳсулотлар муомаласини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш, маънавий зарар институтини ривожлантириш ва суд амалиётини бир хиллаштириш Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг долзарб вазибалари сифатида қолмоқда. Бу йўналишдаги изчил қонунчилик ислохотлари ва самарали суд амалиёти нафақат айрим жабрланувчиларнинг, балки жамият манфаатларининг ҳам ишончли ҳимоясини таъминлайди.

Улугбек АБДУВАЛИЕВ,

Сарбон университети Ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi (1992-yil, 2023-yil tahrir); O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi, 186-modda.
2. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi.
3. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksi.
4. O'zbekiston Respublikasining "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuni.
5. O'zbekiston Respublikasining "Mahsulotlar va xizmatlarni sertifikatlashtirish to'g'risida"gi Qonuni.
6. O'zbekiston Respublikasining "Standartlashtirish to'g'risida"gi Qonuni.

ҚОНУН ҲАҚИҚАТНИ ЁҚЛАДИ

ёки шаҳар бедарвоза эмас



Барқарор иқтисодий тараққиёт йўлидан изчил одимлаётган мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган.

Жумладан, белгиланган муддатгача айрим солиқ ставкаларини оширмаслик ҳамда кичик ва ўрта бизнес зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган норматив ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилинган. Шу боис тадбиркорлар давлат ва қонун ҳимоясидадир. Бироқ, қонун ҳимояси фақат қонун талабларига риоя қиладиган, ўз фаолиятини ҳалол ва шаффоф юритадиган тадбиркорларга татбиқ этилади. Қонун талабларини бузиш, шахсий манфаатни давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйиш эса тегишли ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Фикримизни қуйидаги суд амалиёти мисолида кўриш мумкин.

Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси туман ҳокимлиги манфаатида иқтисодий судга мурожаат қилиб, масъулияти чекланган жамият томонидан ўзбошимчалик билан қурилган енгил конструкцияли савдо дўконини буздириш ҳамда ноқонуний эгалланган ер майдонини туман заҳирасига қайтаришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар “Е-auksion” электрон платформасида ўтказилган танлов голиби сифатида 36 ой муддатга умумий 18 квадрат метр майдонда икки донa кўчма савдо объектини жойлаштириш ҳуқуқини қўлга киритган. Бироқ, амалда белгиланган майдон билан чекланмасдан, қўшимча 40,31 квадрат метр ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб, савдо дўкони қурган.

Фуқаролар мурожаатлари асосида ўтказилган мониторинг натижасида мазкур қонунбузилиш аниқланган. Кадастр органи томонидан жавобгарга

ноқонуний объектни ихтиёрий равишда бартараф этиш ҳақида огоҳлантириш берилган бўлса-да, бу талаб бажарилмаган.

Суд томонидан низоли объект жойига чиқиб кўздан кечирилганда, бинонинг умумий майдони 61,71 квадрат метр эканлиги ва унинг бир қисми ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида қурилгани тасдиқланган. Суд муҳокамасида жавобгар огоҳлантирилганини тан олган, аммо қонун талабларини билмаганини ва жамият сифатида келтирган. Ваҳоланки, қонунни билмаслик шахсни жавобгарликдан озод этмайди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мажбуриятлар қонун талабларига мувофиқ бажарилиши шарт. Шунингдек, Ер кодексида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари қайтарилиши ва қурилмалар ерни ноқонуний эгаллаган шахс ҳисобидан бузилиши белгиланган.

Шу асосда биринчи инстанция суди даъво-ни қаноатлантирган. Кейинчалик иш апелляция тартибида ҳам кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли деб топилган ҳамда ўз кучида қолдирилган.

Ушбу ҳолат қонун талабларига риоя қилиш ҳар бир шахс учун мажбурий эканини яна бир бор тасдиқлайди. Ер муносабатларида ўзбошимчаликка йўл қўйиш ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Шу боис ҳар қандай фаолият қонун доирасида амалга оширилиши лозим.

Навбаҳор ТУРСУНОВА,
Самарқанд туманлараро
иқтисодий судининг судьяси.

АЖРИМ ЕЧИМ ЭМАС, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МУҲИМ

Оила – инсониятнинг буюк топилмаси, хазинасидир. Унда келажагимиз камол топади, шунинг учун оила қураётганда ота-оналик масъулиятини англаб етиш оилаларнинг мустақамлигида муҳим омил эканлигини никоҳланувчилар англаб етишлари шарт. Бўлажак ота-она оила мустақамлиги, бола тарбиясига бефарқ бўлмаяптими демек улар мамлакат келажагига ҳам бефарқ эмаслар.

Кейинги йилларда аксарият давлатларда никоҳларнинг барҳам топиши муаммоси кун тартибдаги асосий масалага айланди, десак муболаға бўлмайди. Бу нафақат оиладаги эр ва хотиннинг шахсий масаласи, балки келажак авлод тақдири эканлигини кўпчилик унутиб қўймоқда. Шу сабабли дунё давлатларида масъулиятли ота-оналик бўйича тадқиқотлар олиб борила бошланди. Таҳлилларга кўра Японияда оилада ота тарбияси масаласига алоҳида аҳамият берилган, АҚШда ажрашаётган ота-оналар болалар тарбиясида ҳамкорлик қилишга мажбурлиги белгиланган. Финляндияда эса, ота-онанинг оиладаги тарбияси бевосита таълим муассасаларидаги тарбия билан боғланган.

Шундай бўлса-да, жамиятда никоҳдан ажратиш масаласи, ажрашган оилалардаги болалар тарбияси, уларнинг моддий, маънавий таъминоти масалалари ҳамон долзарб. Никоҳнинг бекор қилиниши институти ҳар бир давлатнинг бу жараёни турлича ҳал этганлиги билан аҳамиятлидир. Яъни, ҳар бир давлат никоҳдан ажратиш тартибига ўзига хос ёндашувга эга.

Мамлакатимиз қонунларида эса оила, унинг мустақамлиги масаласига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан Конституциямизнинг 76-моддасида оила жамиятнинг асосий бўлини сифатида эътироф этилиб, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган. Шунингдек, никоҳ Ўзбекистон халқининг аънавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши қаролатилганлиги мустақамланган. Шу боис бу масалада судлар зиммасига катта масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида ёки эр ва хотиннинг ҳаётида улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Шунингдек, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатларининг ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкинлиги қонунчилигимизда белгиланган.

Вояга етмаган умумий болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади, аммо эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низолар мавжуд бўлганда бундай низолар суд тартибиде ҳал этилади.

Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ эса, никоҳдан ажратиш қўйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича, улар ўртасида вояга етмаган умумий болалар борлигидан қатъи назар ФХДЭ органларида амалга оширилади, агар эр-хотиндан бири суд томонидан: бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

руҳияти бузилган (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса. Қайд этилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда ФХДЭ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни рад этишга ҳақли эмас.

Аммо эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳолларда ҳам бундай низолар суд тартибиде ҳал этилади.

Агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЭ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса, никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЭ органлари ваколатига тааллуқли бўлса-да, у суд тартибиде амалга оширилади.

Спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан ажратиш масалалари ҳам ФХДЭ органларида ҳал этилмайди. Бундай шахсларга нисбатан берилган, шунингдек бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибиде амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масалалари ва тартиби миллий қонунчилигимизда аниқ мустақамлаб қўйилган, шунингдек, пленум қарорлари ҳамда бошқа қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибга асосан ҳал этилишига қарамай, ҳар бир алоҳида ҳолатда масаланинг барча томонлари суд томонидан пухта ўрганилиши лозим.

Шу ўринда, бошқа давлатлар қонунчилигида никоҳдан ажратиш масалалари қандай ҳал этилганлигига тўхталиб ўтамиз.

Давлатлар миллий қонунчилигига асосан, никоҳдан ажратиш суддан ташқари тартибда ёки (фақат) суд тартибиде амалга оширилиши мумкин. Никоҳдан ажратишнинг суддан ташқари тартиби вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан (Россия Федерациясининг ОК 19-моддаси 1-қисми, Озарбайжон Республикаси ОК 17.1-моддаси), шунингдек, мулкий низолари бўлмаганда (Қозғистон Республикаси ОК 35(1), 17-моддалари, Қирғизистон Республикаси ОК 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 42-моддаси) ёки фақат эр-хотиннинг ўзаро розилиги билангина (Арманистон Республикаси ОКнинг 15-моддаси) қайд этилиши оила қонунчилигида мустақамланган. Молдова ва Туркменистон давлатларининг қонунчилигида қўшимча талаб сифатида меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг таъминоти бўйича низоининг мавжуд эмаслиги ҳам келтириб ўтилган.

Тожикистонда эса 2006 йилга қадар никоҳдан ажратиш фақат суд тартибиде амалга оширилган. Шунингдек, қатор давлатларнинг қонунчилигида хотиннинг ҳомиладорлиги даврида ҳамда бола 1-3 ёшга етгунча даврда хотиннинг розилигисиз суд тартибиде ажратиш тақиқланган. Аксарият мамлакатлар қонунчилигида боланинг 1 ёшга тўлгунча бўлган даври назарда тутилган. Тожикистон Республикасининг Оила кодексига эса бу муддат 1,5 йилни ташкил этади ҳамда агар бола отанинг тарбиясида қолдирилган ва она бола парваришида иштирок этмаган бўлса, шунингдек, никоҳдан ажратиш ташаббуси хотиндан чиқаётган бўлса бу муддат қўлланилмаслиги белгиланган (17-модда).

Айрим давлатларда (Бельгия, Франция) суд тартибиде никоҳдан ажратиш жараёни икки босқични ўз ичига олади:

алоҳида яшаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори;

никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори.

Алоҳида яшаш тўғрисидаги суднинг қарори эр-хотиндан бирининг худди никоҳдан ажратиш тўғрисида тартиб ва шартларда берилган талаби бўйича чиқарилиши мумкин. Эр-хотиннинг алоҳида яшаш никоҳнинг бекор бўлишини келтириб чиқармайди, аммо бунда мулк бўлинади. Суднинг алоҳида яшаш тўғрисидаги қарори эр-хотин муайян вақтдан (3 йилдан 5 йилгача) кейин алоҳида яшашда давом этишса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарорга айланиши мумкин. Бу ҳам давлатларнинг никоҳга жиддий муносабатда бўлиши, масъулиятни талаб этидиган ўзига хос тартиб ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда никоҳдан ажратиш масалаларида вояга етмаган болалар ҳуқуқларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Масалан, Қозғистон Республикасида 2023 йилдан бошлаб никоҳдан ажратиш жараёнларида болалар манфаатлари ювенал судлар томонидан ҳимоя қилиш механизми амал қила бошлади.

Кўриниб турганидек, бошқа давлатлар ҳам ўз қонунчилигида никоҳни бекор қилиниши тартибини белгилаш билан бирга уни сақлаб қолиш, болалар манфаатларини инобатга олиш чораларини ҳам белгиланган.

Миллий қонунчилигимизга кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари, вақтинчалик келишмовчилик ва бошқалар) аниқланганда, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ва эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Эр-хотинни яраштириш мақсадида олти ойлик муҳлат ичиде ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдириш орқали ҳам уларга имконият яратилиши назарда тутилади. Бу даврда фарзандлар тарбияси ва таъминоти тўғрисида ҳам пухта ўйлаб олишга имконият бўлади.

Бу жараёнда эр-хотиннинг биргаликдаги (ёки ҳар бирининг) яшаш жойидаги фуқаролар йиғини яраштириш комиссиясининг иштироки ҳам назарда тутилган бўлиб, бу ҳам оилаларнинг ижтимоий ҳаётидаги беқийс аҳамиятини кўрсатиб беради. Мазкур жараёнларда яраштириш комиссияси, шу ердаги оқсоқоллар, обрўли кишилар аралашуви орқали оилани сақлаб қолиш тадбирлари қўйилади. Ҳозирги кунда эса оилавий медиацияни қўллаш масалалари ҳам самарали чора сифатида тилга олинмоқда. Ҳар бир оиланинг тинчлиги ва тотувлиги давлатимизнинг фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ экан, қонунчилигимизда оилаларни сақлаб қолишнинг пухта механизми амал қилиши ва такомиллашиб бориши ҳаётин заруратдир.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро суди судьяси.

“ГИЁХВАНДЛИК: ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ”

Гиёҳвандлик – афсуски бу сўз ҳозирда ҳар бир инсонга таниш бўлган иллатлардан биридир. Бу ҳозирда шунчалик авж олдики, юртимиз, балки жаҳон миқёсида кенг кўламли курашлар олиб борилаётган бир пайтда ҳам яшаб келаётгани одамнинг кўнглини хира қилади. Айниқса, бу иллат ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кўп учрайпти. Гиёҳвандлик сўзининг ўзига таъриф берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида унга қуйидагича таъриф берилган: “Гиёҳвандлик (наркомания) – гиёҳвандлик воситаларига рухий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик”дир. Бундан ташқари, ушбу моддада психотроп моддалар, препаратлар, гиёҳвандлик моддаларининг аналоглари ва бошқа тушунчалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ёшлар – юртимиз эртанги кунининг келажаги ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирда мамлакатимиз қонунчилигида бу иллат билан мurosасиз кураш кетмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сонли фармони ҳам бунинг яққол мисолидир.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи ниҳоятда долзарб ва мураккабдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси нафақат соғлиқ ва жамият учун хавф туғдиради, балки халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Аввало, наркотик моддалар савдосидан тушадиган маблағлар айрим радикал ва террористик гуруҳларнинг фаолиятини молиялаштиришга хизмат қилмоқда. Масалан, ИШИД каби ташкилотлар ноқонуний савдодан фойда кўргани ҳақида турли халқаро манбаларда қайд этилган. Бу ҳолат гиёҳвандлик муаммосини оддий жиноятчилик доирасидан чиқариб, глобал хавфсизлик даражасига олиб чиқади.

Шунингдек, гиёҳвандлик жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатади. У жиноятчиликнинг ортишига, оилавий низоларнинг кучайишига, меҳнат унумдорлигининг пасайишига ва соғлиқни сақлаш тизимида кўшимча юк тушишига сабаб бўлади. Натижада жамиятдаги барқарор ижтимоий муносабатлар бузилади, ёшлар орасида маънавий-ахлоқий қадриятлар заифлашади.

Шу боис бу муаммога қарши курашишда кенг қамровли ёндашув зарур. Профилактика тадбирларини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Реабилитация ва ижтимоий мослаштириш дастурларини ривожлантириш ҳам самарали натижа бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандликка қарши кураш фақат бирор ташкилот ёки давлатнинг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

“ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ АСОСИЙ ҚУРОЛ”

Жамиятда ҳалол муҳитни қарор топтириш ва адолат мезонларига амал қилиш орқали коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Шу билан бирга, ёш авлодда коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш жуда муҳим.

Коррупция – бу иллатга қарши ҳозирда юртимизда аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Бунинг исботи сифатида ҳозирда олиб борилаётган муҳим ислохотларни кўришимиз мумкин. Қонун устувор бўлган юртда эса адолат таъминланади ва албатта бундай жамиятда коррупцияга ўрин қолмайди. Адолат мавжуд бўлган тизимда ҳар қандай қарор шаффоф ва асосли қабул қилинади, бу эса ноқонуний манфаат излаш имкониятини камайтиради.

Коррупцияни бартараф этиш фақатгина қонунчилик чораларига боғлиқ эмас. Бу борада энг муҳим омиллардан бири — жамиятда соғлом ахлоқий муҳитни шакллантиришдир. Айниқса, ёш авлод тарбиясида ҳалоллик, масъулият ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Чунки бугунги ёшлар эртанги жамиятни барпо этувчилардир.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билган инсон коррупцияга нисбатан лоқайд бўлмайди, аксинча унга қарши фаол позиция эгаллайди. Давлат органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш эса жамият ишончини мустаҳкамлайди ва бу иллатнинг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳалоллик ва адолат коррупцияга қарши курашда энг кучли воситалардан биридир. Ушбу қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва амалда қўллаш орқали адолатли, барқарор ҳамда коррупциядан холи жамиятни шакллантириш мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳалоллик ва адолатни устувор деб билса, бу йўлда сезиларли натижаларга эришилади.

Жаҳонгир АЛИМБЕКОВ,

*жиноят ишлари бўйича
Мирзаобод туман судининг раиси.*

ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жабранувчига ёки унинг яқинларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш, уни нобуд қилиш ёхуд жабранувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш, жабранувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабранувчини ўзининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш йўли билан талон-торож қилиш товламачилик сифатида баҳоланиб, ушбу қилмишни содир этиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Нима сабабдан жиноят ҳуқуқида ўзгадан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабранувчини ўзининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш йўли билан талон-торож қилиш мустақил жиноят сифатида белгиланган¹, деган саволга жавобни мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин. Зеро, қилмишни криминализация қилиш тўғрисидаги масала юзасидан фикр билдирган олимларнинг кўпчилиги ҳар қандай жиноятнинг ажралмас белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатадилар¹.

Ижтимоий хавфлилик категорияси жиноят ҳуқуқи назариясида бир неча ўн йиллар давомида баҳсларга сабаб бўлиб келаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бунинг сабаби шундаки ижтимоий хавфлилик категорияси ҳақида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас.

Юридик адабиётларда ижтимоий хавфлиликнинг тузилиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик олимлар ижтимоий хавфлилик бу – тажовузни тавсифловчи барча белгиларнинг йиғиндиси, деб ҳисоблашади².

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг миқдор кўрсаткичи ҳисобланиб, етказилган зарарнинг даражаси, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноий ҳаракатнинг қай даражада амалга оширилганлиги (тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш ёки охирига етказилганлиги), бир неча киши томонидан биргалашиб содир этилганлиги, жиноятнинг содир этиш усули, жиноят содир этишда қурол ишлатилганлиги, айбнинг хусусиятлари каби омиллар ҳисобга олиниши мумкин³дир.

XX асрнинг 60-70 йилларида тадқиқот олиб борган П.С.Дагель⁴, В.Н.Кудрявцев⁵, К.Люттов⁶, П.П.Осиповларнинг фикрича жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қилмишнинг объектив мазмунидан келиб чиқади. Бундай фикрни қўллаб-қувватлаган А.С.Якубов ижтимоий хавфлиликнинг объектив хусусияти, жиноят содир этиш натижасида етказилган зарарнинг объектив хусусияти билан шартланади⁷, дейди.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг, ушбу қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатнинг ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлигидан иборатдир⁸.

М.Х.Рустамбаев жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг кенг тарқалганлиги билан белгиланиши⁹ тўғрисидаги фикрни илгари сурган.

Айрим олимлар шахснинг ижтимоий хавфлилигини қилмишнинг ижтимоий хавфлилик тизимига киритишга қаршилик билдиради. А.Д.Нечаевнинг фикрича биз шахс ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кўриб чиқишда уларни бир-биридан ажратган ҳолда ўрганишимиз керак, чунки жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги қилмиш содир этилишидан олдинроқ, бир қатор ҳолларда бевосита жиноят содир этиш вақтида шаклланади¹⁰. Бироқ, М.Абдусаломов ва Ю.М.Каракетовлар назарида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик тизимидан жиноятчининг шахсини чиқариб ташлаш ва ажратиш мумкин эмас¹¹. Фикримизча, шахс ижтимоий хавфлилигининг ўзи (хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист ҳолатларидан ташқари) ёки унда қандайдир жиноий қилмишни содир этиш истагининг вужудга келиши бирон-бир қандай жиноий-ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди. Шу сабабли ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши, яъни объектив ижтимоий хавфлилик, амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жиноий жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бошқа бир гуруҳ олимлар ижтимоий хавфлиликка жиноят таркибининг объектив ёки субъектив белгиларидан муайян бир қисмини киритишади.

Ю.Трунцевский қонун билан қўриқланадиган неъмат – ижтимоий муносабатлар, тажовуз ва оқибат ижтимоий хавфлиликни ташкил қилишини таъкидлайди¹². Л.М.Прозументов ҳаракатнинг мақсади, объектнинг ижтимоий аҳамиятини, рўй берган зарарли оқибатларнинг даражасини ижтимоий хавфлиликни ташкил этувчи белгилар қаторига киритади¹³.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан¹⁴ жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлик даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади¹⁵.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, товламачилик йўли билан талон-торож қилишнинг ижтимоий хавфлилиги уни бир вақтнинг ўзида мулккий муносабатларга, шахснинг эркин хоҳиш-иродасига ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиши билан изоҳланади. Мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси объектив ҳамда субъектив белгиларнинг ўзаро уйғунлиги асосида намоён бўлади. Шу сабабли товламачиликнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мустақил жиноят сифатида белгиланиши уни криминализация қилишнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан асосли эканлигини тасдиқлайди ҳамда мулк ҳуқуқларини самарали муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Абдулазиз БАБАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Гонтарь И. Категория “Общественная опасность” в уголовном праве: онтологический аспект // Уголовное право. – М., 2007. – № 1. – С. 16–19; Елифанова Е.В. Общественная опасность как научная категория, законодательная дефиниция: история и современность: монография. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 61; Умнова Ю.В. Общественная опасность в процессе уголовного преследования и правоприменения // Актуальные проблемы российского права. – 2011. – № 2. – С. 34.
- Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. – Т., 1997. – С. 15–16; Гулямов З. Х. Преступления против правосудия. – Т., 1996. – С. 8–9; Зарипов З. С., Кабулов Р. Квалификация краж, грабежей, разбоев, совершённых путём проникновения в помещение или иное хранилище. – Т., 1991. – С. 4; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий амалий шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 26.
- Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 2005. – Б. 72.
- Дагель П.С. Условия установления уголовной наказуемости // Правоведение. 1975. № 4. С. 67–74.
- Кудрявцев В.Н. Что такое преступление. – М., 1959. – С. 6–7.
- Люттов К. Содержание понятия “общественной опасности”. – В кн.: Вопросы уголовного права стран народной демократии. – М., 1963. – С. 216–238.
- Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 88.
- К.Р.Абдусаломов Уголовная ответственность за мошенничество: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Т., 1994. – С. 10.
- М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент, 2006. – Б. 321.
- А.Д.Нечаев. Концептуальные основы и теоретическое моделирование криминализации и декриминализации: дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2017. – С. 331.
- Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. – Т., 1997. – С. 15.
- Трунцевский Ю. Экономический правонарушение как объект посягательства и материальный признак преступления. // Уголовное право. – М., 2007. – № 2. – С. 72.
- Прозументов Л.М. Основание криминализации (декриминализации) деяний // Вестник Томского государственного университета. Право. 2014. № 4 (14). С. 81–90.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори: <https://lex.uz/docs/1455976>
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори [Электрон манба] <https://lex.uz/docs/1455976> (мувожаат қилинган вақт: 16.05.2021)

АТРОФ-ТАБИЙ МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОФИРЛАШТИРУВЧИ БЕЛГИЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг квалификация қилувчи ва оғирлаштирувчи белгилари, шунингдек, ушбу қилмиш учун белгиланган жазо чораларининг мутаносиблиги масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-боби, хусусан 193- ва 196-моддалари нормаларини ўрганиб, амалдаги санкциялар экологик жиноятлар натижасида етказилаётган реал зарар миқёсига мос келмаслигини, жазоларнинг юмшоқлиги профилактик функцияни тўлиқ таъминламаётганини асослаб берган. Экологик жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида Жиноят кодекси 196-моддасига “айбдор томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши”ни малакаловчи белгини киритиш ҳамда юридик шахсларнинг (ташкилотларнинг) жавобгарлиги механизмини жорий этиш бўйича илмий-назарий тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: экологик жиноятлар, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш, оғирлаштирувчи белгилар, квалификация қилиш, Жиноят кодекси 196-моддаси, жиноий оқибатлар, давомли жиноят, хизмат мавқеидан фойдаланиш, юридик шахслар жавобгарлиги, санкцияларни кучайтириш.

Бугунги кунда инсониятга хавф солиб турган экологик жиноятларнинг энг хавфли турлари қаторидан атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти ҳам ўрин олмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Қонунларни амалда қўллаш шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган жиноий жавобгарлик турлари ва даражалари кўп ҳолларда бундай жиноятлар оқибатида юзага келадиган экологик вайронагарчилик миқёсига мутаносиб эмас.

Ҳуқуқшунос мутахассислар асосли равишда жазоларнинг ортиқча юмшоқлиги муаммосини кўрсатадилар — белгиланган таъсир чоралари экологик зарар миқёсига нисбатан жуда кам аҳамиятли бўлиб, улар на жиноят-ҳуқуқий, на маъмурий нормаларнинг профилактик вазифасини самарали амалга оширишга имкон бермайди. Шундай экан ҳар бир давлат ўз аҳолисининг моддий таъминотини таъминлаш билан бирга унинг хавфсизлиги ва саломатлигини муҳофаза қилиш учун зарур чораларни ишлаб чиқиб, таъминлаши шарт.

ЖК 193-моддасининг умумий объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган табiiй муҳит билан боғлиқ эгология соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш жиноятининг бевосита асосий объекти атроф-табiiй муҳит хавфсизлиги, экологик хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Мазкур жиноятнинг қўшимча объекти инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатлар қиради. Бизга маълумки, ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилигида ҳамда алоҳида ҳолларда жиноят объектив томони факультатив белгилари зарурий ёки квалификацияловчи белги сифатида ўринга эга бўлиши билан муайян жиноят таркиби тузилишига кириши мумкин¹.

Жиноятнинг объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни ўзига хос “учлик” деб номлаш мумкин. Улар қуйидагилар ҳисобланади: Биринчидан, қилмишни малакаланишнинг зарурий белгиси сифатида унинг қонун нормасида тўғридан-тўғри эътироф этилиши. (Масалан, ЎзР ЖКнинг 196-200-моддалари ва бошқалар); Иккинчидан, қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби (объектив томони)нинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида ЖКнинг Махсус қисм моддаси оғирлаштирувчи қисмида эътироф этилиши. (Масалан, ЎзР ЖКнинг 196-моддаси 2-қисми). Учинчидан, жазо тайинлашда ЎзР ЖКнинг 55, 56- моддалари жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олинади. (Масалан, ЎзР ЖКнинг 55-модда 1-қисм “д”, “е” бандлари; ЎзР ЖКнинг 56-модда 1-қисм “д”, “и” бандлари ва бошқалар)² Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Экологик хавфсизлик нормалари талабларини бузиш моддий таркибли жиноят ҳисобланади. Инсоннинг

ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши тариқасидаги оқибатлар объектив томоннинг зарурий белгисидир. Атроф муҳитнинг ифлосланиши деганда, ҳўжалик ва бошқа фаолият, табiiй кўчнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки оғат оқибатида инсон соғлигига, табiiй экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф-табiiй муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган, ҳудуд шунингдек, сув ва ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади.

Атроф табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 196-моддасининг биринчи қисмида ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, иккинчи қисмида эса, ўша қилмишлар одам ўлимига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун чиқарувчи айнан ЖК 196-моддасининг “ўша қилмишлар одам ўлимига сабаб бўлса” деб белгиланган иккинчи қисмини мазкур моддадаги оғирлаштирувчи белги сифатида келтирмоқда. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар берилган. Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат, деб топиши мумкин эмас. Бундан ташқари, оғирлаштирувчи белги Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаслиги белгиланган.

Айнан Жиноят кодекси 196-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ўша қилмишлар одам ўлимига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд қилинган. Эътиборли жиҳати мазкур қисми жиноят кодексининг бошқа моддалари қисмлари сингари оғирлаштирувчи ҳолатни ифодаламасдан, балки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноят сифатида келган. Ушбу ҳолатни бошқа жиноятлардан фарқловчи асосий хусусият сифатида кўрсатсак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, ЖК 196-моддасининг диспозициясида келтирилган, (сув, ер, атмосфера) ҳар хил объектларга тажовуз қилинган қилмишни давомли ёки такрорий жиноят деб топиш масласини ҳал қилишда ҳам қилмишни малакалашда ҳам бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Чунки ЖКнинг 196-моддасидаги бир неча мустақил объектлар битта модда диспозициясида кўрсатилиши ва айнан бу объектларга тажовуз қилишда ўхшашликлар ёки бир вақтининг ўзида бир ҳаракат билан бир неча объектларга зарар етказилганда қилмишга ҳуқуқий баҳо берилишида қийинчиликларни туғдиради³. Фикримизча, бу масалаларни ҳал қилишда

Жиноят кодексининг умумий қисми қоидаларига асосланиш лозим. Жумладан, ЖКнинг 32-моддасида умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган. Масалан, шахснинг умумий қасди атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятини содир этишга қаратилган бўлиб, айрим ҳолда шахс мазкур модда талабини бузиб бир неча марта сувни ифлослантирди, бундай ҳаракатларга давомли жиноят эпизодлари сифатида қаралиши ҳамда моддаларнинг миқдори уларнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб аниқланиши лозим. Бундан кўрагина, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятида миқдор қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятларининг оғирлаштирувчи белгиларига ҳуқуқий баҳо бериш бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Ҳуқуқшунос Ю.А.Тимошенковнинг фикрига кўра "жиноятнинг оғирлаштирувчи белгиси бу – жиноятнинг хавфлилигини оширадиган ва жазони кучайтиришга асос бўладиган ҳолатлардир. Улар одатда жиноят қонунчилигида махсус нормаларда ёки умумий қисмида белгиланади"⁴.

Н.Г. Жаворонкова "жиноий оқибатлар" ва "ижтимоий хавфли оқибатлар" сўз бирикмаларини синоним сифатида қўлайди⁵ [28, 86-6].

М.Я. Колосенцева⁶ эса умумий ва жиноят таркибининг унсури сифатидаги оқибатларни бир-бирдан ажратишни таклиф қилган. Бунда у охириги деганда тажовуз объектида жиноий ҳаракатлар натижасида юзага келган ижтимоий хавфли ўзгаришларни назарда тутган. Унинг фикрича, қолган барча ҳолатлар айнан оғирлаштирувчи белги сифатида жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, балки жазо тури ва миқдорини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Биз М.Я. Колосенцеванинг фикрига қисман қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, жиноятнинг оғирлаштирувчи белгилари судлар томонидан ҳукм чиқаришда ва айбор шахсга жазо тури ва миқдори белгиланишда инobatта олиниши шарт. Худди шунингдек, биз тадқиқ қилаётган Жиноят кодекси 196-моддасининг атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг оғирлаштирувчи белгиларига қўйидагиларни киритиш мумкин.

Одамларнинг оммавий равишда касалланиши деганда, атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши, экологик хавфнинг вужудга келиши натижасида муайян бир ҳудудда кўпlab аҳолининг касалланиши тушунилади⁷.

Инсон ўлими деганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли экологик хавфсизлик нормалари ва қоидаларини бузиш, объектларнинг норматив ҳужжатларда белгиланган тартибларни бузиб қабул қилиниши натижасида муайян шахснинг вафот этиши тушунилади.

Экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши деганда, экологиянинг ифлосланиши, атроф-табiiй муҳит, ҳаво, сув, ер ости суви, ер, тупроқ ифлосланиши каби экологик муаммоларнинг юзага келиши тушунилади.

Бошқача оғир оқибатлар деганда эса экология, атроф-табiiй муҳит сифатининг эпидемия таҳдидини юзага келтирадиган дажаража ёмонлашуви, экологик авариялар, атроф-табiiй муҳитнинг бошқа салбий ўзгаришлари тушунилади.

Бундан ташқари, атроф-табiiй муҳит ифлосланиши жинояти таркибининг қўшимча (мажбурий бўлмаган) факультатив оғирлаштирувчи белгиси сифатида махсус субъектни киритиш мумкин. Бу белги ушбу жиноят содир этилган кўпlab ҳолатларда учрайди, аммо ҳар доим бўлиши шарт эмас. Бироқ, атроф-табiiй муҳит шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ифлослантирилиши содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини сезиларли даражада оширишини инobatта олиб, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг малакаланган таркиби, яъни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида "айбдор томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши"ни назарда тутиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид амалдаги жиноят-ҳуқуқий нормаларни ислоҳ қилиш тўпланган муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндашувни талаб этади. Қонун чиқарувчи ушбу тоифадаги жиноятларни ҳуқуқий

тартибга солишдаги зиддиятлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кенг қўлламли ишларни амалга ошириши зарур.

Тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак:

- *экологик жиноятлар таркибини ифодаловчи нормаларни стандартлаштириш;*
- *табиатга етказилган зарар учун турли жазо турларини тайинлашнинг аниқ ва тушунарли асосларини белгилash;*
- *экологик соҳада жиноят ҳуқуқининг жазолash салоҳиятини кучайтириш мақсадида санкцияларни комплекс қайта кўриб чиқиш.*

Бундан ташқари, ташкилотларни ҳам жавобгарликка тортиш механизмини жорий этиш орқали уларни эҳтимолий ҳуқуқбузарлар доирасига киритиш экологик жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш мавжуд жиноят-ҳуқуқий ҳимоя тизимининг асосий камчиликларини бартараф этиш ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатларга қарши самарали курашишни таъминлаш имконини беради.

Таърифланган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш эса илмий тадқиқотлар ва назарий ишланмаларга таянган ҳолда жиноят-ҳуқуқий нормаларни чуқур ва тизимли равишда ислоҳ қилишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-боби нормаларида назарда тутилган жазо чоралари экологик жиноятлар натижасида табиатга етказилаётган реал зарар миқёсига мос келмайди. Жазоларнинг ортиқча юмшоқлиги жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг профилактик ва превентив вазифасини самарали амалга оширишга имкон бермаяпти. ЖК 196-моддаси диспозициясида бир нечта мустақил объектларнинг (ер, сув, атмосфера ҳавоси) битта моддада жамланиши ва уларга бир вақтда зарар етказилиши қилмишни квалификация қилишда (айниқса, давомли ёки такрорий жиноятларни баҳолашда) қийинчиликлар туғдирмоқда. Хорижий давлатлар (МДҲ ва Европа Иттифоқи) тажрибаси шуни кўрсатадики, экологик жиноят таркибларини атроф-муҳит соҳалари ва компонентлари бўйича алоҳида моддаларга ажратиб стандартлаштириш қонунни қўллаш амалиёти самарадорлигига ижобий таъсир қилади. Шунингдек, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти содир этилган кўпlab ҳолатларда субъектнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини сезиларли даражада оширади. Шу сабабли, ЖКнинг 196-моддасига "айбдор томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши", деган янги квалификацияловчи (оғирлаштирувчи) белгини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ситора РАХИМОВА,

*Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ тергов бўлими терговчиси,
ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой и И. М. Тяжковой. – М.: ИКД "Зерцало-М", 2012. – С. 256.
2. Ф.Худайкулов. Жиноят таркибининг объектив томон факультатив белгилари жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида 2018 №3 Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили журналы.
3. Абдиров Н. Концептуальные проблемы борьбы с нарколизмом в Республики Казахстан (криминологические и уголовно-правовое исследование). – Алматы, 1998. – С. 112.
4. Тимошенко Ю.А. Конструирование уголовно-правовых норм об ответственности за экологические преступления: проблемы теории и практики-Диссертация., Москва-2019 г С-119.
5. Жаворонкова Н.Г., Агафонов В.Б. Теоретико-методологические проблемы правового обеспечения экологической, биосферной и генетической безопасности в системе национальной безопасности Российской Федерации // Lex Russica, 2019. № 9. С. 96.
6. Колосенцева М.Я. О подготовке стратегии экологической безопасности // Аналитический вестник. 2017. № 11 (668). С. 37.
7. Abdurasulova Q. General Description, Causes And Prevention Of Corruption Crimes //ProAcademy. – 2018. – Т. 1. – №. 4. – С. 5-8.

ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада мамлакатимиз иқтисодиётига ва одамларнинг мулкӣ ҳуқуқларига жиддий зарар етказишга сабаб бўлаётган ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, товламачилик жиноятлари ва улар натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлар ҳақида мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, товламачилик, мол-мулк, қиймат, Жиноят кодекси

Ўғирлаш деб, шахснинг ўз манфаати учун қонуний асоссиз, бепул равишда бошқалар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига олиш ёки ундан фойдаланиш ҳаракатлари тушунилади, бу эса мулк эгаси ёки бошқа соҳиб учун зарар келтиради (ЖКнинг 169-моддасига изоҳ).

Ўғирлашнинг тур объекти сифатида мулк, яъни комплекс иқтисодий-қонунчилик тушунчаси қабул қилинади, бевосита объекти эса мулкнинг аниқ шакли ҳисобланади. Зўрлик ишлатиб ва қасддан таҳдид қилиш икки объекти жиноятлардир. Улар учун қўшимча бевосита объектлар шахснинг тана соғлигининг бузилмаслиги ва саломатлиги ҳисобланади.

Ўғирлашнинг предмети – бошқалар мулки бўлиб, унга қуйидагилар киради:

- шахс меҳнати билан яратилган, моддий ва маънавий қийматга эга буюмлар ва бошқа моддий дунё предметлари;
- иқтисодий қийматга эга ва пулда ифодаланадиган буюмлар;
- пул, ҳар қандай турдаги мулкка эквивалент сифатида;
- номинал қийматга эга қимматли қоғозлар;
- пул ёки моддий қийматлар эквиваленти сифатида хизмат қилувчи ҳужжатлар.

Агар шахс мулк устида мулкчилик ҳуқуқини йўқотмаган ёки унинг бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқи мавжуд бўлса, уни олиб қўйиш тегишли тарзда мулкка нисбатан қонуний бўлмаган ҳаракат сифатида ёки ўзини-ўзи қонунсиз тартибга солиш сифатида баҳоланади.

Тупроқ ва табиий ресурсларга хусусий мулк ҳуқуқи белгиланиши билан улар товар вазифасини олиб, шу сабабли ўғирлаш предметида айланиши мумкин. Умумий қоидаларга кўра, дарахтлар (ҳуқуқи хусусий мулкда бўлмаса), табиий сув омборларидаги балиқ, фойдаланилмайдиган минераллар (ҳуқуқи хусусий мулкда бўлмаса) ва ҳ.к. ўғирлаш предмети саналмайди.

Баъзи предметлар, фуқаролик айланишидан тўлиқ ёки қисман олиб чиқилган ҳолда, ўз хусусиятлари туфайли жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг саломатлиги учун таҳдид бўлиши мумкин (курол, наркотик воситалар, психотроп ва радиоактив моддалар). Бу каби предметларнинг ўғирланишига тегишли моддаларга мувофиқ жазо чоралари кўрилади (ЖК 251, 252, 253, 254 ва 255-моддалар).

Агар ҳужум қилувчи шахс объектни тўлиқ талаб қилинган шартларда ва субъектив белгиларга эга ҳолда эгаллаб олса, бу ҳолат ҳам ўғирлаш сифатида баҳоланади ("ўғирланган нарсани ўғирлаш"). Бу ҳолат қонунбузарлик йўли билан олган мулкни мақтанчоқлик ва зўравонлик билан сотиб олишдан фарқ қилади: "ўғирланган нарсани ўғирлашда" янги ўғирловчи аввалги шахс иродасига қарши ёки қўшимча равишда мулкка эгалик қилади, холос. Қонунбузарлик йўли билан олган мулкда эса мулк янги шахснинг фактик эгалигига ўтади ва бу эса мулк учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Умумий қоидаларга кўра, ўғирлаш предмети ҳаракатланувчи мулк ҳисобланади. Бироқ бозор муносабатларига ўтиш билан, турар-жойлар, уйлар, дачалар, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа турар ва турар бўлмаган бинолар, ер ҳам молиявий алдаш орқали мулкни ўзлаштириш объектларига айланиши мумкин. Шу сабабли, ўз манфаати учун бошқаларнинг кўчмас мулкни ноқонуний эгаллаш мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланиши ҳам мумкин. Бу каби норма СССР РСФСР 1960-йилги ЖКда ҳам мавжуд бўлган (1482-модда, РФ Федерал қонуни 1994 йил 1 июлдан).

Ўғирлашнинг объектив томони аввало фаол ҳаракатлар билан тавсифланади – бу бошқалар мулкни қонуний асоссиз олиш ва (ёки) зўравон ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтириш ҳаракатлари ҳисобланади.

Бошқалар мулкни олиш – уни мулк эгаси ёки бошқа қонуний соҳибдан чиқаришни англатади. Масалан, жабрланувчидан буюмларни тортиб олиш, йўловчи бошидан шляпани олиб уни девор орқали ташлаш каби барча ҳаракатлар ҳам. Мулкни олиш эгаси ва унинг мулки ўртасидаги фактик боғланишни узади, лекин унинг мулкчилик ҳуқуқини буткул йўқотмайди.

Мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тақсимлаш бўйича жамият муносабатлари бузилади, мулк эгаси (ёки қонуний соҳиб) ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайди. Мулкни олиш мулк ҳуқуқи субъектлари (ёки бошқа қонуний эгалик ҳуқуқига эга шахслар) иродасига зид равишда амалга оширилади. Шу боис, мулкни олиш қонуний йўл билан бўлиши шарт албатта.

Иккинчи хусусият – текин, яъни маълум ҳақ эвасисиз олиш. Агар мулкни олиш бепул амалга оширилса ёки рамзий ёки номувофиқ қоплаш билан амалга оширилса у текин олинган ҳисобланади.. Хусусан, арзимайдиган нарсани бериш орқали алмаштириш ҳам шундай ҳисобланади.

Мулкни олиш, одатда, эгасидан ёки бошқа қонуний соҳибидан айбдорнинг фактик эгалигига ўтиш билан боғлиқ; масалан, ўғри автобус йўловчисидан пулли ҳамёни олиб қўяди ва уни кўлида ушлаб туради. Фактик эгалик айбдор томонидан мулкчилик ҳуқуқини яратмайди.

Ўғирлаш учун муҳим шарт шундаки, мулк эгасининг фондларидан олинган ва айбдорнинг фактик эгалигига ўтган мулк унинг ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтирилиши керак. Шу боис, ўғирлашда мустақил ҳаракат – мулкни айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтиришга олиб келган ҳаракатлар ҳисобланади. Бу эгалик хусусиятини ўзгартиришни, жиноятчида олинган мулкдан ўз хоҳиши бўйича фактик фойдаланиш ёки уни тақсимлаш имкониятини яратишни англатади, яъни айбдор ҳақиқатан ҳам мулкка эга бўлади.

Мулкдан фойдаланиш ёки уни тақсимлаш имконияти жиноятнинг амалга оширилиш шароитлари, ўғирланган мулкнинг хусусияти, унинг мақсади, ҳажми ва айбдорнинг ниятларига боғлиқ. Масалан, омбордан бир неча қутиларни автомашинага юклаб, уларни муҳофазали ҳудуддан олиб чиқиш мақсадида олиш – фактик фойдаланиш ва тақсимлаш имконияти йўқлигини кўрсатади. Аксинча, цехдан арақ флягасини олиб, уни ишхонада сақлаб, истеъмол қилиш мақсадида яшириш – фактик фойдаланиш имкониятини яратади. Биринчи ҳолда ўғирлаш тугатилмаган, содир этилган ҳаракат ўғирлашга уринув сифатида қўлланилади, иккинчисида эса жиноят тугалланади.

Шунингдек, агар мулк олинган бўлса ва айбдор уни ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки тақсимлаш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлса, ўғирлаш тугалланган ҳисобланади. Чунки мулк нафақат олинган ва айбдорнинг фактик эгалигига бўлган, балки унинг ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтирилган.

Ўғирлаш икки актдан иборат, яъни: мулкни олиш ва уни айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтириш. Бироқ, қонуний таърифдан кўрииб турганидек, жиноятнинг жамиятга хавфи томони шундаки, муайян шахс мулкни олади ёки уни айбдор ёхуд бошқа шахслар фойдасига йўналтиради. Бу ҳолат, масалан, жамоавий ўғирликда содир бўлиши мумкин.

Унда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси жамиятга хавфли ҳаракатнинг фақат бир қисмини бажаради. Яъни, бири мулкни олади, иккинчиси эса уни фойдаланиш ва тақсимлаш учун шароит яратиш бўйича ҳаракат қилади.

Тортиб олиш объектив томонининг хусусияти шундаки, мулкни олиш ёки уни айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтириш унинг мажбурий аломатлари эмас.

Ўғирлаш, умумий қоида бўйича, жисмоний таркибга эга жиноят ҳисобланади. Ўғирлашнинг объектив томони мажбурий аломати – бу жамиятга хавфли оқибатларнинг юзага келиши, яъни мулк соҳиби ёки бошқа қонуний эгаларига тўғридан-тўғри, ҳақиқий мол-мулкка зарар етказилиши. Ҳали олинмаган даромад эса етказилган зарарнинг миқдорини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Ҳақиқий зарар, жабрланувчининг молиявий манфаатларига етказилди, чунки у ўз ҳуқуқий асосда эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тақсимлайдиган мол-мулкдан маҳрум бўлади. Бу мулк эгаси "фондларидан" олинган ва айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтирилган, натижада эгасининг "фондлари" камайган.

Мол-мулк зарари тўғридан-тўғри ундаги мулкнинг қиймати билан ўлчанади ва унинг юзага келиши мулкнинг бепул (ҳаққи берилмасдан) олиниши ҳамда айбдор ёки бошқа шахслар фойдасига йўналтирилишининг натижаси ҳисобланади.

Ўғирлаш объектига айланган мулк қийматини аниқлашда унинг эгаси томонидан қўлга киритилган шароитлардан келиб чиқиб давлат, бозор ёки комиссия нархларига таяниш керак бўлади. Ўғирлаш натижасида юзага келган моддий зарар миқдорини аниқлашда эса, мулк қиймати зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган кунгача ҳисобга олингани ва кейинчалик суд ҳукми бажарилаётган пайтда индексация қилинишини ҳисобга олиш зарур.

Шу тарзда, жиноят содир этилган пайтдаги мулк қиймати содир этилган ҳаракатни квалификация қилишда ҳисобга олинади, зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги қиймат ва кейинги индексация эса ўзининг моддий зарарини қоплашда ҳисобга олинади.

Ўғирлашнинг объектив томони мажбурий аломатларидан бири ҳам – жиноят ҳаракати ва жиноят оқибати ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаси ҳисобланади.

Ўғирлашнинг субъектив томони тўғридан-тўғри қасд, манфаатли мотив ва манфаатли мақсад билан тавсифланади. Гап шундаки, гумонланувчи ўз фойдаси ёки бошқа шахслар фойдаси учун бошқа шахснинг мулкни олиш ва ундан фойдаланиш ҳаракатининг жамият учун хавфли табиатини аниқлайди, шунингдек, мол-мулкка зарар етказиш оқибати юзага келиши мумкинлигини ёки унинг ўзгармаслигини олдиндан кўра олади ва унинг юзага келишини хоҳлайди.

Манфаатли мотив – бу ички аниқланган, онгли равишда юзага келган ички ҳаракат бўлиб, у шахсни моддий эҳтиёжларини ҳуқуққа хилоф йўл билан – бошқа шахснинг мулкни олиш орқали қондиришга ҳаракат қилишидир.

Манфаатли мақсад – бу шахснинг ўзида юзага келган тасаввур бўлиб, унга кўра, бошқа шахснинг мулкни ўғирлаш натижасида у бу мулкка ҳақиқий эгалик қилиш ва ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имкониятини қўлга киритади: шахсан ишлатиш, алмаштириш, сотиш, совға қилиш, қарзни қоплаш учун бериш ва ҳ.к.

Ўғирлашнинг субъекти – ақли расо, жисмоний шахс бўлиб, у 14 ёшга тўлган бўлиши керак (ўғирлаш, талончиликда) ёки 16 ёшга тўлган бўлиши лозим (фирибгарлик, манфаатсиз фойдаланиш ёки растрата, махсус қийматга эга бўлган мулкни ўғирлашда).

Манфаатсиз фойдаланиш ёки растрата субъекти фақат қонуний-мажбурий аломатлардан ташқари қўшимча аломатларга эга бўлган шахс бўлиши мумкин – яъни махсус субъект.

Ўғирлик учун жиноят масъулияти қонун – қоидаларга мувофиқ жиноятнинг содир этилиш усулига қараб фарқланади, чунки у жамоат хавфсизлиги даражасига муҳим таъсир кўрсатади. Ўғирлик содир этилиш усулига кўра сирли, очиқ, зўравонликсиз, зўрлик билан, манфаатсиз фойдаланиш ёки растрата, фирибгарлик ёки ишонччи суистеъмол қилиш йўли билан содир этилиши мумкин. Ўғирликнинг содир этилиш усули қонун чиқарувчига ўғирликнинг қуйидаги шаклларини ажратиш имконини беради: ўғирлик, талончилик, босқинчилик, растрата, фирибгарлик.

Ўғирланган мулкнинг қийматига қараб қонун чиқарувчи унинг бир нечта турларини ажратади: оддий, салбий оқибат келтирган ва катта миқдорда зарар етказадиган. Бундай тафовут асоси миқдорий мезонга таянади. У – ўғирланган мулкнинг қиймати.

Фуқарога етказилган салбий оқибат унинг моддий аҳволи ҳисобга олинган ҳолда аниқланади, аммо у қонунчиликда белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги ёки ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўғирлик – шахснинг маънавий бузилиши ҳодисаси, ўзгаришнинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш, ўзлаштириб олишни аниқлашчи тушунча. Ўғри – юксак маънавият талаблари ва тамойилларини бузган киши сифатида қаттиқ қораланади. Унга инсоният тарихининг ҳамма даврларида ўта салбий ҳислат тарзида қаралади, жамият ва инсон ҳаётида ниҳоятда нохуш ҳолат ва оқибатларга сабаб бўлади. Кўп ҳолларда, моддий ва маънавий шаклларда намоён бўлади. Масалан, илм-фан, адабиёт ва санъатда учраб турадиган кўчирмачилик ўғирликнинг муайян тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўғирлик ва унинг қандай содир этилгани (қиссавурлик, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки такроран, хавфли рецидивист томонидан ё бўлмаса кўп миқдордаги мол-мулкнинг ўғирланиши, уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ва бошқа)га қараб жазо белгиланган (ЖК, 169-модда). Эс-ҳуши жойида бўлган 14 ёшга тўлган шахс ўғирлик шаклидаги ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг субъекти бўлиши мумкин. Кишилиқ даврларининг барча босқичларида ўғирлик ҳам дунёвий, ҳам диний нуқтаи назардан қораланган. Кўпчилик давлатларда ўғирлик шафқатсизларча жазоланган. Исломда ўғирлик содир этган киши қўрилган зарарнинг миқдорига қараб ҳадд, таъзир, сазойи, қамок, бирор аъзосини кесиш каби жазоланишдан ташқари охиратда гуноҳқор сифатида азобланиши ҳам таъкидланади.

Соҳиджон ЖҲҲҲҲ,

Ўзбекистон Республикаси Қриминология институтини мустақил тадқиқотчи-изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жураев, З.А., Қриминологическая характеристика краж и совершенствование их профилактики. "Юриспруденция, правосудие и государство актуальные вопросы теории и практики" сборник статей ВШИ Международной научно-практической конференции, состоявшейся 25 июля 2025 г.
2. Жураев, З.А., Ўғирлик - салбий ижтимоий ҳодиса сифатида, "Сисёатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали" (2181-3477) Жилд: 04 Нашр: 10 (2025).
3. Жураев, З.А., Ўғирликнинг қриминологик тавсифи ва унинг олдини олишни тақомиллаштириш. Шарҳ тарих, сисёат ва ҳуқуқ журнали issn: 2181-2780, Current Issue - Vol. 5 No. 11 (2025): Vol 05, Issue 11, 2025.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги Қонуни <http://www.lex.uz>
5. Жураев, З.А., Ўғирлик жиноятининг қриминологик хусусиятлари, "ODILLIK MEZONI" илмий-амалий, ҳуқуқий журнали, № 11/ 2025, 38-39 бетлар.
6. Емелькина, Н.Л., Жураев, З.А., Причины и последствия прибывтия трудовых мигрантов из Узбекистана в Российскую Федерацию с несовершеннолетними детьми. Наука и практика: актуальные вопросы, достижения и инновации. Сборник статей международной научно-практической конференции, состоявшейся 15 декабря 2024 г.
7. Астанов, И. Р., Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари: Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮУ, 2015. – Б. 139.
8. Абдурашудова, Қ.Р., Қриминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2008. – Б. 163.
9. Предоставление услуг полиции, часть межведомственного реагирования на гендерное насилие. Стандартные оперативные процедуры 2015/ УНФПА, East European Institute for Reproductive Health.
10. Мухторов, Ж. С., Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. дисс.-я. – Т., 2009. – Б. 114.

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят процесси фанида рақамли далилларнинг вужудга келиши тарихи ва ривожланиш босқичлари, шунингдек рақамли, виртуал излар борасида олимларнинг назарий қарашлари кўриб чиқилади. Рақамли далилларнинг асосини ташкил қилувчи электрон маълумотларнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг ўзига хос ҳуқуқий ва криминалистик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: рақамли далиллар, электрон маълумотлар, ахборот, моддий излар, виртуал ва рақамли излар, метамалумотлар.

Олимлар М.С.Сергеев ва Н.Г.Муратовалар электрон техник воситаларнинг шаклланишини ўрганган ҳолда, уларнинг ривожланишини беш босқичга бўлишган:

1. Суд-фототехник босқич (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми) – бу аслида алоҳида босқич бўлмаса-да, иккинчи босқичнинг шароити сифатида ажратиб кўрсатилган. Сабаби, бу даврда электрон техник воситалар мавжуд бўлмаган.

2. Техник босқич (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20 йиллари). Айнан шу ривожланиш босқичида электрон ахборотнинг илк шакллари пайдо бўлган. Бу босқич электрон ахборотнинг бир асрга яқин давом этган ривожланиш давридир. Ахборот ташувчилари – машиналар, перфокарталар ва перфоленталар пайдо бўлди. Ишотлаш жараёнида фото, аудио ва видеосуратга олиш усуллари фаол қўлланила бошланди.

3. Суд-криминалистик босқич (1920 – 1950 йиллар).

4. Суд-ҳужжатли босқич (1960 – 1980 йиллар)да ахборот ташувчиларнинг ривожланишида катта сакраш юз берди, бу эса электрон-ҳисоблаш машиналарнинг (ЭХМ) пайдо бўлишига сабаб бўлди.

5. Суд-электрон босқич (1990 йиллар – ҳозирги вақт). Мазкур давр жиноят процессининг ёзма шаклдан электрон шаклга ўтиши асосларининг вужудга келиши ва ишлаб чиқилиши билан аҳамиятлидир⁶.

Ўзбекистон процессуал қонунчилигида нисбатан яқинда қиритилган рақамли далил тушунчасининг пайдо бўлиши ва криминалистиканинг ажралмас бир қисми сифатида шаклланиш босқичларига назар солсак. Турли манбаларда мазкур тушунча 1970-1980 йилларда АҚШда, яъни компьютер қурилмалари ёрдамида жиноятлар содир этиш бошланган вақтда пайдо бўлганлиги қайд этилган. Бу борада муаллиф Casey E. ўзининг “Digital Evidence and Computer Crime. Academic Press. 2011” китобида мазкур термин биринчи маротаба 1986 йилда АҚШда қабул қилинган “Компьютер фирибгарлиги ва суиистеъмол қилиниши тўғрисидаги қонун” (Computer Fraud and Abuse Act)да расман ишлатилганлигини қайд этган. Шунингдек, 1984 йилда АҚШнинг Федерал Тергов бюроси (FBI) ўзининг таркибида компьютерлардан далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган электрон маълумотларни аниқлаш ва тўплаш бўйича махсус “Компьютер криминалистикаси бўлими”ни ташкил қилган. Бу бўлим криминалистика тарихида биринчи рақамли далилларни сақлаш ва таҳлил қилиш стандартларини ишлаб чиққан⁷. Муаллиф Sammons J.нинг фикрича, рақамли далиллар тушунчасининг юридик таърифи 1990 йилларгача тўлиқ шаклланмаган. Интернетнинг ривожланиши билан рақамли далиллар, соҳадаги қонунлар ва стандартлар аста-секин такомиллашишни бошлаган. 1993 йилга келиб “Кибертергов”

(Cyber Forensics) соҳаси расман криминалистиканинг янги йўналиши сифатида таърифланди. Бунда биринчи мобил қурилмалар ва серверлардан электрон маълумотларни олиш методикалари ишлаб чиқилган⁸. 1998 йилда эса “Solar Sunrise” хакерлик ҳужумида АҚШнинг асосий энергетика тизимларини ишдан чиқаришга қаратилган ҳужум учун 14 ёшли болалар жавобгар бўлишган. Бу ишда биринчи марта айбдор шахслар томонидан фойдаланилган ахборот қурилмаларнинг IP-манзиллари аниқланган ва улар рақамли далил сифатида фойдаланилган⁹. 2001 йил 11 сентябрь куни амалга оширилган бир қатор террористик ҳужумлардан кейин электрон почта ва GPS маълумотлари террористларнинг алоқаларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. Бу вақтда, яъни 2001 йил октябрь ойида АҚШда “Patriot Act” федерал қонуни қабул қилиниб, унга кўра масъул ҳуқуқ тартибот идораларининг рақамли далилларни тўплаш борасидаги ваколатлари кенгайтирилган¹⁰.

Жиноят процесси иштирокчилари бўлган терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи ва терговчининг жиноят изларини аниқлаш, жиноят содир этилиш механизмини тасаввур қилиб, улардан керакли маълумотларни олиш ва уларни жиноят иши материалларига қонунда белгиланган жиноят-процессуал шаклда қайд этиб бориш мажбурияти ўзгаришсиз қолган.

Мисол учун, агар маънавий излар (идеал излар) тўғрисида гапирилса, улар даставвал жиноятнинг бевосита иштирокчилари ва шохидларининг онгида акс этмоғи лозим. Сўнгра, ўтказиладиган тегишли тергов ҳаракатлари доирасида олинган кўрсатмалар масъул жиноий-процесс иштирокчиси томонидан жиноий-криминалистик аҳамиятга эга ёхуд эга эмаслиги жиҳатидан текширилади. Бу ахборот, жиноий иш бўйича далилларга айланиши мумкин.

Моддий излар эса (материал излар) борлиқдаги турли объектларда ўз аксини топган ҳолда маънавий излардан фарқли ўлароқ, жиноят процессида ишотлашга масъул бўлган иштирокчилар томонидан дастлаб аниқланиши, қайд этилиши, олиб қўйилиши ва фақат шундан сўнг улар жиноий-криминалистик аҳамиятга молик, деб ҳисобланиши лозим. Батафсил кўздан кечирилиб, процессуал тартибда расмийлаштирилган ва қонунда назарда тутилган процессуал қарор қабул қилингандан сўнг, бундай излар далил мақомини олиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 206, 207-моддалари).

Виртуал ва рақамли изларга келганда, уларнинг пайдо бўлиш жойи доимо “кибермакон” деб аталувчи сунъий муҳит бўлиб, уларнинг сақланиш жойи эса қандайдир электрон қурилманинг хотираси ҳисобланади¹¹. Шу муносабат билан, унда сақланган

жиноий-криминалистик аҳамиятга эга маълумотлар ҳам тегишли тартибда расмийлаштирилиши керак. Мазкур маълумотлар сақланган электрон ахборот ташувчи восита эса “ашёвий далил” мақомини олиши учун шахсий идрок призмаси орқали текширилиши зарур.

Агар идеал ва моддий жиноий излар тергов ва суд амалиёти учун анчадан бери аён бўлса, виртуал ва рақамли излар тадқиқотчилар учун илмий изланиш предметиға айланган. Бу ҳолат электрон ва рақамли далилларга бўлган қизиқишнинг пайдо бўлишини тўла қутилган тарзда белгилаб берди. Жиноий ҳодиса ҳақида маълумот берувчи ҳар қандай электрон маълумотларни тўплаш, уларни рақамли далил сифатида баҳолаш, текшириш, сақлаш ҳамда уларни судга тақдим этишни ўз ичига оладиган рақамли криминалистикани ривожлантириш ҳамда махсус билимлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 240¹-моддаси билан рақамли далиллар тушунчаси мустақамланган бўлса-да, ҳозирги ҳуқуқий адабиётларда энг кўп муҳокама этилаётган тушунчалардан бири – мазмунан бир хил, лекин шартли равишда бир-биридан ажратилган “рақамли далиллар”, “электрон далиллар”, “рақамли (электрон) далиллар” дир. В.Б.Вехов “электрон далиллар” иборасини афзал кўриб, уларни жиноят процессида белгиланган тартибда суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи томонидан жиноий иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини, шунингдек, жиноий иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни аниқлаш учун асос бўладиган электрон шаклдаги ҳар қандай маълумот, хабар ва маълумотлар сифатида таърифлайди¹².

Мазкур терминлар масаласини ўрганишнинг долзарблиги шундаки, норматив бирликнинг мавжуд эмаслиги қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- бир жиноят иш бўйича далилларни тўплаш жараёнида бир хил маълумотнинг турли далил турларига қайта таснифланиши. Яъни, бир электрон ахборот асосида бир нечта далил турларини яратиш имконияти пайдо бўлади. В.А.Лазарева бу салбий оқибатнинг моҳиятини шундай изоҳлайди: “далил турларининг сунъий равишда кўпайишига ва уларнинг мажмуи мавжудлиги ҳақида нотўғри тасаввурларга олиб келади. Жиноят иши ҳужжатларида бир хил ахборотнинг турли шаклларда қайд этилиши имконияти юзага келади. Бу ҳолатда бир нечта “яратилган” далиллар мавжуд бўлса-да, аслида далиллар сони кўпаймайди: жиноят ишида бир манбадан олинган ахборот қайта-қайта қайд этилган ҳолда қолади”¹³;

- далил турининг нотўғри таърифи тегишли турдаги далилларни тўплашнинг жиноят-процессуал шакли бузилишига олиб келиши мумкин, бу эса объектив равишда электрон маълумотларни ўз ичига олган далилларни номақбул деб топилиши хавфини тугдирди;

- электрон ахборотни ўз ичига олган далилларни баҳолаш жараёнида анаъанавий далил турларини текшириш усулларининг етарли эмаслиги.

Ўз навбатида, М.О.Медведева “далилларнинг электрон шакли”-ни “матнли, график, аудио, видео маълумотларни ва (ёки) уларнинг уйғунлашган кўринишини ўз ичига олган файл” сифатида тушунишни тақлиф этади¹⁷.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз Н.В.Олиндер ва П.Г.Марифациннинг фикрларига қўшилган ҳолда Ўз.Р. ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисми, 204²-моддаси 1-қисмида “рақамли далиллар”га аниқ таъ-

риф берилганлиги, шунингдек, Ўз.Р. ЖПКнинг 204¹-моддасида электрон маълумотлар тушунчаси алоҳида қайд этилганлиги сабабли, “рақамли далиллар” иборасининг қўлланилиши процессуал тўғри эканлигини ҳамда рақамли далиллар электрон маълумотларни ўз ичига олишини таъкидлаймиз. Шу билан бирга, жиноят-процессуал қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда олинган, текширилган ва далиллар мақбуллиги талабларига жавоб берувчи электрон маълумотлар тегишли қарор чиқарилгандан сўнг, рақамли далиллар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Р.И.Оконенконинг таъкидлашича, электрон маълумотлар қуйидаги муҳим ҳуқуқий хусусиятларга эга:

- электрон ахборот ташувчилар катта миқдордаги электрон маълумотларни сақлаш имкониятига эгалиги;
- электрон оммавий ахборот воситаларида мавжуд бўлган маълумотларни деформациясиз нусхалаш қулайлиги;
- электрон маълумотларнинг уларни ўзгартириш ва йўқ қилиш қулайлиги нуктаи назаридан заифлиги;
- маълумотни қурилма хотирасида ҳам, Интернетда ҳам, бошқа ахборот ва телекоммуникация тизимида ҳам сақлаш қобилияти;

- маълумотнинг баъзи қисми латент (яширин) ҳолатда бўлиб, фақат компьютер соҳасида махсус билимга эга шахсларгина ундан тўла ҳажмда фойдалана олишади. Бундай маълумотларга фойдаланувчи амаллари ҳақида муҳим ахборотни ўз ичига олган мета-маълумотлар киради¹⁸.

Юқорида келтирилган белгиларни инобатга олган ҳолда, электрон маълумотнинг асосий хусусияти — уни фақат махсус техник воситалар ёрдамида идрок этиш мумкинлигидир, деган хулосага келиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, электрон маълумот — бу жиноятни тергов қилиш учун аҳамиятга эга бўлган, рақамли форматда ифодаланган ва фақат техник воситалар ёрдамидагина кўриб чиқилиши мумкин бўлган маълумотдир.

Нодирхон НАЖМИТДИНОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

5. Зуев С. В. Информационное обеспечение уголовного процесса : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09. Омск, 2002. С. 31.
6. Муратова Н.Г., Сергеев М.С. Правовое регулирование применения электронной информации и электронных носителей информации в уголовном судопроизводстве: отечественный и зарубежный опыт: монография / под ред. канд. юрид. наук М. В. Беляева. М., 2019. С. 19.
7. Casey, E. (2011). Digital Evidence and Computer Crime. Academic Press. ISBN 978-0-12-374268-1.
8. Sammons, J. (2015). The Basics of Digital Forensics. Syngress. ISBN 978-0-12-801635-0.
9. Denning, D. (1999). Information Warfare and Security. Addison-Wesley. ISBN 978-0-201-43303-.
10. National Commission on Terrorist Attacks, 2004, 6. 320.
11. Переверзева Е.С., Комов А.В. Виртуальные и цифровые следы: новый подход в понимании // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2021. № 1 (89). С. 172–178. doi: 10.35750/2071-8284-2021-1-172-178.
12. Вехов В.Б. Электронные доказательства: проблемы теории и практики // Правопорядок: история, теория, практика. 2016. № 4 (11). С. 46–50.
13. Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе: учебник для бакалавриата и магистратуры 5-е изд., перераб. и доп. М., 2016. С. 65.
17. Медведева М. О. Уголовно-процессуальная форма информационных технологий: современное состояние и основные направления развития: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. М., 2018. С. 12.
18. Оконенко Р.И. Электронные доказательства и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации. М., 2016. С. 9-11, 122-124.

ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада талаба-ёшлар ўртасида гиёхвандлик ва психотроп моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилги конвенциялари ҳамда UNODC/WHOнинг 2018 йилги халқаро стандартлари асосида назорат ва профилактика механизмлари қиёсий ўрганилган.

Калит сўзлар: гиёхвандлик, психотроп моддалар, ноқонуний муомала, профилактика, талаба-ёшлар, талабалар муҳити, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, халқаро конвенциялар, Жиноят кодекси, ҳуқуқий маданият, таълим муҳити, миллий стратегия.

Талаба-ёшлар мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ва стратегик тараққиётининг асосий ресурси ҳисобланади. Уларнинг соғлом тафаккури, ижтимоий барқарорлиги ва ҳуқуқий маданиятини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бироқ, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонуний муомаласи талаба-ёшлар соғлиғига жиддий зарар етказиб, таълим жараёнининг самарадорлигини пасайтирмоқда ва жамият хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу сабабли, мазкур соҳада тизимли профилактикага оид илмий-ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўз ичига олган ўсимликларни ноқонуний етиштириш, парвариш қилиш ва йиғиб олиш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда қилмишнинг ижтимоий хавфлиликлари даражаси, содир этиш усули ва оқибатлари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида гиёхвандлик воситалари сифатида махсус рўйхатга киритилган ва давлат томонидан назоратга олинган, гиёхвандликни келтириб чиқарувчи синтетик восита (препарат)лар ва ўсимликлар кўрсатилган.

Жиноят кодексида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур жиноятлар жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи қилмишлар қаторига киради.

Хусусан, Жиноят кодексининг 270-моддасида тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, 271-моддада гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноят деб белгиланган.

273-моддада эса гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, бу каби ҳаракатлар аҳолининг айниқса ёшлар қатлами ўртасида салбий иллатларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, 274-моддада гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ҳамда психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш, шунингдек, шахсларни ушбу моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий механизм сифатида эътироф этилади. Мазкур норма орқали нафақат ноқонуний муомалани кенгайтирувчи ахборот ва ташвиқот фаолиятига чек қўйиш, балки жамиятда гиёхвандликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, ушбу модда

профилактик аҳамият касб этиб, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмолининг ижтимоий илдизларини барта-раф этишга хизмат қилувчи комплекс ҳуқуқий чоралар тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шунингдек, 275-моддада гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жамият саломатлиги ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланади. Мазкур соҳада белгиланган талаб ва стандартларга риоя этмаслик ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласига шароит яратиб, уларнинг назоратсиз тарқалишига олиб келиши мумкин. Шу боис, қонунчиликда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг белгиланиши нафақат ҳуқуқий тартибни таъминлашга, балки гиёхвандликка қарши курашишнинг самарали профилактик механизмларини шакллантиришга хизмат қилади.

Жиноят кодексининг 274 ва 276-моддалари гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ҳамда психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турли кўринишларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқ, бироқ ҳуқуқий табиати жиҳатидан фарқланувчи нормалар ҳисобланади. Хусусан, 274-модда мазкур моддаларни тарғиб қилиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки истеъмолга жалб этиш каби ахборот-таъсир хусусиятига эга ҳаракатларни қамраб олса, 276-моддада гиёхвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш каби бевосита муомалага оид ҳаракатлар жиноят сифатида баҳоланади.

Илмий нуқтаи назардан ёндашилганда, 274-модда кўпроқ превентив (профилактик) функцияни бажариб, жамиятда гиёхвандликнинг оммалашувига олиб келувчи ахборот ва психологик таъсир механизмларини чеклашга қаратилган бўлса, 276-модда эса гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашишда репрессив (жазоловчи) функцияни амалга оширади. Шу жиҳатдан мазкур нормалар ўзаро бир-бирини тўлдириб, гиёхвандликка қарши курашишнинг комплекс ҳуқуқий механизминини шакллантиради.

Айниқса, 276-модданинг муҳим квалификациян белгиси сифатида ўтказиш (сотиш) мақсадининг мавжуд эмаслиги алоҳида аҳамият касб этади, чунки айнан шу мезон орқали мазкур жиноят таркиби бошқа ўхшаш ҳуқуқбузарликлардан фарқланади. 274-моддада эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, асосан, шахсларни гиёхвандликка жалб этиш орқали жамиятда салбий ижтимоий муҳитни шакллантириш хавфи билан белгиланади.

Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни

ҳуқуқий баҳолашда жиноят предмети аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ушбу турдаги жиноятларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар" тушунчаси амалдаги Жиноят қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида талаба ёшларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва ривожланиши масалалари комплекс норматив-ҳуқуқий база асосида тартибга солинади. Ушбу тизим конституциявий нормалар, махсус қонунлар ҳамда тармоқ кодекслари орқали шакллантирилган.

Аввало, талаба ёшларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан келиб чиқади. Хусусан, Конституциянинг тегишли моддасида ҳар бир шахснинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланади. Мазкур нормалар талаба ёшларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Уларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлари "Таълим тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат фуқароларнинг узлуксиз таълим олиш ҳуқуқини таъминлайди, олий таълим тизимида тенг имкониятлар яратади ҳамда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради. Шунингдек, қонунда академик эркинлик, таълим сифати ва талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ҳам мустақамланган.

Талаба ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси масалалари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғриси"даги Қонунда батафсил ёритилган. Мазкур қонунда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Айниқса, талаба ёшларни гиёҳвандлик, экстремизм ва бошқа салбий ижтимоий омиллардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, талаба ёшларнинг айрим ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодекси орқали ҳам тартибга солинади. Жумладан, Меҳнат кодексида ўқиш билан бирга ишлаётган талабалар учун имтиёзлар ва меҳнат шароитлари назарда тутилган. Маъмурий ва жиноят қонунчилиги эса талабаларни турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ўзлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалаларини белгилайди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2025 йил 6 майдаги "Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-73-сонли ҳамда 2025 йил 3 ноябрдаги "Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-207-сонли Фармонлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Илғор хорижий тажриба, халқаро, шу жумладан БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди. Миллий стратегия доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда "гиёҳвандликка қарши иммунитет"ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга мурасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан

тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий профилактик механизмларни жорий этиш мақсадларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда уларнинг аналоглари ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий қонунчиликни янада ривожлантириш зарур. Хусусан, мазкур соҳада давлат ва нодавлат субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, уларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаш ҳамда профилактик фаолиятни тизимли асосда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган нормаларни амалиётда самарали қўллашни таъминлаш, хусусан, барча давлат органлари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари зиммасига гиёҳвандликка қарши тарғибот, ҳуқуқий тушунтириш ишлари ҳамда ёшлар ўртасида "профилактик иммунитет"ни шакллантириш бўйича аниқ вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, таълим ташкилотларида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш бўйича махсус ўқув модулларини жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла институтлари ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликни кучайтириш орқали комплекс профилактик тизимни шакллантириш лозим.

Мазкур чора-тадбирлар талаба-ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ситора САИДОВА,

ИИБ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations. (1961). Single Convention on Narcotic Drugs, 1961. United Nations. https://www.unodc.org/pdf/convention_1961_en.pdf.
2. United Nations. (1971). Convention on Psychotropic Substances, 1971. United Nations. https://www.unodc.org/pdf/convention_1971_en.pdf.
3. United Nations. (1988). United Nations Convention against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances, 1988. United Nations. https://www.unodc.org/pdf/convention_1988_en.pdf.
4. United Nations Office on Drugs and Crime & World Health Organization. (2018). International standards on drug use prevention (2nd ed.). United Nations Office on Drugs and Crime. https://www.unodc.org/documents/prevention/UNODC-WHO_2018_prevention_standards_E.pdf.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkotikoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni, 3 noyabr. <https://lex.uz/ru/docs/-7818774>
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil. "O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo'yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni 6 may 2024 yil. <https://lex.uz/ru/docs/-6912475>
8. O'zbekiston Respublikasi. Jinoyat kodeksi (Adolat nashri). <https://lex.uz>
9. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi – 50-modda (ta'lim olish huquqi).
10. Ta'lim to'g'risida qonun –1, 5, 9.-moddalar.
11. Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida qonun – 13, 14, 20-moddalar.
12. O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi – 241–245-moddalar (o'qiyotgan shaxslar uchun imtiyozlar).
13. Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeks hamda Jinoyat kodeksi – yoshlar huquqbuzarligi va javobgarlik normalari.
14. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. (2002). 3-jild. Gidrofloriya – zebiralr. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti.
15. O'zbek tilining izohli lug'ati. (n.d.). Giyohvand. <https://izoh.uz/word/giyohvand> (Murojaat sanasi: 30.04.2026).

ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА ТЎҚИМАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ МУАММОЛАРИ

Жиноятларни тўғри малакалаш мураккаб мантиқий ва ҳуқуқий жараён бўлиб, у содир этилган қилмишнинг барча фактик ҳолатларини чуқур таҳлил қилишни, унинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлашни талаб этади. В.Н. Кудрявцев таъкидлаганидек, квалификация қилиш — бу қилмишга юридик баҳо бериш ва унинг аломатларини акс эттирувчи жиноий-ҳуқуқий нормани аниқ кўрсатишдир¹. Шу боис ҳам бу жараёнда хатога йўл қўйиш жиноят қонуни нормаларининг нотўғри қўлланилишига, одил судловнинг бузилишига, айбдор ва жабрланувчининг ҳуқуқларига путур етишига олиб келиши мумкин. Айниқса, ўхшаш ташқи белгиларга эга бўлган қилмишларни фарқлашда субъектив томон ёки жиноят объектини нотўғри баҳолаш квалификация хатоларининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади².

Шу нуқтаи назардан, инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарининг ноқонуний айланмасига оид жиноятларни квалификация қилиш алоҳида мураккаб касб этади. Чунки мазкур қилмишлар кўп ҳолларда ўзаро боғлиқ бир нечта жиноят таркиблари — мажбурлаш (ЖК 115¹-м.), тартибни бузиш (ЖК 133-м.), олди-сотди (ЖК 133¹-м.) ва хорижга олиб чиқиш (ЖК 133²-м.) билан биргаликда намоён бўлади ҳамда уларнинг чегарасини аниқ ажратиш ҳар доим ҳам осон эмас. Амалиётда бу қилмишлар кўп босқичли, трансмиллий ва уюшган характерга эга бўлиб, сохта ҳужжатлар тайёрлаш, донор топиш, молиявий келишувлар ва чегара орқали ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хусусан, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш билан боғлиқ жиноятни (ЖК 115¹-модда) малакалаш масалалари амалиётда ҳам илмий адабиётларда ҳам етарлича баҳсли ва мураккаб ҳисобланади. Мазкур жиноят таркибининг марказий элементи бўлган “мажбурлаш” тушунчасининг мазмуни ягона талқинга эга эмаслиги амалиётда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқаради. В.И. Зубкова ҳамда С.С. Тихоновалар мажбурлашни фақат зўрлик

ёки уни қўллаш таҳдиди билан боғласа³, А.И. Лёвина уни кенгроқ тушуниб, таҳдид, ваъда, ҳатто моддий рағбатлантириш каби таъсир усулларини ҳам қамраб олишини таъкидлайди⁴. Бироқ бизнинг назаримизда, ваъда, пул таклифи ёки алдаш каби ҳолатлар шахсни ўз иродасига қарши эмас, балки манфаат таъсирида ҳаракат қилишга олиб келади, шу боис уларни мажбурлаш сифатида баҳолаш тўғри эмас. Яъни, ЖК 115¹-моддасида назарда тутилган мажбурлаш фақат шахс иродасини бевосита чекловчи, яъни зўрлик ёки уни қўллаш таҳдиди орқали амалга оширилган таъсирни қамраб олиши лозим.

Аммо, мазкур норма доирасидаги муаммолар тўлиқ бартараф этилган, деб ҳисоблаш учун асослар етарли эмас. Яъни, бизнингча, таҳлил қилинаётган моддада мажбурлаш усулларининг диспозицияда чекланган тарзда — фақат зўрлик ишлатиш ёки уни қўллаш билан қўрқитиш орқали ифодалангани амалиётда муайян ҳуқуқий бўшлиқни юзага келтиради. Чунки шахсни трансплантация учун розилик беришга мажбурлаш фақат бевосита жисмоний таъсир ёки очик таҳдид орқали эмас, балки руҳий босим, ижтимоий қарамликдан фойдаланиш, манипуляция, ахборот асимметрияси ёки вазиятли устунлик орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари трансплантацияси соҳасида амалда зўрликсиз, бироқ иродага билвосита таъсир этувчи манипуляция, ахборот асимметрияси ёки вазиятли устунлик орқали мажбурлаш ҳолатлари суд амалиётида қайд этилмаган. Бироқ, бу каби ҳолатлар умуман учрамайди, деган хулосага келиш ҳам асосли эмас. Чунки, трансплантация муносабатларининг табиати, донор ва реципиент ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги ҳамда айрим шахсларнинг ижтимоий ночорлиги бундай ноанъанавий таъсир усуллари пайдо бўлиши эҳтимолини истисно этмайди. Масалан, шахсни қариндошининг ҳаёти билан боғлиқ эмоционал босим орқали қарор қабул қилишга ундаш, тиббий хавфлар ҳақида нотўғри ахборот бериш орқали розиликни шакллантириш ёки хизмат мавқеи ва иқтисодий қарамликдан фойдаланиб билвосита



босим ўтказиш каби ҳолатлар ташқи жиҳатдан ихтиёрий кўринган розиликка олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан бундай ҳолатлар амалиётда ҳозирча кенг тарқалмаган бўлса-да, уларнинг юзага келиш эҳтимоли мавжуд эканини инобатга олиш ва квалификацияда “эркин ирода” мезонини устувор аҳамиятга эга деб баҳолаш илмий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Илмий тадқиқотларда асосли равишда қайд этилганидек, мазкур жиноятнинг моҳияти айнан донор розилигининг эркин ва ихтиёрий бўлмаслигида намоён бўлади. Яъни, шахсдан аъзо ёки тўқима олишда формал розиликнинг мавжудлиги етарли эмас, балки ушбу розиликнинг эркин иродага асосланган, англаган ва ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга⁵.


Шу нуқтаи назардан ЖК 115¹-моддасини қўллашда квалификация мезони сифатида “розиликнинг мавжудлиги” эмас, балки “розиликнинг ихтиёрийлиги” устувор аҳамият касб этиши лозим. Агар шахснинг розилиги унинг эркин иродасига зид ҳолда, яъни ижтимоий босим, қарамлик ёки бошқа таъсирлар остида шаклланган бўлса, бундай розилик юридик аҳамиятга эга эмас, деб эътироф этилиши ва қилмиш мазкур модда доирасида малакаланиши шарт. Ушбу ёндашув, бир томондан, жиноят таркибининг ҳақиқий мазмунини тўғри очиб беришга хизмат қилса, иккинчи томондан, амалиётда учрайдиган “формал розилик” орқали жавобгарликдан қочиш ҳолатларини бартараф этишга имкон яратади. Демак, ихтиёрийлик мезонини марказий квалификация белгиси сифатида эътироф этиш мазкур нормани қўллашда ягона ва илмий асосланган ҳуқуқий ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу боис, модда диспозициясида назарда тутилган “зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш” каби чекланган доирадаги ифода ўрнига мажбурлашнинг мазмунини кенгроқ ва аниқроқ ифодаловчи қуйидаги таҳрирни қўллаш мақсадга мувофиқ:

“Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа ноқонуний таъсир чоралари орқали унинг эркин иродасини чеклаш йўли билан уни ўз аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация мақсадида олишга розилик билдиришга мажбур этиш”.

Ўтказилган сўров натижалари ҳам ушбу хулосани тасдиқлайди: респондентларнинг 72,4 фоизи инсон аъзоларини беришга розилик айрим ҳолларда тўғридан-тўғри зўрликсиз, балки ижтимоий босим ёки вазият таъсирида шаклланиши мумкинлигини қайд этган; 64,1 фоизи тиббий соҳада нотўғри ахборот донор қарорларига таъсир кўрсатиши эҳтимолини тан олган; 58,7 фоизи эса хизмат ёки иқтисодий қарамлик шароитида берилган розиликни тўлиқ ихтиёрий деб баҳолаш қийин эканлигини билдирган⁶.

Хулоса қилиб айтганда, инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда асосий мезон сифатида шахс



розилигининг формал мавжудлиги эмас, балки унинг эркин, англаган ва ихтиёрий характерга эга экани эътироф этилиши лозим. Зеро, трансплантация муносабатларида зўрлик, таҳдид, ижтимоий босим, иқтисодий қарамлик ёки ахборот асимметрияси орқали шаклланган розилик ҳақиқий эркин ироданинг ифодаси сифатида баҳоланмайди. Шу нуқтаи назардан, ЖК 115¹-моддаси диспозициясини замонавий ҳуқуқий ва биоэтик ёндашувлар асосида такомиллаштириш, “бошқа ноқонуний таъсир чоралари” каби кенгроқ ҳуқуқий ифодаларни киритиш ҳамда квалификация амалиётида “ихтиёрийлик мезони”ни марказий ҳуқуқий белги сифатида қўллаш мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мухиддинов Бобур Ҳикмат ўғли,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мутақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 2001. – С. 4.
2. Кабулов Р., Якубов А.С., Илхамов А.Н. Жиноятларни квалификация қилиш. Услубий материал. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2001. – 24 б.; Кабулов Р. Понятие и значение состава преступления по уголовному праву Республики Узбекистан // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – Тошкент, 2002. – No 5. – С. 25-26.; Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 59 б.
3. Зубкова В.И. Ответственность за преступления против личности по законодательству России. М., 2005.; Тихонова С.С. Прижизненное и посмертное донорство в Российской Федерации: Вопросы уголовно-правового регулирования. СПб., 2002.
4. Лёвина А.И. Принуждение к изъятию органов или тканей человека для трансплантации // *Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России*. 2014. №3 (27). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prinuzhdenie-k-izyatiyu-organov-ili-tkaney-cheloveka-dlya-transplantatsii> (дата обращения: 02.05.2026).
5. Гокунь Ю.С. Детерминирование принуждения к изъятию органов или тканей человека для трансплантации // *Вопросы российской юстиции*. 2020. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/determinirovanie-prinuzhdeniya-k-izyatiyu-organov-ili-tkaney-cheloveka-dlya-transplantatsii> (дата обращения: 02.05.2026).
6. Тадқиқот давомида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари. 2-Илова.

САФДОШИМ, ҲАММАСЛАК, ҲАМФИКР ДЎСТИМ

юридик фанлар доктори, профессор
Шухрат Файзиев портретида чизгилар

Инсон умри, унинг мазмуни ва моҳиятини йиллар эмас, балки ўша йиллар ичида қолдирилган ўчмас, ибратли из ва тарбияланган шогирдлар белгилайди...



Шухрат Файзиевнинг ибратли ҳаёти ва сермахсул илмий-ижодий фаолияти ҳам жуда кўплаб ёшлар учун ибрат мактаби, деб биламан. Бу инсонни мен салкам 40 йилдан бери яқиндан танийман. Шухрат Хасанович бу ҳаётдаги энг яқин сафдошим, ҳамфикр ва ҳаммаслак инсонларимдан биридир. Биз нафақат тенгдошимиз, балки илм оламига, ҳуқуқшунослик соҳасига ҳам бир даврда, бир пайтда қадам қўйганмиз. У кишининг олимлик салоҳияти ва ўзига хос тафаккур тарзи ҳақида ўйлаганимда кўз олдимда ҳақиқий олимнинг жамиятдаги ўрнини ифодаловчи бир ибратли ривоят гавдаланади.

Шайтонни ҳайқитирган уйку

Ривоят қилишларича, шайтон бир уйнинг остонасида ичкарига киришга ботинмай турган экан. Бир авлиё зот шайтондан сўрабди: “Эй малъун, нега бу хонага кира олмаяпсан?” Шайтон жавоб берибди: “Ичкарида бир олим ухлаб ётибди. Агар мен ҳозир эшикни очиб кирсам, у уйғониб кетиши мумкин. Олим уйғонса табиийки, халқни яхшиликка, эззуликка, илму маърифат ва ҳақиқатга чорлайди. Унинг нури бор жойда менинг шум ниятларим кулга айланади, билимли одамни ўйлан урولмайман. Шу боис, унинг уйғонилишдан қўрқиб, остонада турибман”.

Бу ривоят бежиз эмас. Шухрат Хасанович – том маънодаги ҳуқуқшунос олим, ўз илми билан атрофдагиларга маърифат бағишловчи зотлардан биридир.

Ҳақиқий олимнинг узокни кўра олиши унинг танлаган тадқиқот мавзусидан ҳам маълум бўлади. Шухрат Файзиев бундан ўттиз йил аввал экологик хавфсизлик ҳали бугунгидек глобал даражадаги оғриқли нуқтага айланмаган бир пайтда, қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий масалаларини ўрганишга қўл урган эди.

Бугун – сув танқислиги, экологик инқироз ва озиқ-овқат хавфсизлиги дунёни ларзага солаётган бир даврда, олимнинг нақадар ҳақ бўлганига тан берамиз. Унинг ўша даврдаги тадқиқотлари бугунги кун жамияти учун энг долзарб ва энг асосий мавзуга айланди. Шухрат Хасанович экологик хавфсизликни қишлоқ хўжалигисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, бу бевосита инсон соғлиги ва миллат келажаги билан боғлиқлигини илмий асослаб берган.

Мен у кишининг ўнлаб монографиялари ва илмий асарларини чуқур ўрганганман. Унинг ёзганлари шунчаки қоғоздаги назария эмас, балки амалиёт ва халқаро тажрибанинг чуқур таҳлили маҳсулидир. Шухрат Хасанович ўз номзодлик ишининг мантиқий давоми сифатида 2005 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унда Ўзбекистонда экология сиёсатини ҳуқуқий таъминлашнинг назарий масалаларини янгича йўналиш ва янги институт сифатида фанга олиб кирди.

Шухрат Хасановичнинг илмий изланишлари шунчаки назария эмас, балки катта бир мантиқий занжирнинг халқаларидир. Профессорнинг илмий салоҳияти нақадар юқорилигини унинг тар-

биялаган шогирдлари сонидан ҳам билиш мумкин. У киши юридик фанлар доктори (DSc) даражасидаги 5 нафар олимга илмий маслаҳатчи бўлган, бу ниҳоятда машаққатли ва улкан масъулиятли вазифадир. Бундан ташқари:

12 нафар мустақил изланувчи ва тадқиқотчига бевосита илмий раҳбарлик қилди;
10 дан ортиқ дарслик ва 7 та ўқув қўлланма чоп этган;
15 та монография ва 11 та илмий-амалий қўлланмалар муаллифига айланди.

Бу рақамлар замирида йиллар давомида чеккан заҳматли меҳнат ва бедор тунлар ётибди.

Шухрат Хасановичнинг фаолияти фақатгина университет аудиториялари ёки илмий кенгашлар билан чекланиб қолмади. У Тошкент давлат юридик институтида иш бошлаган бўлса-да, кейинчалик мамлакатимизнинг энг юксак идораларида масъулиятли лавозимларда ҳам хизмат қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари сифатида кўрсатган фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Шунингдек, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти раҳбари сифатида қонунчиликни такомиллаштириш ва норматив ҳужжатларни мониторинг қилиш тизимига янги нафас олиб кирди. Ушбу институт эришган ютуқлар замирида бевосита Шухрат Хасановичнинг тажрибаси ва илмий салоҳияти мужассамдир.

Шухрат Хасанович нафақат забардаст олим, балки ниҳоятда дилбар ва меҳрибон инсондир. Кўплаб илмий конференциялар, баҳс-мунозаралар ва давра суҳбатларида бирга бўлганимда бир нарсга амин бўлганман: у кишининг ёндашувида ҳеч қачон шахсий амбиция ёки манманлик бўлмайди. Унинг учун бош мезон – “Бу масала фанга, миллатга ёки халққа қай даражада наф беради?” деган ҳолис ва ҳаққоний қарашдир. Ҳар қандай баҳсда фақат ҳақиқатни излайди, самимият билан фикр билдиради.

Бу йил қадрдон дўстим Шухрат Хасанович Файзиев ўз умрининг қутлуғ 60 йиллик доворини қарши олмакда. Агар ҳаётда муносиб умр кечиришга мисол изланса, мен ҳеч иккиланмай Шухрат Хасановичнинг умр йўлини кўрсатган бўлардим. Унинг босиб ўтган йўли – садоқат, меҳнат ва инсонийликнинг гўзал намунаси.

Илҳом НАСРИЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор.

ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА В СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ

Масштабные конституционные реформы, закрепленные в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, и стратегические цели развития, определенные в Стратегии "Узбекистан – 2030", провозгласили безусловный приоритет обеспечения прав человека и верховенства закона.

Реализация этих задач невозможна без функционирования сильной, независимой и транспарентной судебной власти. В этом контексте ключевым условием укрепления общественного доверия к правосудию выступает искоренение любых коррупционных проявлений в судебной системе.

Статьей 55 Конституции Республики Узбекистан каждому гарантирована судебная защита его прав и свобод, право обжалования в суд незаконных решений, действий и бездействия государственных органов и иных организаций, их должностных лиц, восстановление нарушенных прав и свобод путем рассмотрения его дела компетентным, независимым и беспристрастным судом в установленные законом сроки.

Статья 5 Закона Республики Узбекистан "О противодействии коррупции" устанавливает основные направления государственной политики в области противодействия коррупции это:

- повышение правового сознания и правовой культуры населения, формирование в обществе нетерпимого отношения к коррупции;

- реализация мер по предупреждению коррупции во всех сферах жизнедеятельности государства и общества;

- своевременное выявление, пресечение коррупционных правонарушений, устранение их последствий, причин и условий, им способствующих, обеспечение принципа неотвратимости ответственности за совершение коррупционных правонарушений.

Реализованные в последнее время меры позволили повысить роль и ответственность судебных органов, проводятся определённые работы по обеспечению прозрачности деятельности судов и по вопросам распространения правовой информации.

Принятие Указа Президента Республики Узбекистан №УП-106 от 08 июня 2026 года "О дополнительных мерах по повышению эффективности системы комплаенс-контроля в судах" (далее по тексту Указ) ознаменовало переход от точечных антикоррупционных мер к системному, превентивному управлению рисками внутри судебного аппарата.

Так, в целях дальнейшего усиления гарантий судебной защиты населения, внедрения профессиональной системы выявления и оценки коррупционных рисков в судах, а также обеспечения в судебной системе эффективного и своевременного выполнения задач, вытекающих из объявленного в 2026 году "чрезвычайного положения" по противодействию коррупции, определены приоритетные направления - это цели Указа, предупреждение коррупции среди работников аппарата судов и формирование в судебном корпусе нетерпимого отношения к коррупции, то есть -

- раннее искоренение факторов, порождающих коррупцию, посредством выявления и оценки коррупционных рисков, внедрения современной системы комплаенс-контроля в судах;

- организацию процесса приема на работу работников аппарата судов на основании прозрачных процедур и открытого конкурса, обеспечение профессионального роста работников на основе справедливой и объективной оценки их потенциала, навыков, профессиональных качеств и особых заслуг (меритократия)*;

- укрепление доверия общественности к судебной системе, повышение престижа и авторитета суда, превращение судебных органов в подлинных сподвижников реформ на пути построения Нового Узбекистана.

Указом одобрены: предложения Верховного суда, в частности по организации судебной системы Службы комплаенс-контроля, ответственной за предупреждение коррупции, одной из основных задач которого определено - выявление и оценку коррупционных рисков, принятие мер по искоренению коррупционных факторов в деятельности аппарата судов;

в сфере направления предупреждения коррупции в судебной системе осуществляется: среди судейского корпуса - Судебной инспекцией по обеспечению неприкосновенности судей и предупреждению коррупции Высшего судейского совета, а среди работников аппарата судов, включая Департамент по обеспечению деятельности судов - Службой комплаенс-контроля Верховного суда;

предложения Высшего судейского совета и Агентства эффективности управления, предусматривающие: проведение до конца 2026 года диагностики уровня устойчивости к коррупции в судебной системе с использованием материально-технической базы и научно-практических ресурсов Академии правосудия и Центра оценки руководящих кадров при Агентстве эффективности управления, внедрение практики дополнительного проведения диагностики профессионально-личностного уровня и антикоррупционной устойчивости при профессиональной подготовке кандидатов на должность судьи в Академии правосудия.

Указ Президента Республики Узбекистан выступает в качестве важнейшего драйвера институциональной трансформации судебной системы и главной её целью является дальнейшее укрепление атмосферы прозрачности, честности и законности в судебной системе, повышение доверия граждан к правосудию.

Подытоживая, нужно отметить что, основываясь на принципах национального законодательства Президентом Республики Узбекистан последовательно совершенствуется и гарантируется права граждан как физических лиц, так и юридических лиц.

Бердимурат БАЙМУРАТОВ,

судья Нукусского межрайонного экономического суда

Республики Каракалпакстан,

Гульбахар ПИРНИЯЗОВА,

преподаватель Каракалпакского государственного университета.

* Меритократия - "власть достойных" это принцип, по которому люди продвигаются на позиции по показателям талантов, компетенций, знаний, а не по рождению или каким-то другим показателям.

ЗНАЧЕНИЕ ОСНОВНЫХ ИСТОЧНИКОВ УГОЛОВНОГО ПРАВА ВЕЛИКОБРИТАНИИ

АННОТАЦИЯ: в данной статье автор раскрывает сущность основных источников уголовного права Великобритании – Судебных решений (прецедентов) и Законов (статуты), освещая их содержание. Кроме того, автор отмечает, что одной из особенностей рассмотрения уголовных дел в Великобритании является то, что в зависимости от характера и степени общественной опасности совершённого преступления уголовные дела рассматриваются магистратским судом либо судом Короны.

Ключевые слова: судебные решения (прецеденты), Законы (статуты), магистратские суды и суд Короны.

В каждом государстве существуют основные источники уголовного права, отличающиеся друг от друга своими специфическими особенностями. Источники уголовного права той или иной страны формируются исходя из проводимых государством реформ по предупреждению преступности и эффективной борьбе с ней, а также из необходимости гарантированного обеспечения прав и свобод граждан.

В частности, в Англии в настоящее время источниками уголовного права являются судебные прецеденты (общее право) и статуты (право актов Парламента).

В английском уголовном праве отсутствует единый кодифицированный кодекс, регулирующий уголовное право в целом, однако само это обстоятельство является особенностью английского уголовного права.

Основные источники уголовного права Соединённого Королевства Великобритании и Северной Ирландии состоят из следующего:

Судебные решения (прецеденты), образующие систему общего права (Common Law). Формирование этой системы восходит к XII веку. Общее право представляет собой целостную систему прецедентов, включающую определённую иерархию, судебные правила и процедуры принятия судебных решений. Однако решения не всех английских судов имеют обязательную силу прецедента. Статусом прецедента обладают только решения судов высшей инстанции, к которым относятся решения Апелляционного суда (Court of Appeal) и Палаты лордов (House of Lords); эти решения обязательны для всех судов низшей инстанции – Высокого суда юстиции (High Court of Justice), судов графств (county courts) и магистратских судов (magistrates' courts)¹.

Законы (статуты) – это законодательные акты, принимаемые парламентом (Statute Law). Статутное право интенсивно развивалось как результат укрепления власти парламента после революции XVII века. По своему объёму и содержанию статутное право стало вытеснять общее право. Оно охватывает многие нормы Общей части уголовного права и почти все институты Особой части. Среди важнейших законодательных актов статутного права можно назвать “Закон о предупреждении терроризма и мерах расследования” 2011 года, а также “Закон о тяжких преступлениях” 2015 года.

